O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:94(510) “1960-1970”(04)

Шоира АКРАМОВА,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти кичик илмий ходими
E-mail: ametist-25@mail.ru

ТДШУ профессори, т.ф.д Н.Э. Каримова тақризи остида

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ В КНР В 60-Е - 70-Е ГГ. XX В.

Аннотация

Статья посвящена исследованию социальной и экономической ситуации в Китае до начала экономических реформ. «Большой скачок» и «культурная революция» нанесли колоссальный материальный и нравственный урон всему китайскому обществу, после чего экономика страны оказалась на грани гибели. Создание «великого и мощного Китая» осуществлялось путем милитаризации, наращивания военно-экономического потенциала, усиления военно-бюрократической диктатуры.

Ключевые слова: Индустриализация, социально-экономическое развитие, “большой скачок”, Мао Цзэдун, культурная революция, плановая экономика, коммунистическая партия Китая, Дэн Сяопин, социалистическое общество, народные коммуны.

XX АСРНИНГ 60-70 Й.Й. ХХРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

Аннотация

Мақола Хитойдаги иқтисодий ислоҳотлар бошланишидан олдинги даврнинг ижтимоий ва иқтисодий вазиятини ўрганишга бағишланган. “Буюк сакраш” ва “Маданий инқилоб” бутун Хитой жамиятига жуда катта моддий ва маънавий зарар етказди, шундан кейин мамлакат иқтисодиёти таназзул ёқасига келди.

“Буюк ва қудратли” Хитойни яратиш уни ҳарбийлаштириш, ҳарбий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий-бюрократик диктатурани мустаҳкамлаш орқали амалга оширилди.

Калит сўзлар: Саноатлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, “катта сакраш”, Мао Цзэдун, маданий инқилоб, режали иқтисодиёт, Хитой коммунистик партияси, Дэн Сяопин, социалистик жамият, халқ коммуналари.

SOCIO-ECONOMIC SITUATION IN THE PRC IN THE 60S - 70S. OF 20TH CENTURY

Abstract

The article is devoted to the study of the social and economic situation in China before the start of economic reforms. “Great Leap Forward” and “Cultural revolution” caused colossal material and moral damage to everything Chinese society, after which the country’s economy was on the verge of death. The creation of a “great and powerful China” was carried out by militarization, building up military and economic potential, strengthening military-bureaucratic dictatorship.

Key words: Industrialization, social-economic development, “Great Leap Forward”, Mao Zedong, cultural revolution, planned economy, Chinese communist party, Deng Xiaoping, socialist society, people’s communities.

Введение. Накануне перехода власти в стране в руки компартии создатели нового Китая во главе с Мао Цзэдуном выдвинули стратегию «уверенного преобразования Китая из аграрной страны в индустриальную страну, перехода от нового демократического общества к социалистическому обществу» [6]. Была предпринята исключительная попытка совместного изменения экономического и социального строя: индустриализация страны стала материальной предпосылкой создания социалистического общества, а в процессе создания социалистического общества завершалась индустриализация страны.

Все это предвещало, что история КНР будет развиваться по пути завершения индустриализации страны и создания социализма и на этой основе непрерывно развиваться далее.

Экономические реформы в КНР начали осуществляться в драматических исторических условиях, когда теория и практика социализма подверглись ряду болезненных ударов. Особенно трагичным стал опыт «большого скачка» и «культурной революции», после которых экономика страны оказалась на грани гибели.

Неизгладимый след и в экономике, и в общественном сознании китайцев, оставила «культурная 1революция». Мао Цзэдун недаром сказал: «Культурная революция должна регулярно повторяться» [2]. Поскольку люди занимают ответственные посты, они начинают «обрастать» связями, собственностью, личными меркантильными интересами, которые противоречат развитию. Развитие и стабильность – это две стороны медали. Не может быть государства без стабильности, иначе – это постоянная лихорадка. Но и бесконечная стабильность – это помеха, ведущая к застою. Все должно двигаться и развиваться. Мао считал, что культурная революция – это тот необходимый и неизбежный этап, когда на смену стабильности, превратившейся в застой, должно прийти развитие.

Анализ литературы по теме. Период осуществления в КНР «большого скачка», создания «народных коммун» (1958-1960) и «культурной революции» достаточно широко и обстоятельно освещен в работах китаеведов [1]. Здесь мы остановимся на сложившейся после «культурной революции» ситуации, в которой, в конечном счете, оказался Китай.

Важнейшим моментом в экономической политике маоистского руководства на этапе «культурной революции» была подмена курса на построение социализма в Китае гегемонистскими и великодержавно-шовинистическими устремлениями, ставкой на создание «великого и мощного Китая» путем милитаризации, наращивания военно-экономического потенциала, усиления военно-бюрократической диктатуры.

Методология исследования. В сложившихся условиях китайское руководство столкнулось с

объективной невозможностью одновременно создавать военно-экономическую базу для проведения великодержавной политики и обеспечивать последовательное плановое развитие всего народного хозяйства. Был принят курс на милитаризацию, быстрейшее создание мощного военно-экономического потенциала, максимальное использование для этого всех возможных средств и ресурсов. Следствием такого курса явилась попытка снять с центральной власти заботы о развитии гражданских отраслей народного хозяйства, возложив эти заботы на плечи самих трудящихся, вменив это в обязанность «местам».

Выбор главной цели и определил антинародный характер экономической политики маоистского руководства, сложившейся в период «культурной революции». Ее основными составными частями, определяющими моментами были [4]:

· милитаризация, которая экономически проявляется в концентрировании усилий и средств на наращивании военно-экономического потенциала государства, в однобоком развитии преимущественно тех отраслей современной индустрии, которые входят в военно-промышленный комплекс или тесно с ним связаны;

· отказ государства от заботы о развитии отраслей экономики гражданского назначения, установка на «самообеспечение», «саморазвитие», «опору на собственные силы», как в масштабах отдельных отраслей, так и в рамках замкнутых административно-хозяйственных образований, изъятие прибавочного и части необходимого продукта из промышленности и сельского хозяйства этих образований в целях развития военно-промышленного комплекса;

· экстенсивное развитие мелкого производства, консервация низкого уровня развития производительных сил там, где это связано с удовлетворением повседневных производственных и жизненных потребностей населения;

· нещадная эксплуатация государством трудовых ресурсов страны, неквалифицированного ручного труда, широкое использование полупринудительного труда в ходе «массовых кампаний» и «движений», консервация бедности и нищенского жизненного уровня населения;

· административно-волевой подход к решению хозяйственных вопросов, резкое сужение сферы применения экономических методов воздействия на развитие народного хозяйства.

Период с 1971 г. По 1975 г. В Китае был назван периодом выполнения «четвертого пятилетнего плана». Однако никаких соответствующих контрольных цифр опубликовано не было, перед народным хозяйством на этот период не были поставлены сколько-нибудь конкретные задания. Экономика Китая так же, как и на протяжении предыдущих десяти с лишним лет, развивалась при отсутствии научно-обоснованной программы.

После «культурной революции» в КНР, общественное производство все больше утрачивало социалистическую ориентацию, теряло органическую связь с целью общественного производства при социализме – удовлетворением потребностей народа. Цели и направленность общественного производства все в большей степени определялись маоистским великодержавно-гегемонистским курсом, а результаты функционирования государственной и кооперативной собственности использовались для реализации этого курса [4].

Между тем, искажение цели общественного производства, фактическое отстранение трудящихся от управления предприятиями и распределения доходов, приспособление структуры и нужд общественного производства и воспроизводства к созданию милитаризованной системы – все это привело к тому, что внутри государственной собственности накапливались элементы «государственно-бюрократической» собственности в ущерб общенародной. Государственный бюджет и весь аппарат принуждения во все большей мере обслуживали милитаристские и престижные нужды господствующей маоистской верхушки.

К началу 70-х годов XX в. в народном хозяйстве Китая довольно отчетливо сформировались два хозяйственных комплекса, один из которых был представлен группой отраслей, прямо или косвенно связанных с военным производством, а другой – отраслями гражданского производства, главным образом, сельским хозяйством, средней и мелкой промышленностью. Причем, второй комплекс рассматривался маоистами как питательная почва для военной промышленности и обслуживающих ее отраслей производства и функционировала на основе принципа «опоры на собственные силы», без существенной помощи со стороны государства.

В течение 1971-1975 гг. экономическая политика китайского руководства в ее главных чертах оставалась прежней; основные усилия руководства были сосредоточены на наращивании военно-экономического потенциала.

Отсутствие четко сформулированной экономической политики, ее целей, важнейших задач, путей и методов их достижения китайское руководство пыталось компенсировать пропагандой ряда «установок», «курсов» и «лозунгов», выдаваемых за «разработку» и «теоретическое обоснование» экономической политики.

Созванная в январе 1975 г., после десятилетнего перерыва, сессия ВСНП лишь несколько конкретизировала перспективные экономические цели, выдвинув задачу к концу нынешнего столетия превратить Китай в «могучую державу». Сделать это было намечено в «два шага»: до 1980 г. Создать «самостоятельную, сравнительно целостную систему промышленности и всего народного хозяйства»; в последующие 20 лет на основе «всесторонней модернизации сельского хозяйства, промышленности, науки и техники» вывести Китай «в первые ряды стран мира».

Однако, в течение 1971-1975 гг., в ходе внутренней борьбы в китайском обществе в осуществлении экономической политики были заметны определенные «искривления» и «отходы» от маоистской линии, допускавшиеся теми практическими работниками, которые отрицали или не полностью разделяли экономические постулаты Мао Цзэдуна.

Разногласия по вопросу о методах экономической политики вызвали в конце 1975 г. – начале 1976 г. новую вспышку внутриклановой борьбы в маоцзэдуновском руководстве, которая вылилась в кампанию «критики правоуклонистского поветрия пересмотра правильных выводов». Жертвами этой кампании стали заместитель премьера Дэн Сяопин и другие сторонники умеренной, «прагматической» линии, проводившейся бывшим премьером Чжоу Эньлаем. Данная борьба свидетельствовала о неспособности маоцзэдуновского руководства дать стране позитивную научно обоснованную программу экономического развития. Коренная причина этого кроется в том принципиальном противоречии, в котором находится маоизм с объективными экономическими потребностями развития Китая, с социалистической перспективой, которую открыла перед страной победа народной революции 1949 г. Маоизм выступил главным тормозом прогрессивного экономического развития Китая, подчиняя это развитие достижению великодержавных гегемонистских целей, враждебных теории и практике научного социализма.

В Китае на протяжении трех десятков дореформенных лет считалось, что чем крупнее хозяйство, естественно целиком государственное, тем лучше. В общественное сознание активно внедрялись хлесткие лозунги типа «и большое, и общественное, и чистое», «сверхбедность на переходном этапе», «бедность – это хорошо, это – революционно» и им подобные. Это вело к уравниловке, безынициативности и, в конечном итоге, сдерживало производительные силы.

В условиях сложной политической обстановки для того, чтобы в короткий исторический срок осуществить индустриализацию страны, необходимо было усилить мобилизацию всех экономических ресурсов страны.

Анализ и результаты. Если исследовать путь, пройденный Китаем с 1949 г. По 1976 г., то некоторые факторы, характеризующие экономическое состояние страны, обнаруживают тупиковое положение.

Во-первых, была построена система плановой экономики, за что было заплачено очень высокой ценой. Для того, чтобы за короткий срок осуществить индустриализацию, страна пожертвовала интересами широких крестьянских масс, развитием других отраслей народной экономики и улучшением материальной жизни всего народа. Все ресурсы общества были сконцентрированы и направлены на развитие тяжелой промышленности.

Во-вторых, была создана система микроэкономических организаций, соответствовавшая требованиям плановой экономики. Для того, чтобы страна могла постоянно концентрировать силы и управлять ими, за сравнительно короткий срок было осуществлено социалистическое преобразование сельского хозяйства, единоличного ремесленного производства, промышленности и торговли. Таким образом, экономика всенародной собственности и коллективной собственности постепенно стала основным субъектом микроэкономики Китая.

В-третьих, постоянно усиливалась функция идеологии в укреплении существующего строя. Для того, что люди в условиях ущемления их интересов по-прежнему принимали и поддерживали существующий строй, постоянно организовывались крупномасштабные идеологические движения, благодаря которым у людей складывалось единое мировоззрение и они добровольно приносили жертвы для осуществления воли страны. Но в дальнейшем, после 30 лет, люди почувствовали контраст между реальным опытом и долгое время насаждавшейся идеологией, что неминуемо вызвало чувство неудовлетворения. После окончания «культурной революции» народная экономика была на грани краха, а в обществе царил беспорядок.

Выводы и предложения. К 1978 году были преодолены голод и разруха, однако структура экономики продолжала оставаться неразвитой, уровень производительных сил был крайне низок. В 1978 году ВНП Китая на душу населения составлял 230 долларов США, в то время как в промышленно развитых странах этот показатель равнялся 8100 долларам, в странах со средним доходом – 1160 долларам, в развивающихся странах – 520 долларам [9,5]. Очевидно, в какой экономической пропасти была Поднебесная. Начиная реформы на такой слабой производственно-финансовой базе, Китаю предстояло преодолеть огромные трудности.

Плановая экономика в Китае была создана по советской модели. Безусловно, на начальном этапе социалистического строительства эта сверхцентрализованная плановая экономика сыграла, в общем и целом, положительную роль. Однако, поскольку она отрицала товарно-денежные отношения и роль рыночных факторов, то, чем дальше, тем больше по мере своего развития сковывала производительные силы. Таким образом, реформа экономической системы КНР должна была не только заменить сверхцентрализованную плановую экономику социалистической рыночной, но и разработать более новые формы экономического развития.

Идея привнесения в социализм рынка высказывалась Дэн Сяопином еще в 1979 году: «Говорят, что рыночная экономика присуща только капиталистическому обществу, есть только капиталистическая рыночная экономика, это абсолютно неверно. Почему же социализм не может развивать рыночную экономику? Нельзя же сказать, что это капитализм». Или: «Преобладание плана или рынка не является сущностным критерием разграничения капитализма и социализма. Плановая экономика не тождественна социализму, при капитализме также имеется планирование; рыночная экономика не тождественна капитализму, при социализме также есть рынок. План и рынок — все это представляет собой экономические меры» [5]. Следуя этим указаниям архитектора китайских реформ, в начале 80-х годов в Китае стали поощрять развитие коллективного и индивидуального секторов экономики.

Выход Китая в 1978 г. на путь экономических реформ и открытости после десяти лет «культурной революции», которая вызвала кризис в народном хозяйстве и задержала социально-экономическое развитие страны почти на два десятилетия, показал осуществимость использования механизма рынка и крупномасштабного сотрудничества с внешним миром для строительства конкурентоспособной страны.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бовин А., Делюсин Л. Политический кризис в Китае. – Москва, 1968; Китай на пути модернизации и реформ. 1949-1999. – Москва, 1999; Китай после «Культурной революции». – Москва, 1979.
2. Галенович О. Пэн Дэхуай и Мао Цзэдун. – М.: Политкнига, 1999. – С.32.
3. Гельбрас В.Г. Реформы в КНР: проблема оценки итогов. – М.: Мировая экономика и международные отношения, 1995. – № 7. – С.23-25.
4. Данилов Н. Объединенная революционная лига Китая. – Москва: Прагмапресс, 2003. – С. 78-81.
5. Дэн Сяопин. Собрание сочинений. – Пекин: издательство "Жэньминь", 1993. – Т. 3. – С. 373.
6. Ковалев М.М., Дин Жуджунь. Китайские экономические реформы: опыт, возможности применения в Беларуси. – Минск, 2004. – С.151
7. Когай В.Н. Китайский путь развития: в поисках своего будущего // Востоковедение. –1999. – №3. – С.84.
8. Кулик Б.Т. Ключи к успеху реформ: опробовано в Китае // Обозреватель. – 1994. – №12. – С.88-90.
9. Ли Теин. Поиски направлений реформы и политики открытости. – Пекин: Изд. Документации общественных наук, 2002. – Т. 1. – С. 5.
10. Муромцева З. Развитие городов и оптимизация экономической структуры Китая в XX1 веке // Проблемы Дальнего Востока. – 2002. – N 3. – С.107-114.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УЎК: 327.33(575.1)

Асадбек БОБОЖОНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар
ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бош мутахассиси, мустақил тадқиқотчи
E-mail: asadbekbiznes@gmail.com

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) О.Алмардонов тақризи асосида

PRAGMATIC FOREIGN POLICY OF UZBEKISTAN AS THE MAIN FACTOR OF PEACE AND DEVELOPMENT IN CENTRAL ASIA

Abstract

The foreign policy of Uzbekistan over the past six years has received due appreciation from the international community. The foreign policy initiatives of Uzbekistan open up new opportunities for the whole of Central Asia. The importance of the country in the region is recognized by foreign experts and representatives of political circles. On the initiative put forward by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 72nd session of the UN General Assembly in September 2017, the practice of regular consultative meetings of the leaders of Central Asian countries has been established. At the meetings organized in Kazakhstan, Uzbekistan, Turkmenistan and Kyrgyzstan, the level of political trust in our region has significantly increased, it was possible to find fundamentally important decisions on many topical issues. Relations of friendship and brotherhood between neighboring countries have taken on a completely new meaning. This created an atmosphere of peace and development in Central Asia.

Key words: Foreign policy of Uzbekistan, Central Asia, consultative meetings, public, SCO, international cooperation, foreign policy, foreign relations of Uzbekistan, trade and economic, cultural and humanitarian relations.

ПРАГМАТИЧНАЯ ВНЕШНЯЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА КАК ГЛАВНЫЙ ФАКТОР МИРА И РАЗВИТИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация

Внешняя политика Узбекистана за последние шесть лет получила должную оценку международного сообщества. Внешнеполитические инициативы Узбекистана открывают новые возможности для всей Центральной Азии. Важность страны в регионе признают зарубежные эксперты и представители политических кругов. По инициативе, выдвинутой Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в сентябре 2017 года, налажена практика регулярного проведения консультативных встреч лидеров стран Центральной Азии. На встречах, организованных в Казахстане, Узбекистане, Туркменистане и Кыргызстане, значительно повысился уровень политического доверия в нашем регионе, удалось найти принципиально важные решения по многим актуальным вопросам. Совершенно новое значение приобрели отношения дружбы и братства между соседними странами. Это создало атмосферу мира и развития в Центральной Азии.

Ключевые слова: Внешняя политика Узбекистана, Центральная Азия, консультативные встречи, общественность, ШОС, международное сотрудничество, внешняя политика, международные отношения Узбекистана, торгово-экономические, культурно-гуманитарные отношения.

ЎЗБЕКИСТОН ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ФАКТОРИ СИФАТИДА

Аннотация

Ўзбекистоннинг сўнгги олти йилда олиб бораётган ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни очмоқда. Мамлакатнинг региондаги муҳим аҳамияти хорижий эксперт ва сиёсий доиралар вакиллари томонидан ҳам эътироф қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга кўра Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қирғизистонда ташкил қилинган учрашувларида минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошиб, кўплаб долзарб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди. Қўшни давлатлар орасида дўстлик ва биродарлик алоқалари бутунлай янгича маъно-мазмун касб этган ҳолда жадал тус олди. Бу эса Марказий осиёда тинчлик ва тараққиёт муҳитини яратди.

Калит сўзлар: Ўзбекистон ташқи сиёсати, марказий осиё, маслаҳат учрашувлари, жамоат, ШҲТ, халқаро ҳамкорлик, ташқи сиёсат, Ўзбекистон халқаро алоқалари, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп, бой табиий ресурсларга эга ва географик жиҳатдан қулай жойлашган мамлакати бўлиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутади. Қайд этиш жоиз, сўнгги 6 йилда мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан қўшни мамлакатлар билан яқин дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш, дунёга Ўзбекистон бағрини кенг очиш борасида кўлами жиҳатидан буюк ва ўта муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг очиқ, дўстона ва прагматик ташқи сиёсати натижасида кейинги йилларда қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги – соғлом сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда.

Юқори даражали алоқалар туфайли Тошкент дунёнинг етакчи давлатлари билан муносабатларни тубдан янги даражага олиб чиқди. Масалан, Россия Федерацияси билан кўп режали стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Америка Қўшма Штатлари билан тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида барқарор ва олдиндан башорат қилинадиган тарзда ривожланиб бораётган стратегик ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди. Туркия Республикаси билан ҳам муносабатлар стратегик даражага олиб чиқилган. Ўзбекистон дунё сиёсати ва иқтисодиётида энг муҳим роллардан бирини ўйнаётган Хитой Халқ Республикаси билан яқин регионал қўшни ва дўстона давлат сифатида стратегик ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Асосий қисм. Ўзбекистон барча хорижий ҳамкорлар билан ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб, Президентимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш масаласи алоҳида ўрин олди. Стратегиянинг 7 бўлимида Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш масалалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илк бор “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида ҳам Ўзбекистоннинг охирги 5 йилликдаги ривожланиш йўли, ички ва ташқи сиёсати, ҳозирги кундаги устувор вазифаларга урғу берди. Давлат раҳбари суҳбат давомида ҳозирги кундаги ташқи сиёсат масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг асосий хорижий шериклари ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалари янада кенгайаётганлиги айтиб ўтди.

“Аввало, шуни таъкидлаш керакки, биз мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунёдаги барча тараққийпарвар мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ўзбекистон ўтган даврда ана шу стратегик йўлга доимо содиқ қолиб, ўз шериклари ҳамда халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди. Қўшни – қўшниси билан, ака – укаси, ота – боласи, қариндош – қариндоши билан узилиб қолган алоқаларни тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади. Виза масалалари ҳал этилди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларимиз жадал ривожланмоқда.

Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди.”[1].

Ҳамкорларнинг кенг тизими биз учун ташқи сиёсатдаги алоқаларнинг тартибсизлигини англатмайди. Аксинча, ҳар бир давлат ва ҳар бир халқаро ташкилот билан муносабатларимизни ривожлантиришда давлатимиз манфаатларига мос келадиган аниқ, чуқур ўйланган прагматик вазифалар мавжуд. Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат олиб бормоқда ва ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмайди.[2].

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2017 йилда бу борада қуйидаги фикрларни билдириши фикримизнинг амалдаги исботи бўла олади: "Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз. Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз"[3].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга кўра Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнинг сезиларди даражада юксалганининг амалдаги ифодаси саналади. Қозоғистоннинг Остона, Ўзбекистон пойтахти Тошкент ва Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида ташкил қилинган учрашувларида барча қўшни давлатлар президентларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошиб, кўплаб долзарб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан дўстлик ва биродарлик алоқалари бутунлай янгича маъно-мазмун касб этган ҳолда жадал тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 2022 йилнинг 21 июль куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига ташриф буюрди. Қирғизистонда ҳам минтақа учун муҳим бўлган масалалар муҳокамалар марказида бўлди.

Тадбирда минтақавий хавфсизликка замонавий хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда чора кўриш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, фаол маданий-гуманитар алмашинувларини давом эттириш мақсадида минтақавий шерикликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.[4].

Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим давлат ҳисобланади ва алоҳида роль ўйнайди. Мамлакатнинг региондаги муҳим аҳамияти хорижий эксперт ва сиёсий доиралар вакиллари томонидан ҳам эътироф қилинади. Тошкент минтақадаги барча қўшни давлатлар билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган бўлиб,

бу юқори даражада регионал сиёсат тузиш имконини беради. Ушбу мақсадларда амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга[5].

Марказий Осиё йўналишидаги фаол сиёсат, Ўзбекистон учун регионнинг устуворлиги коронавирус пандемияси вақтида ҳам ёрқин намоён бўлди. Минтақа мамлакатларининг мураккаб эпидемиологик вазияти шароитида мунтазам алоқалар орқали инфекция тарқалишига қарши курашиш, шунингдек, савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистонга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатди. Ўзбекистоннинг минтақа бўйича йўналиши фаоллашуви регионал яқинлашиш, ишонч ва ўзаро тушунишни тиклаш, шунингдек, йиғилиб қолган масалаларни оқилона муросаларга келиш асосида оператив ҳал қилиш юзасидан аллақачон етилган талабга ўз вақтида ва амалий жавоб бўлди. Олий даражада ўрнатилган очиқ ва ишончли мулоқот барча ҳамкорлик йўналишларини кучайтириш учун мустаҳкам асос яратди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий соҳадаги ўзаро ҳамкорлиги фаоллашуви билан бир қаторда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва маданий-инсонпарварлик соҳаларига янги куч берди [6].

Қўшни мамлакатлар чегарадош ҳудудлари даражасида алоқалар кенгайиб бораётгани, халқ дипломатияси механизмларидан фаол фойдаланилаётгани ҳам минтақа давлатлари муносабатларини мазмунан бойитмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласида Марказий Осиё давлатлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан махсус комиссия тузилди. Ҳозирги кунда сув хўжалиги бўйича мавжуд бўлган трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга алоқадор барча муаммолар ўзаро манфаатли қарорлар асосида ечимини топмоқда[7].

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг замонавий устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, мамлакатимизнинг етакчи хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик алоқалари ривожланиб бораётганига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Хусусан, етакчи давлатлар билан “Марказий Осиё + Россия Федерацияси”, “Марказий Осиё + Хитой Халқ Республикаси”, “С5 + 1” (АҚШ), Марказий Осиё + Ҳиндистон, “Марказий Осиё + Япония”, “Марказий Осиё + Корея Республикаси”, “Марказий Осиё + Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги доирасида минтақавий мулоқотнинг турли форматларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Бу эса Марказий Осиёнинг етакчи хорижий мамлакатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларидаги алоқаларининг тизимли равишда олиб борилаётганини кўрсатмоқда[8].

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги яна бир муҳим воқеилик бу 2019 йилнинг 15 октябрь куни Боку шаҳрида рўй берди. Туркий тилли давлатлар кенгашининг еттинчи саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Саммитда Ўзбекистон Кенгашнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этиши унинг муҳим ҳодисасига айланди ва бу жараён тадбирнинг кун тартибида турган энг муҳим масалалардан бири бўлди.

Кузатувчилар ва аъзо давлатлар республикамизни Кенгашга киришини кўтаринки кайфият билан кутиб олди ҳамда буни туркий тилли мамлакатлар учун тарихий воқеа деб атади.

Ташқи сиёсатнинг яна бир йўналиши – Осиё-Тинч океани минтақаси Ўзбекистон учун инвестициявий ва иқтисодий ҳамкорлик ва янги бозорларни ўзлаштириш нуқтаи назаридан муҳимдир. Сир эмаски, айнан ушбу минтақа жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган маркази бўлиб, бу ерда юқори технологияларнинг йирик экспорт ва импорт қилувчилари жойлашган.

Бугунги кунда Хитой билан сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, маданий, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлигимиз жадал ва ўзаро манфаатли асосда ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашувлар, шу жумладан, давлат раҳбарларининг 2017-2020 йиллардаги музокаралари натижасида Ўзбекистон-Хитой стратегик шерикчилиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. 2019 йилда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвес-тициялари ҳажми 9,8 миллиард доллардан ошди, 100 миллион долларга яқин миқдорда турли грантлар жалб этилди[9].

“Маърифат ва диний бағрикенглик“ деб номланган махсус резолюциянинг барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланиб, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида қабул қилиниши давлатимиз раҳбари илгари сурган яна бир ташаббуснинг ўта долзарблиги ва глобал аҳамиятидан далолат беради.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат соҳасида кенг доирадаги шерикларга эга. Ўзбекистон ҳозирги кунда дунёнинг 135 дан ортиқ давлат билан тенг ҳуқуқли муносабатларни, 120 дан зиёд мамлакат билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон 55 та элчихона, консуллик идоралари ва халқаро ташкилотлардаги доимий ваколатхоналари тимсолида жаҳоннинг турли ҳудудларини қамраб олган оптимал дипломатик тармоққа эга[10].

Хулоса ва таклифлар. Бугунги янги Ўзбекистон ташқи сиёсати буюк тарихий воқеалар, мамлакат манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилишига замин яратмоқда. Ўзбекистон бугун яқин қўшничилик, дўстлик тамойилларига таянган ҳолда фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси туфайли минтақа мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал суръатларда ривожланиб боряпти. Шунингдек, энергетика, сув ва экология масалаларида ўзаро манфаатли муносабатлар ривожланмоқда. Тарихан қисқа вақт мобайнида Марказий Осиёда принципиал жиҳатдан мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди. Ўзбекистон раҳбари ташаббуси асосида сўнгги олти йилда минтақанинг барча мамлакатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашинуви амалга оширилди. Минтақа давлатлари етакчилари ўртасидаги сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган мунтазамлик ва доимийлик касб этди. Бундай мулоқотлар давомида Марказий Осиё давлатларини қизиқтирадиган хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим қўшма қарорлар қабул қилинмоқда. Натижада тарихан қисқа вақтда Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан муносабатлари тубдан яхшиланди. Ўзбекистон прагматик ташқи сиёсати – Марказий осиёда тинчлик ва тараққиётнинг асосий фактори сифатида хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 16 август сони. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 8 октябрь сони. “Муштарак дунёда прагматик сиёсат”
3. Мирзиёев Ўзбекистоннинг қатъий сиёсий позициясини эслатиб ўтди. // https://sputniknews-uz.com/20170503/5324748.html
4. “Ўзбекистон Президенти минтақада кўп томонлама ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни таклиф этди” 21.07.2022. // www.president.uz.
5. А.Қодиров Янгиланаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари // https://isrs.uz/
6. Д.Халбаева “Ўзбекистон дунё учун очиқ” // https://adolat.uz
7. «Прагматик ташқи сиёсат» — Эксперт билан Марказий Осиё муаммолари ва уларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида суҳбат // https://kun.uz
8. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021, 30 декабрь.//қаранг: Ўроқбоев И. “Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари”
9. “Замонавий дунёда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кун тартиби” // https://uza.uz
10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 8 октябрь сони. “Муштарак дунёда прагматик сиёсат”

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:159.9(575.1)

Алишер ДОНИЁРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, т.ф.д.
E-mail:doniyorov_alisher@mail.ru
Алишер НАСИМОВ,
Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси
E-mail:a.nasimov76@mail.ru
Т.ф.ф.д С.Джуманов тақризи асосида

STUDY OF THE TRADITIONAL ECONOMY OF THE POPULATION OF THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN

Abstract

The study of the material culture and lifestyle of the population of the southern oases of Uzbekistan is another important issue of ethnographic research. The territory of Kashkadarya and Surkhandarya regions has long been a convenient place for people to live. The works created since the 20th century contain information about agriculture, animal husbandry, crafts and trade, which are the main occupations of the population living in the region. In the southern regions, a kind of economic symbiosis has been formed over the centuries, that is, the traditional direction in one of the farms filled two other farms, which contributed to the establishment of close ties between them.

Key words: Southern regions, territory, region, traditional way of life, agriculture, animal husbandry, crafts, trade, tribe, settled, steppe.

ИЗУЧЕНИЕ ТРАДИЦИОННОГО ХОЗЯЙСТВА НАСЕЛЕНИЯ ЮЖНЫХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

Изучение материальной культуры и образа жизни населения южных оазисов Узбекистана является еще одним важным вопросом этнографических исследований. Территория Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей уже давно является удобным местом для проживания людей. В произведениях, созданных с 20-го века, содержится информация о сельском хозяйстве, животноводстве, ремеслах и торговле, которые являются основными занятиями населения, проживавшего в регионе. В южных регионах на протяжении веков формировался своеобразный экономический симбиоз, то есть традиционное направление в одном из хозяйств заполняло два других хозяйства, что способствовало установлению тесных связей между ними.

Ключевые слова: Южные регионы, территория, регион, традиционный быт, земледелие, животноводство, ремесла, торговля, племя, оседлый, степь.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари аҳолисининг моддий маданияти ва турмуш тарзини тадқиқ этиш этнографик тадқиқотларнинг яна бир муҳим масаласи ҳисобланади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудуди қадимдан инсонлар яшаши учун қулай макон бўлган. XX асрдан бошлаб яратилган асарларда минтақада яшаган аҳолининг асосий машғулотлари бўлган деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо сотиқ ҳақида маълумотлар учрайди. Жанубий ҳудудларда асрлар давомида ўзига хос хўжалик симбиози таркиб топган, яъни хўжаликлардан биридаги анъанавий йўналиш иккита бошқа хўжаликни тўлдирган, улар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилишига ёрдам берган.

Калит сўзлар: Жанубий вилоятлар, ҳудуд, минтақа, анъанавий хўжалик, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, қабила, ўтроқ, дашт.

Кириш. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланишини ўрганган А.Анарбаев археологик ва полиграфик тадқиқотларга таяниб, Ўзбекистоннинг жанубида эрамиздан олдинги VI минг йилликдан бошлаб деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шаклланганлигини қайд этади [1].

Эрамиздан олдинги III мингинчи йилликнинг охири – II мингинчи йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда яшаган қабилаларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзида янги давр бошланади. Шу даврларда Ўзбекистоннинг жанубида (Сурхондарёнинг Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларида) сополли маданияти кўринишида янги деҳқончилик манзили пайдо бўлган [2].

Археологларнинг таърифича, қадимги чорвадор қабилаларнинг деҳқончилик хўжалигига ўтиши чинакам инқилобий ҳодиса ҳисобланиб, уни неолитик, яъни янги тош даври инқилоби, деб номлаганлар. Милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг охирларига келиб Тозабоғёб ва Андроноволик [3] қабилаларининг маданияти излари ҳозирги Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари ҳудудларидан ҳам топилган [4].

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди табиий-географик шароитига қараб учта қишлоқ хўжалиги зонасига бўлинади: тоғли ва тоғ олди зонаси (20,5 %), суғорма ерлар зонаси (18,2 %) ва қолгани бепоён дашт-яйлов ерлардан иборат зона. Аммо суғорма ерларнинг барчаси суғоришга яроқли эмас. Тоғ тизмалари ва қум уюмлари орасида, дарё соҳилларида жойлашган зироатчилик ҳудудлари Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида қадимги даврлардан маълум [5]. Археологик тадқиқотлар Қашқадарё воҳаси аҳолиси қадимдан суғорма ва лалми деҳқончилик билан шуғулланганлини кўрсатади [6].

Академик К. Шониёзовнинг маълумотига кўра, Ши вилоятининг жанубий- ғарбий чегараси ҳозирги Қарши ҳудудларига яқин бўлган. Айрим даврларда, эҳтимолки VI-VII аср ўрталаригача ҳозирги Қарши воҳаси ҳам Ши вилояти таркибига кирган. Хитой солномаларида

Нашебо (кичик Ши)нинг эгаллаган ерлари олдинги Тухоло (Тоҳаристон)га қарашли бўлганлиги қайд этилади.

Дарҳақиқат, Нашебо вилояти милодий I-V асрларгача Тоҳаристонда ҳукмронлик қилаётган Кушонлар қўлида бўлган. Ниҳоят, Ши вилояти кучайиб, VI асрнинг охирида Насаф вилоятини ўзларига тобе этганлар. Ҳокимлари ябғу (жабғу) унвонига эга бўлиб, Кан (Самарқанд вилояти) ҳокимлари уруғларидан эди. Аҳолисининг асосий қисми ўтроқ ҳолда яшаб деҳқончилик билан шуғулланган. Урф-одатлари ва удумлари кўпроқ Кан аҳолисига ўхшаш бўлган. Бу ҳолат Қашқадарё воҳаси ва Зарафшон водийси аҳолиси этномаданияти бир-бирига жуда яқин эканлигидан далолат беради [7].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, жанубий воҳалар аҳолисининг анъанавий хўжалиги ва турмуш тарзи Ўрта Осиё бошқа халқларининг турмуш тарзи билан узвий алоқада бўлган. Минтақанинг табиий-географик жойлашуви эса бу ерда қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик ривожланиб келганига ишора қилади.

Тарихчи олим П.Равшанов Қашқадарёнинг қуйи этакларида қадимий ҳаёт изларини қидирган қадимшунослар бирор-бир манзилда сопол буюмларга дуч келмаганлар. Бироқ, бу жойларда ўқ-ёй алоҳида турини топишганлигини таъкидлаб, узоққа отиладиган бу намуналар қадимги аҳолини асосан овчилик билан шуғулланганликларидан далолат беришини айтади. Олимнинг фикрича, бу ҳудуда аҳолиси овчиликдан аста – секинлик билан чорвачиликка, кўчма тарзда ҳаёт кечиришга ўтган. Сўнг, ўтроқ ҳаёт ҳам турмуш тарзининг ўзига хос кўринишларидан бири сифатида шаклана бошлайди. Шу боисдан деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларга силжиш юз беради [8].

Бойсун ва Қурама тоғ тизмалари этакларида қадимдан кориз деҳқончилиги билан шуғулланиб келинган. Бу ҳудудларда шунингдек, булоқ ва ҳовуз сувларидан фойдаланиб деҳқончилик қилиш ҳам шаклана бошлаган [9].

О.Бўриев минтақа аҳолисининг ананавий машғулотлари ва турмуш тарзи ҳақида қуйидагиларни қайд этади: “IX-X асрларда шимолий-ғарбий Тохаристон (ҳозирги Сурхон воҳаси) турғун аҳолиси деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Бу даврда Қашқадарё воҳасида халқ оммаси осойишта яшаб, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ тараққий этган. Ривожланган ўрта асрларда воҳада деҳқончилик ва чорвачилик анъанавий тарзда тараққий этган. Қуйи Қашқадарёда эса, аксинча, сел сувларига асосланган шартли суғорма деҳқончилик нисбатан кичик майдонларда амал қилинган [10]”.

Тадқиқот методологияси. Б.Х.Кармишева ўз монографиясида XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Бухоронинг бу қисмида табиий шароитнинг кўчманчилик ва чорвачилик қилиш учун қулайлиги сабабли Дашти қипчоқ ўзбеклари бу ҳудудларга мустаҳкам ўрнашиб олишганини қайд этган. Кўп асрлар давомида ўтроқ аҳолига нисбатан ҳукмрон мавқеида бўлиш, кейинги авлодларнинг аста-секин деҳқончилик, ярим ўтроқ ва ўтроқ турмуш тарзига ўтишига уруғ-қабила тартибини унутиб, ўтроқ аҳолига сингиб кетиши билан эмас балки, айрим ўтроқ гуруҳларнинг уларнинг таркибига қўшилиб кетиши билан боғлиқ деган хулосага келади [11].

К.Ш.Шониёзов «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли монографиясида IX – X асрларда қарлуқлар кўп сонли халқ бўлиб, бир қисми чорвачилик, бир қисми овчилик ва яна бошқа қисми эса ўтроқлашиб деҳқончилик билан шуғулланганликлари таъкидланади.

Асарда шунингдек, XIV – XV асрларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқоқ ҳолда яшаган араблар ярим ўтроқ ҳолда кун кечириб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганликлари айтилган.

«Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV – XVII вв.» номли мақоласида К.Ш.Шониёзов Шайбонийхон бошчилигида ўзбек қабилаларининг Мовароуннаҳр, Хоразм ва Тошкент водийсига кириб келишидан олдин бу ҳудудларда ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳоли яшаб келганлигини таъкидлайди [12].

Н.Турсунов тадқиқотларида Жанубий Сурхон аҳлисининг ўзига хос хўжалик ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳам ўчрайди. У маҳаллий аҳолининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги асосий машғулотлари деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик бўлганлигини қайд этган. Ўша даврларда табиий-географик жойлашувига кўра, Сурхон водийсида асосан суғорма, лалми ва яйлов ер эгалиги мавжуд бўлганлиги, аҳоли барча ерлардан унумли фойдаланганлиги ҳақида фикрлар билдирган. Будан ташқари, аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик маҳсулотлари ва иш қуроллари ҳақида маълумотлар беради[13].

Этнограф олим Н.Турсунов Сурхондарёда яшаган этносларни хўжалик хусусиятларига кўра уч ҳудудга бўлади:

Биринчиси, қарлуқ, чиғатой, дўрмон, қисман қўнғирот ва юз каби этнослар Шерободдарё воҳасида, Сурхондарёнинг ўрта қисмидаги суғорма деҳқончилик билан шуғулланган;

Иккинчи ҳудудда асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи – тоғчи-қатағонлар, чиғатойлар, қарлуқлар ва тоғли тожиклар боғдорчилик, чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланганлар;

Учинчи ҳудудда эса кўпроқ чорвачилик билан шуғулланувчи этнослар – қўнғирот, юз, дўрмон кабилар Шерободдарё оралиғидаги дашт зоналарида, Боботоғ этакларида, Қизирик, Бандихон, Музробод, Хайробод чўлларида чорвачилик билан, адирликларда эса лалмикор зироатчилик билан шуғулланганларини таъкидлайди.

Таҳлил ва натижалар. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида жанубий вилоятларда уруғ – қабилага бўлиниш ярим кўчманчи аҳоли ўртасида барқарор сақланган. Ярим кўчманчи аҳолининг асосий машғулоти яйлов чорвачилиги бўлиб, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида ярим кўчманчи ўзбеклар чўл ва ярим чўллар, тоғ этаклари ва тоғ текисликларида яшаганлар.

Жанубда яшаган уруғ – қабила бирлашмалари турмуш ва хўжалик тарзига қараб, ўтроқ ва ярим ўтроқларга ажралган. Ярим ўтроқ аҳоли асосан яйлов чорвачилиги билан, яшаш жойлари дашт (Косон, Чироқчи, Қамаши, Шеробод туманлари) тоғ ва тоғ ён бағирлари (Шаҳрисабз, Китоб, Сариосиё туманлари) бўлгани учун лалмикор, қисман суғорма, яъни обикор деҳқончилик билан шуғулланганлар.

XX аср бошларида мазкур вилоятлар аҳолиси патриалхал – уруғчилик шароитида яшар эди. Бу даврда архаик турмуш тарзи аҳолининг хўжалик фаолиятини, турмуш ва маънавий ҳаётининг кўпгина томонларини қамраб олган. Патриалхал – уруғчилик турмуш тарзи деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ ва ярим ўтроқ жамоада, шаҳарлардаги ҳунармандчилик цех уюшмалари ва маҳалла жамоасида, шунингдек, ўзбекларнинг айрим этник гуруҳларида патрономия қолдиқлари тарзида сақланган.

Жанубий вилоятлардаги катта оила мулкида чорва асосий ишлаб чиқариш воситаларидан бири ҳисобланган. Қўйчилик чорвачиликнинг асосий тури ҳисобланган. Ўтган асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг жанубида

қўйчилик билан асосан дашт ва тоғ этакларида шуғулланилган. Қарши зонасида қоракўл, Сурхон-Шеробод воҳасида ҳисор қўйлари боқилган. Чўл ва дашт ҳудудларда йилқичилик билан кенг шуғулланилган ва пойгачи отлар етиштирилган.

Жанубий ҳудудлар аҳолисининг машғулотлари тўғрисида турли архив ҳужжатлари орқали ҳам маълумот олиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Миллий архивидаги маълумотларда Қарши уездида яшайдиган аҳолининг анъанавий хўжалиги ҳақида маълумотлар учрайди [14].

Бундан ташқари, В.А.Полозов мақолаларида жанубий воҳаларда ердан жамоа бўлиб фойдаланиш анъаналари [15], Д.Басовнинг мақоласида эса Шеробод воҳасидаги анъанавий пайкал тизими ҳақида маълумотлар келтирилади [16].

И.Хидоятовнинг Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг шаклланишига бағишланган мақоласида ҳам жанубий воҳаларда яшайдиган ўзбеклар икки гуруҳга яъни, - қадимги ўтроқ зироаткорлар авлодлари ҳамда уруғ-қабила тартибини сақлаб қолган ярим кўчманчи аҳоли авлодларига ажратилади. Бу ҳудудда иккинчи гуруҳга тегишли аҳоли кўпчиликни ташкил этиши таъкидланган [17].

1963 йилда нашр этилган “Дунё халқлари” рукнидаги этнографик очеркларнинг 2-жилдида XX асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида яшаган арабларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва деҳқончилик бўлганлиги қайд этилган. Улар яшайдиган дашт ва чўл ҳудудларида чорвачилик тараққий қилган бўлса, воҳа жойларда деҳқончилик ривож топган. Шу боис маҳаллий аҳоли қоракўл қўйларнинг бир навини “арабий” ёки “араби” деб атаган. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида ҳаёт кечирадиган араблар ҳисори (думбали) қўйлар ҳам етиштирадилар [18].

Араблар қоракўлчилик билан бир қаторда пахтачиликни ҳам мукаммал эгаллаганлар. Арабларнинг терига ишлов бериш, гилам тўқиш билан қадимдан шуғулланганликлари маълум [19], аммо ушбу манбаларда уларнинг пахтачилик билан машғул бўлганликлари ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, улар пахтачилик билан шуғулланишни маҳаллий халқлардан ўзлаштирганлар.

2011 йилда чоп этилган кўп томли “Народы и культуры” рукнидаги “Узбеки” номли китобда XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси қоракул ва думбали қўйларни, эчки, жайдари қорамол, лоқай ва араб отлари ҳамда бир ва икки уркачли туялар етиштириш билан шуғулланганлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган [20].

Тарихчи олим Р.А.Ражабов Ўзбекистондаги араблар тарихига бағишланган монографиясида “Айрим араблар кўчманчи, шунингдек, ярим кўчманчи бўлиб, Термиз ва Қарши атрофларида кўчиб юрганлар. Арабларнинг кўпчилиги – деҳқонлардир. Уларнинг чўлларда боқиб юрадиган отлари борки, бу савдо-сотиқда муҳим бўлган машҳур барра териларини етказиб бериш манбаи саналади” деб таъкидлайди. Деҳқончилик билан бир қаторда, чорвачилик ҳам ривож топганлигини қайд этади [21].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айсак, тадқиқот даврига оид адабиётларнинг деярли барчасида жанубий вилоятларда аҳоли қадимдан истиқомат қилиб келгани, сув ҳавзалари, ирмоқ ва булоқларга яқин ҳудудларда суғорма деҳқончилик, тоғ ва тоғ олди минтақаларида лалми деҳқончилик ривожлангани, шунингдек, чорвачиликнинг қўйчилик, йилқичилик, қорамол етиштириш турлари, дашт ва чала чўл ҳудудларида қисман туячилик мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Анарбаев А.А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтни ташкил топиши // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. –Т. 2006. –Б. 13.
2. Аскаров.А. Некоторые итоги и задачи археологических исследований в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане, 1978. №8. –Б. 15.
3. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 104–105.
4. Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. – Т., 1956. – Б. 156–157; Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., 1973; Аскаров А.А., Албаум А.И. Поселение Кучуктепа. – Т., 1979.
5. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 89.
6. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбеки // Археология Средней Азии. Труды САГУ, вып. XI, Гуманитарные науки. В кн.: – Т., 1953.
7. Шониёзов К. Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Т.: Фан, 1990. – Б.57–59.
8. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. –Б. 10.
9. Арифханова З.Х. (отв. ред.), Абашин С.Н., Алимова Д.А. Узбеки // Народы и культуры. – М.: Наука, 2011. – Б. 79.
10. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008. – Б. 91, 131, 134.
11. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории Южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976.
12. Шаниязов К.Ш. Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV-XVII вв. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. – Т.: Фан, 1986. – Б. 83–93.
13. Турсунов Н. Этнические особенности населения южносурханского оазиса (конец XIX – начало XX вв.).: Автореф. дис. …канд. ист. наук. – Т.: Термиз ГУ, 2007. – Б. 16–19.
14. ЎзР МА, Р 86–фонд, 1–рўйхат, 2461–иш, 193–197–варақ.
15. Полозов В.А. Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долине и Каршинской степи УзССР // Народное хозяйство Средней Азии. – 1925. –№ 3. – Б. 69–75.,1925. № 7. С. 9–17.
16. Басов Д. Пайкалы Шерабадской долины // За реконструкцию сельского хозяйства, 1929. – № 2. – Б. 117–126.
17. Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана: Сб. ст. – Т., 1965. – Б. 125.
18. Народы Средней Азии и Казахстана. Т. II. – М., 1963. – Б. 587–588.
19. Большаков О.Г. История халифата. Т.II. эпоха великих завоеваний. – М.: Наука, 1993. – Б. 17–24; Веймарн Б., Каптерева Т., Подольский А. Искуство арабских народов. – М.: Восточ. Лит–ра, 1960. – Б. 100–105.
20. Арифханова З.Х. (отв. ред.), Абашин С.Н., Алимова Д.А. Узбеки / Народы и культуры. – М.: Наука, 2011. – Б. 121–132.
21. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси: XIX аср ўрталари – XXI аср бошлари. – Б. 251.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

UDK:950: 665.521.1(045)

Феруза МАЛЛАЕВА,
Қарши давлат университети мустақил изланувчиси

Доцент М.Қодирова тақризи асосида

МУБОРАК НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Аннотация

Мақолада Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг ташкил топиш тарихи, ишлаб чиқариш қуввати ва мамлакатимиз саноат салоҳиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси хусусида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: Ер ости бойликлари, Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси, Карим, Ўртабулоқ конлари, Қорақум конлари, Қултак конлари, Денгизкўл конлари, Помук конлари, Чембарский мажмуаси, Кўкдумалоқ газ мажмуаси, компрессор станциялари, газ конденсати, суюқ углеводород.

МУБАРАКА НЕФТЕГАЗОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ – ВАЖНАЯ ОТРАСЛЬ ЭКОНОМИКИ

Аннотация

В статье рассматривается история Мубарекского нефтегазодобывающего управления, его производственные мощности и вклад в развитие промышленного потенциала страны.

Ключевые слова: Недра, Мубарекское НГДУ, Каримское, Ортабулакское месторождение, Каракумское месторождение, Култакское месторождение, Денгизкульское месторождение, Помукское месторождение, Чембарский комплекс, Кокдумалакский газовый комплекс, компрессорные станции, газовый конденсат, жидкие углеводороды.

MUBARAK OIL AND GAS INDUSTRY IS AN IMPORNAT SECTOR OF THE ECONOMY

Annotation

The article discusses the history of the Mubarek Oil and Gas Production Department, its production capacity and its contribution to the development of the country's industrial potential.

Keywords: Subsoil, Mubarek Oil and Gas Production Department, Karim, Ortabulak fields, Karakum fields, Kultak fields, Dengizkul fields, Pomuk fields, Chembarsky complex, Kokdumalak gas complex, compressor stations, gas condensate, liquid hydrocarbons.

Кириш. Ҳар биримиз Ватанимиз истиқлолининг ўттиз бир йилини қаршилаб, унинг дунё мамлакатлари ичида ўз ўрни, ўз мавқеига эга бўлиб бораётганидан ҳақли равишда ғурурланамиз, албатта. Мамлакатимиз иқтисодий қувватининг ортиб бориши, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришида оғир саноат соҳаси бўлмиш нефть ва газ тармоғининг аҳамияти катта. Бугунги кунда индустурлашув жараёни тараққиётнинг етакчи тенденциясига айланди. “Саноат – халқ хўжалигининг жамият ишлаб чикарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғи; Саноатнинг ўзи учун ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун меҳнат қуроллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, хом ашё, ёқилғи қазиб олиш, энергия ишлаб чиқариш, ёғоч тайёрлаш саноатда ёки қ.х.да олинган маҳсулотларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш билан банд корхоналар (фабрикакалар, заводлар, электростанциялар, шахталар, конлар ва б.) мажмуи [1]. Қашқадарёда ғоят бой табиий газ конларининг очилиши Ўзбекистонни собиқ СССРнинг газга бой етакчи минтақаларидан бирига айлантирди. XX асрнинг 60-йилларидаёқ табиий газ заҳиралари бўйича Ўзбекистон Иттифоқда бешинчи ўринни эгаллади. Республикадаги улкан ер ости табиий заҳираларининг мавжудлиги минтақадаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиши, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маиший турмуш даражасини ошириши лозим эди. Бироқ империяча муносабатлар тизимида бўлган Ўзбекистон ўзининг ниҳоятда бой табиий хазинасини мустақил равишда тасарруф қила олмас эди. Республика ер ости захираларидан келган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Истиқлол йилларида мамлакатимизда катта ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, бир пайтлардаги собиқ иттифоқнинг қишлоқ хўжалигига асосланган қолоқ республикасидан дунёнинг саноати юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатларидан бирига айланмоқда. Юртимиз иқтисодиётининг ривожланишида бошқа соҳалар қатори саноатнинг нефть ва газ йўналишида эришилган ютуқларнинг ҳам салмоқли ўрни бор.

Она заминимиз бағрида, чўллару воҳа кенгликларида табиатнинг беқиёс тухфаси бўлган қанча-қанча ер ости бойликлари мужассам. Бугунги техника тараққий этган бир даврда шундай қурилмалар ҳам борки, ер юзасида туриб ҳам ер ости бойликлари захираларини, конларни аниқлаш имкониятлари чексиз. Фақат бунинг учун билим ва тажриба керак.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Нефт ва газ саноатида 35 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда, улар, автобензин, дизел ёқилғиси, авиакеросин, хар-хил турдаги мойлар, мазут, битум, хар-хаил турдаги полиэтилен, товар холдаги табиий ва суюлтирилган газ, нефткимё ва кимё усуналари, суюлтирилиган газ учун балонлар ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқаради.

Нефт ва газ саноатининг инвестиция сиёсати, аввало соҳани диверсификация қилиш ва нефт ва газ ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлаш учун юқори технологиялар билан хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган. Шунинг билан бир қаторда, бугунги кунда углеводородни чуқур қайта ишлаш бўйича йирик стратегик лойихаларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ҳисобланган Муборак нефт ва газ ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкил топиш тарихи, ишлаб чиқариш

қуввати ва мамлакатимиз саноат салоҳиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси хусусида тўхталмоқчимиз.

Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси "Ўзбекнефтгаз" тармоғининг асосий корхоналаридан биридир. Бошқарманинг ишлаб чиқариш объектлари асосан Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида жойлашган.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ҳудудида илк бор 1953 йилда Қоровулбозордан 20 км. узоқликдаги Жарқаб ва Саталантепа конларида қазилган қудуқлардан саноат табиий гази ишлаб чиқарилди.

1972 йилда "Когоннефтгаз" ва "Қашқадарёгаз" Муборакгаз газ конлари бошқармасига бирлаштирилди. Ҳар йили 6,5 миллиард кубометр газ ишлаб чиқарилди. 1972-1998 йилларда 4,8 млрд м3 ҳажмдаги Карим, Ўртабулоқ конлари, Қорақум конлари, Қултак конлари, Денгизкўл конлари, Помук конлари, Чембарский мажмуаси, Кўкдумалоқ газ мажмуаси ишга туширилди ва Kellogg компрессор станцияси қурилди.

1998 йилда "Каршинефт" нефт конлари бошқармаси тугатилди ва унинг бир нечта конлари корхона ихтиёрига берилди ва "Муборакнефтгаз" унитар корхонаси, деб ўзгартирилди. 2007-2019 йилларда Кўкдумалак, Зеварда, Денгизкул, Алан, Уртабулок, Сомонтепа компрессор станциялари, шунингдек, қуввати йилига 30 миллиард м3 бўлган турбо кенгайтиргич қурилмалари қурилиб ишга туширилди. [2].

Тадқиқотнинг методологияси (Reseerch Methodology). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги қарорига мувофиқ "Муборакнефтгаз" масъулияти чекланган жамияти "Ўзбекнефтгаз" АЖ таркибида Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига айлантирилди.

Ҳозирги вақтда Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг асосий фаолияти нефт, газ ва газ конденсати ва суюлтирилган газ ишлаб чиқаришдир. Нефт ва газ конденсати конларида ишлаб чиқариш учун жами 1416 та нефт ва газ қазиб олувчи қудуқлар, 11 та компрессор станциялари, 14 та асосий ва мураккаб газни тозалаш агрегатлари, 255 та ўлчаш мосламалари мавжуд. Бу ерда 1700 дан ортиқ босим аппаратлари, 500 дан ортиқ насос станциялари, 15 та кимёвий лабораториялар ишлаб турибди. У кунига 320 тонна нефт, 45,59 миллион м3 газ ва 900 тонна конденсат ишлаб чиқаради. Асосий конларда ишлаб чиқарилган нефт, газ ва газ конденсати қувурлар орқали 800 км. узунликдаги 13 та тармоқлараро газ қувурлари билан Муборак газни қайта ишлаш заводига қайтарилади, суюқ углеводородлар эса Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига юборилади.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш учун 2018 йилда қурилган ва фойдаланишга топширилган газни тозалаш ва сувсизлантириш блоки 2019 йилда 7670 метр газ қувурини ётқизди ва 5600 хонадонга 18 миллион м3 табиий газ етказиб берди. Мазкур рақамлар бошқарманинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги ҳиссасини яққол кўрсатиб турибди[3].

Келтириш ўринлики, 1990-1991 йилларда “Zevarda” конида жиҳозлаш ишлари олиб борилади ва фойдаланишга топширилади. Кон очилган вақтда бир йилда 2 млрд. м3 газ қазиб олинган. 1994 йилга келиб кондан газ қазиб олиш қуввати бир йилда 8-млрд. м3.га етказилди. [4].

Шунингдек, Кўкдумалоқ конида «Дрессер-Ренд» (АҚШ) компаниясининг қурилмалари асосида компрессор станцияси қурилди ва 1997 йил фойдаланишга топширилди. Кўкдумалоқ компрессор станциясининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси нефт-газ соҳасининг ривожланишидаги муҳим қадам бўлди. «Келлог» (АҚШ), «Нишо Иваи» (Япония) компаниялари билан ҳамкорликда ушбу лойиҳани амалга ошириш чет эл инвестицияларини жалб қилиш ишларининг бошланиши ҳисобланади.

Бошқарма тизимида 2020 йилда амалга оширилган модернизация ишлари натижасида 26 та янги қудуқ бурғуланди, 17 та қудуқ таъмирланди ва 7 та қудуқда қайта тиклаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек 11 та технологик иншоотни такомиллаштириш ва модернизация қилиш, технологик жараёнларни автоматлаштириш йўлга қўйилди. Бу эса қўшимча 104 тонна нефт, йилига 1,6 миллиард куб метр газ, 12,8 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш ва 2 мингдан зиёд хонадонга табиий газ етказиб бериш имконини берди.

Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасида кейинги йилларда ҳам бир қатор янгилаш ва модернизация ишлари амалга оширилиб, ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. [5]

Хусусан, 2021 йилда 16,8 млрд. куб метр табиий газ қазиб олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 101,7 фоизга бажарилган. Газ конденсати қазиб чиқариш 310,7 минг тоннани, нефть қазиб чиқариш эса 109,0 минг тоннани ташкил этган. Ушбу қазиб чиқариш прогноз кўрсаткичларини таъминлаш учун 53 та янги қудуқ ишга тушириш, мавжуд 235 та қудуқда мукаммал таъмирлаш ва интенсификация ишлари олиб бориш ҳамда 17 та технологик объектларда қурилиш монтаж ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, «Алан» ва «Зеварда» конларида паст босимли сиқув компрессор станциялари ишлатишга туширилиши муносабати билан кунлик 2,0 млн. куб метр табиий газ қазиб олишни кўпайтиришга эришилди. Маълумотларга кўра, Марказий Осиёдаги барча минерал захираларнинг учдан бир қисми Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Бугун эса Ўзбекистон нефть-газ саноати нафақат ерости бойликларини қазиб олиш, балки қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи мажмуалар тизимига айланган. Бу эса соҳани чуқур модернизация қилиш, ташқи инвестицияларни жалб қилишни тақозо этади. [6]

Хулоса ва таклифлар. Ҳар бир янги лойиҳа соҳага юксак технологияларни пухта ўзлаштирган салоҳиятли кадрларни етказиб беришни талаб қилади, албатта. Бугун мактаб партасида ўтирган ёшлар эртаиндан ўрта-махсус, олий маълумотни эгаллаб, хориж тажрибасини ўрганиб, фан ва технологиялар берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда саноатимиз ривожига хизмат қилади. Саноатдаги ҳар бир ютуқ замирида эса, меҳнаткаш халқимизнинг ватанпарварлик ҳисси, бунёдкорлик туйғуси мужассам. Ҳар биримиз ана шу ютуқлардан ғурурланиш баробарида ўз меҳнатимиз билан мустақиллигимиз ва мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Т.;, 2001
2. http://old.adolatnashr.uz
3. https://www.ung.uz
4. Қашқадарё вилояти давлат архиви: 536-жамғарма 1-руйхат. 1991-2000 йиллар учун доимий сақланувчи хужжатлар, 22-23 бетлар.
5. Қашқадарё вилояти давлат архиви: 835-жамғарма 1-руйхат. 1991-2000 йиллар учун доимий сақланувчи хужжатлар, 2-3 бетлар.
6. https://yuz.uz/

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 397.4

Моҳира МАТНАЗАРОВА,
Урганч давлат университети тадқиқотчиси

ТДПУ профессори, т.ф.д А.Хазраткулов тақризи асосида

NOMAD AREAS AND THEIR ARCHAEOLOGICAL RESEARCH (ON THE EXAMPLE OF THE HISTORY OF ANCIENT KHOREZM)

Abstract

The article provides information about the nomads who lived in the desert, foothills, river valleys and on the borders of ancient Khorezm. The history of the nomads is covered on the basis of written sources and archaeological research. The activities of the Khorezm archaeological and ethnographic expedition in the archaeological study of their history are shown. The nomads who lived in the Okchadarya, Sarykamysh deltas of the Amudarya, in the Aral Sea region, on the Ustyurt plateau and in the Tuyamyun region are described.

Key words: Ancient Khorezm, archeology, Akchadarya, Sarykamysh, nomad, Kuyisai, Meshekli.

АРЕАЛЫ ПРОЖИВАНИЯ КОЧЕВНИКОВ И ИХ АРХЕОЛОГИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ (НА ПРИМЕРЕ ИСТОРИИ ДРЕВНЕГО ХОРЕЗМА)

Аннотация

В статье приведены сведения о кочевниках, проживавших в пустыне, предгорьях, долинах рек и на границах древнего Хорезма. История кочевников освещен на основе письменных источников и археологических исследований. Показан деятельность Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в археологическом изучении их истории. Описан кочевники проживающих по Окчадарьинской, Сарыкамышской дельтах Амударьи, в районе Приаралья, на плато Устюрт и в районе Туямюна.

Ключевые слова: Древний Хорезм, археология, Акчадарья, Сарыкамыш, кочевник, Куйисай, Мешекли.

КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАР ЯШАГАН ҲУДУДЛАР ВА УЛАРНИНГ АРХЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ (ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ТАРИХИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мақолада қадимги Хоразм давлати чегараларида, чўл, тоғ олди ва дарё ўзанларида яшаган кўчманчи чорвадорлар ҳақида маълумот берилган. Кўчманчи чорвадорлар тарихи ёзма манба ва археологик тадқиқотлар натижасида ёритилган. Уларнинг тарихини археологик жиҳатдан ўрганишда Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг фаолияти кўрсатилган. Амударёнинг Оқчадарё, Сариқамиш ўзанлари бўйиларида, Орололди ҳудудларида, Устюрт платосида ва Туямўйин ҳудудларидаги кўчманчи чорвадорлар ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Қадимги Хоразм, Оқчадарё, Сариқамиш, кўчманчи чорвадор, Қуйисой, Мешекли, Таримқоя.

Кириш. Қадимги Хоразм давлатнинг чегараларида ва деҳқончилик билан шуғулланиш мумкин бўлмаган жойларда кўчманчи чорвадорлар истеъқомат қилганлар. Кўчманчи чорвадорлар деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли билан узоқ тарихий даврлар давомида қўшни бўлиб яшаб келганлар. Улар ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари мавжуд бўлган. Кўчманчи чорвадорлар билан бир томондан яхши қўшничилик муносабатлари бўлса, иккинчи томондан қарама–қаршилик муносабатлари бўлиб, ўртада жанглар бўлиб турган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли, ўзларини ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун, чегара ҳудудларни ва ҳар бир қалъани, айниқса чегара ҳудудлардаги қалъаларнинг мудофаасига алоҳида эътибор қаратганлар. Кўчманчи чорвадор қабилаларнинг жойлашиши, ҳужумлари асосан, шимол томондан бўлганлиги сабабли, давлатлар шимолий чегараларга алоҳида эътиборни қаратиб, бу ҳудудларда узун, баланд, мустаҳкам қўшимча мудофаа тизими, яъни деворларни қурганлар[1]. Бунга қадимги Хоразм давлати ҳудудидан топилган Девкескан валини мисол бўла олади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Амударёнинг Оқчадарё, Сариқамиш ўзанлари бўйиларида, Орололди ҳудудларида, Устюрт платосида ва Туямўйин ҳудудларида кўчманчи чорвадорлар истеъқомат қилганлар. Улардан кўплаб мозор-қўрғонлар сақланиб қолган. Уларни археологик жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бунда С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археологик – этнографик экспедицияси алоҳида ўринни эгаллайди[2].

Археологик тадқиқот ишлари натижаларини ва ёзма манбалардаги маълумотларни солиштириш орқали мил.авв. VII–VI асрларда воҳаларда, чўл ҳудудларида ва тоғ олди районларда кўчманчи чорвадорлар: амюрглар, дахлар, дербеклар, саклар истеъқомат қилганлиги аниқланган[3]. Археологик тадқиқот ишлари натижасида уларнинг турмуш тарзи ва иқтисодий ҳаёти каби масалалар ёритилган. Мил.авв. VII асрда кўчманчи чорвадорлар иттифоқи вужудга келади. Бу тарихга массагетлар иттифоқи деб кирган. С.П.Толстов ёзма манбалар ва олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида кўчманчи чорвадорларнинг номларини ва уларнинг жойлашган ҳудудларини аниқлаган. Хорасмий ва апасиаклар Хоразмнинг шимолида, Узбойдан Жонидарёгача бўлган ҳудудда ботқоқликда яшайдиган саклар, сакавараклар Хоразмнинг жануби-шарқий чегарасидан Нурота тоғларигача бўлган жойларда, Сакахаумаварка, амюрглар Хоразм воҳасининг тоғ ва водийларини эгаллаган. Дербеклар Амударёнинг ўрта оқимида Чоржўйдан Бухорогача бўлган жойларда, тохар ва дахлар Сирдарёнинг қуйи оқимида Кувондарё олд ҳудудларида, асианлар ҳозирги Туркистон шаҳридан то ўрта Сирдарё бўйларида яшаганлар.

1955-1965 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Сирдарёнинг қадимий ўзанлари Жанадарё ва Қувондарё бўйларида ҳам кўчманчи қабилалар иттифоқи

яшаганлиги аниқланган. Жанадарё бўйларида апасиаклар, Қувондарё бўйларида тохарлар, Кувондарё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида аугасийлар истеъқомат қилган. 1959 йилда Жети асар, Чирик–Рабат, Бабиш–Мулла, Баланди ёдгорликларини ўрганиш орқали, уларни Страбон томонидан ёзиб қолдирилган “ботқоқлик ва оролларда яшайдиган массагетлар” деб ҳулоса беришган[4].

Кўчманчи чорвадорлар томонидан қолдирилган энг йирик ёдгорликлардан бири бу апасиак қабилалар иттифоқининг қалъаси Чирик–Работ ҳисобланган. У 1946 йилда топилган ва 1948-1949, 1957-1958 йилларда тадқиқот ишлари олиб борилган. Ёдгорлик Қозоқистоннинг Қизил–Ўрда шаҳридан 300 км. жануби–ғарбда жойлашган. Қалъа тепалик устига қурилган, икки қатор мудофаа девори билан ўралган. Мудофаа девори ва буржлар найзасимон шинаклар билан мустаҳкамланган. Ёдгорлик мил.авв. 1 минг йилликнинг ўрталарига оид.

1961 йилда Уйгаракда олиб борилган стационар тадқиқот ишлари натижасида 80га яқин мозор-қўрғон топилган. Уларда марҳумни ёқиш урф-одатлари бўлган. У ердан мил.авв. VI-V асрларга оид от анжомлари, сувлиқ, икки ва уч паллали бронзадан ишланган ўқ пайконлари топилган. Уйгарак Тагискен мозор-қўрғонидан 25 км. узоқликда жойлашган[5].

1947-1951 йилларда апасиак ва сакаваракалар моддий маданиятидан бутунлай фарқ қилувчи янги ёдгорлик аниқланган. У Қувондарё бўйидаги Жети–асар дарасидан топилган. Тадқиқотлар жараёнида унинг тохарларга оид эканлиги аниқланган. Ёдгорликлар мил.авв. I минг ўрталаридан милодий VI-VII асрларга оид бўлган. Уларнинг орасидаги энг йириги Олтин-асар ёдгорлиги бўлган. Ёдгорлик 16 гектарни эгаллаган. Аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланган. Хўжалигида йирик шоҳли мол кўпчиликни ташкил қилган. Деҳқончилик билан ҳам шуғулланишган.

Тадқиқот методологияси. XX асрнинг 70-80 йилларида Хоразм археологик–этнографик экспедицияси Узбой ва Каспий орти худудларини ўрганиб, у ердан ҳам кўчманчи чорвадорларининг манзилгоҳлари тадқиқ қилди. Кўчманчи чорвадорлар турли ижтимоий тузум даврини бошдан кечиришган. Лекин қадимги Хоразм давлати билан иқтисодий, ижтимоий алоқаларни ўрнатишган. Устюртда В.Н.Ягодин томонидан ўтказилган археологик тадқиқот натижасида ҳам уни асословчи материаллар топилган[6].

Б.И.Вайнберг томонидан кўчманчи чорвадорлар билан деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасидаги алоқалар тадқиқ қилинган. У асосан Сариқамиш ўзани атрофларида тадқиқот ишларини олиб борган. Бу ерда у ўзига хос сакларнинг маданиятини тадқиқ қилган, яъни маҳаллий сакларнинг Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудудлари билан аралашган маданияти аниқлаган. Унинг фикрича, жануби-ғарбий томондан бу ерга қандайдир этник гуруҳ кўчиб келган. Буни у Геродот ва Гекатейнинг Хоразмликларнинг илгари жанубда яшаган деган ғоясини асослашга ҳаракат қилади[7]. Бу тадқиқот жараёнида мил.авв. VII-IV асрларга оид Куйисой маданияти топилган. Куйисой маданияти аҳолиси ярим кўчманчи чорвадор қабила вакиллари бўлган. Чорвачилик билан биргаликда деҳқончилик билан ҳам шуғулланишган. Уларнинг турмуш тарзида саклар маданиятига хос хусусиятлар устунлик қилса-да, жанубий ҳудудлардаги қабилаларнинг ҳам маданий таъсири кузатилган. Жумладан, ёдгорликдан сакларнинг қўлда ишланган сопол идишлари билан биргаликда, жанубий Туркманистон ва шимоли–шарқий Эрон ҳудудларига оид чархда ишланган сопол идишлар ҳам топилган. Уларнинг чайласининг, ертўласининг ишланиш услубларида ҳам ўхшашликлар кузатилган. Лекин сакларнинг қабрларида қурол билан кўмиш одати бўлган, куйисойликларникида бундай ҳолат кузатилмайди. Тадқиқотчи Б.И.Вайнберг кўмиш урф-одати, чайланинг қурилиш услуби, сопол идиш ясаш услуби асосида куйисойликларни маҳаллий сак аҳолиси деб ҳисоблайди[8].

Таҳлил ва натижалар. Куйисой маданиятига оид моддий манбалар Куйисой–2, Яссиқир қишлоқлари, Сакарчага, Тумек–Кичижик мозор–қўрғонлари, Тармқоя қишлоғи ва қабристонидан топиб ўрганилган[9]. Тармқоя мозор -қўрғони мил.авв. V-IV асрларга оид бўлган. Мозор – қўрғонда олиб борилган тадқиқот натижасида аҳолининг зардуштийлик дини таъсири кузатилади. Мозор –қўрғонларда марҳум остодонларга дафн қилинган. Мил.авв. IV–II асрларга оид Чермонёб канали бўйларидан ўтроқ чорвадорларнинг Говур 3 қўрғони топилган. Улар чорвачилик билан бир қаторда, қайир деҳқончилиги билан ҳам шуғулланганлар[10]. Қанга–қир, Тарим–қоя, Ғовур 3, Зангибобо воҳаларида чорвадорлар, Сариқамиш дельтасининг жанубий қисмида эса, кўчманчи чорвадорлар яшаган. Археологик тадқиқотлар натижасида чорвадорлар ва деҳқончилик воҳалари ўртасидаги чегара қалъалар аниқланган. Бу эса ўз навбатида, қадимги Хоразм давлатининг чегараси ҳисобланган. Булар шимолдан жанубга Қанҳа–қалъа, Бутентов I–II, Девкескен қалъалари ҳисобланган[11].

М.А.Итина Бабиш-мулла ва Чирик-работда чорвадорларнинг турмуш тарзини ўрганиш орқали уларнинг қадимги Хоразм давлати билан мустаҳкам алоқада бўлганлигини кўрсатади[12]. Уйгарак ва Жанубий Тагискандан Ёз-II маданиятига хос мунчоқ ва сопол идишлар топилган[13].

1969 йилда Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ходимлари томонидан Султон Увайс тоғ худудларида тадқиқот иши олиб борилган. Тупроққалъа ёдгорлигидан 4 км. шимоли - ғарбда кўчманчи чорвадорларнинг мил.авв. VI–V асрларга оид 4 та мозор-қўрғонлари топилган[14]. У ердан топилган феруза мунчоқлари қадимги Хоразмнинг шу даврга оид ёдгорликларидан, Уйгарак ва Афросиёбдан топилган.

Хулоса ва таклифлар. XX асрнинг 70-80 йилларида Узбой ҳудудлари Х.Юсупов томонидан ўрганилган. Тўғолоқ, Ақтом, Ичянлидепе ёдгорликлари ўрганилган[15]. Бу ёдгорликлардан бошқа ҳудудлардан келтирилган буюмлар топилган.

XXI асрнинг бошларида жанубий Хоразмда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида мил.авв. VIII–V асрларга оид кўчманчи чорвадорлар маданияти – Мешекли ва Уч ўчоқ ёдгорликлари топилган[16]. Бу ёдгорликлар саклар, яъни автохтон чорвадор қабилаларнинг қабрлари ҳисобланиб, Туямўйин ҳавзаси бўйларида жойлашган.

Қуйи Амударё бўйларига келган аҳоли бўш ётган, лекин деҳқончилик учун қулай бўлган ҳудудларни ўзлаштирганлар. Маҳаллий чорвадор аҳоли билан тинч қўшничилик муносабатларини олиб борганлар. Бу археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган.

АДАБИЁТЛАР

1. Egamberdieva N.A. Amudaryo havzasi hududlarining qadimgi madaniyati (mil.avv. VIII - mil. IV asrlar). – Тошкент. Innovatsiya-ziyo. 2020. – B. 112.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ. 1948. – С. 20-27; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука. 1962. – С. 77-96.

3. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.: Изд. АН СССР. 1948. – С.112; 19, р.38.
4. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.:Наука. 1962. – С.136.
5. Ўша жойда. – С.184-185.
6. Ягодин В.Н. Устюрт и Приаральская дельта. // “Общественные науки в Узбекистане”. 1976. – №1. – С. 45-52.
7. Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры. // В кн.: Кочевники на границах Хорезма. – М.:Наука. 1979. – С.40-41.
8. Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры. – С.6.
9. Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры. – С. 7– 77; Болелов С.Б. К вопросу о формировании ранний земледельческой культуры в низовьях Амударьи. // Scripta antiqua. Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Альманах. Том 5. – Москва: Собрание, 2016 – С. 17 – 26.
10. Вайнберг Б.И. Этнография Турана в древности. – С. 29.
11. Болелов С.Б. Керамические обжигательные горны на территории южного и юго – восточного Приаралья (вторая половина I тыс. до н.э. – первые века н.э.). // ИМКУ. Вып. 33. – Ташкент, 2002.
12. Итина М.А. Хорезмская экспедиция: основные итоги и перспективы исследований. // В кн: Культура и искусство древнего Хорезма. – М.:Наука. 1981. – С.10.
13. Вишневская О.А., Итина М.А. Ранние саки Приаралья. // Проблемы скифской археологии. – М.: Наука. 1971. – С. 206.
14. Манылов Ю.П. Курганы VI-V вв. до н.э. в Хорезме // “Общественные науки в Узбекистане”. – 1975. – № 3. – С.81.
15. Юсупов Х. Древности Узбоя. Ашхабад: Ылым. 1986. – С.133-140.
16. Баратов С.Р. Новые археологические материалы к истории древнего Хорезма. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 4 – сон. – Самарканд, 2014. – С. 30- 40.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

Дилноза МАҲМУДБОЕВА,
Гулистон давлат университети таянч докторанти
E-mail: bmtbmt591@gmail.com

ГулДУ доценти, т.ф.н С.Қудратов тақризи асосида

ДУНЁДАГИ ФЕМИНИСТИК ҲАРАКАТЛАР РИВОЖИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мамлакатимизда феминистик ҳаракат фаоллигига қарамасдан, ҳалигача тушунмовчилик ва нотўғри тушунчалар мавжуд. Бироқ, бу фақат мамлакатимиз учун эмас, балки бутун инсоният учун умумий муаммолардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам биз ушбу мақолада феминизмни реал баҳоловчи турли илмий-тарихий қарашларни қиёсий ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мақолада аёлларнинг индивидуаллиги, шаъни ва мустақиллиги, таълим олиш ва касбий фаолияти, жамоат ва фуқаролик ҳаётида иштирок этишига доир назарий ва эмпирик далиллар тарихийлик контекстида очиб берилган.

Калит сўзлар: Гендер, гендер тенгсизлиги, феминизм, эр ва хотин тенглиги, феъл-атвор, ўзаро ҳурмат, либерал, суфражизм, жинсий зўравонлик, биологик детерминизм.

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ФЕМИНИСТСКИХ ДВИЖЕНИЙ В МИРЕ

Аннотация

Несмотря на активность феминистского движения в нашей стране, до сих пор существуют недопонимания и заблуждения. Однако это общая проблема не только нашей страны, но и всего человечества. По этой причине в этой статье мы попытались дать сравнительный анализ различных научных и исторических взглядов, реалистично оценивающих феминизм. В статье также раскрываются теоретические и эмпирические свидетельства в историческом контексте женской индивидуальности, достоинства и независимости, образования и профессиональной деятельности, участия в общественной и гражданской жизни.

Ключевые слова: Гендер, гендерное неравенство, феминизм, гендерное равенство, характер, взаимоуважение, либерал, суфражизм, сексуальное насилие, биологический детерминизм.

SOCIO-POLITICAL CHARACTERISTICS OF THE DEVELOPMENT OF FEMINIST MOVEMENTS IN THE WORLD

Annotation

Despite the activity of the feminist movement in our country, there are still misunderstandings and misconceptions. However, this is a common problem not only for our country, but for all mankind. For this reason, in this article we have tried to provide a comparative analysis of various scientific and historical views that realistically evaluate feminism. The article also reveals theoretical and empirical evidence in the historical context of women's individuality, dignity and independence, education and professional activities, participation in public and civic life.

Key words: Gender, gender inequality, feminism, gender equality, character, mutual respect, liberal, suffragism, sexual violence, biological determinism.

Кириш. Гендер тушунчасининг мазмунини тўлдириш учун унинг илмий назарияда қандай акс этиши ва ижтимоий дастурлардаги ўрнини аниқлаш зарур. Буни таърифлаш, албатта, “феминизм” (фемина – лотинча аёл) тушунчасига олиб келади. Феминизм сўзи 1980-йилларда Ғарбда, Англия ва Америкада пайдо бўлган аёллар ҳаракатига ишора қилади. Феминизм жинсга асосланган зулм, жинсга қарши кураш ва ҳукмрон тизимни йўқ қилишга асосланган. Шунинг учун бу амалиётлар аёлларнинг ижтимоий масалаларини марказлаштиришга асосланади.

Феминизм ҳақиқий ва баҳоловчидан кўра қарама-қарши тушунчадир. Биринчидан, шиор сифатида аёллар ўртасидаги тенгсизликка йўл қўймаслик, аёлларнинг сайловда қатнашиши, билим олиши, эркаклар билан бирга касбий фаолият билан шуғулланиши учун ижтимоий ҳуқуқ соҳасидаги ҳаракатдир. Иккинчидан, тажрибали хотин-қизлар ҳаракатининг ғоялари ва шиорларини назарий жиҳатдан тасдиқлаш, тарих, социология, сиёсатшунослик, тилшунослик, фалсафа йўналишларида “аёллар тадқиқотлари”нинг улкан ҳажмини таъминлаш. Ушбу "феминизм" нинг иккита маъноси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, ҳаракатнинг мақсад ва манфаатларини чуқурроқ англаш учун ҳар бир даврнинг тарихи ва тўлқинларини, талабларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо шуни таъкидлаш керакки, феминизмдаги "тўлқин" тушунчаси шартли. Шуни ёдда тутиш керакки, феминизм тўлқини мураккаб ва кўп қиррали ҳодисани тузиш ва тасвирлашга уринишдир. Ҳар бир тўлқин кучли ички ривожланишга эга ва уларнинг ҳар бири муайян жамият нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак.

Биринчи феминистлар. Биринчи феминистларнинг пайдо бўлишига XVIII асрда Европада аёлларни камситиш ва ўша даврдаги либерал мафкуранинг шаклланиши таъсир кўрсатди. Дастлабки феминизм синфий табиатнинг ирқий иерархик назариясини ривожланишига олиб келди. Жамиятдаги ҳар бир инсон туғилгандан бошлаб меҳнат қилиш, ҳақиқат, бахт, эркинлик ҳуқуқига эга. Бироқ, “одам” сўзи фақат эркаклар учун ишлатилган. Чунки ўшанда аёлнинг ақли расолиги жиддий сўроқ қилинган эди. Айнан шу стереотипга қарши биринчи феминистик ҳаракат пайдо бўлди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Келинг, энг машҳур ва қатъиятли биринчи феминистларни эслайлик. Бу, биринчи навбатда, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича иши билан машҳур бўлган англиялик Мери Уолстонкрафт эди (1792). Ушбу асарда

Мери азоб-уқубатларнинг ҳаётий тажрибасини акс эттиради. Болалигида ичкиликбоз отаси томонидан калтакланган, қизалоқлигида синглисининг оғир оилавий ҳаётига гувоҳ бўлган. У ўша даврдаги аёллар тақдири ҳақидаги ажойиб китоблари билан машҳур. Бу асарларда, дейди Мери, жамият аёллар эркаклар учун яратилганига ишониб қолган. Мери Уолстонкрафт бу кўп асрлик тамойилга қарши. У эркаклар мақомини кўтарувчи назариётчиларни баҳсга чорлайди. Аввало, унинг замондоши, машҳур француз файласуфи Ж.Ж. Руссо ўзининг “Эмил ёки тарбия” романида аёллар ва эркакларни шакллантириш тамойилларига қўшилмаслигини айтади. Руссонинг фикрича, эркакларда фаоллик, ирода ва жасоратни ривожлантириш зарур бўлса, аёлларда аксинча, итоаткорлик, чидамлилик ва бошқа "фариштa" фазилатлари мавжуд. Уолстонкрафнинг айтишича, бундай концепция аёлларни жамиятдаги ҳуқуқларидан маҳрум қилади ва уларнинг ихтиёрий бўйсунишига олиб келади. Аёл феъл-атворининг асосий ютуғи юмшоқлик, бўйсуниш, қолаверса, эркак ва аёл ҳар қандай вақтда, турли ўйлардан чарчаганида “кўнглини кўтариши” учун ўйинчоқ эканлиги синовдан ўтказилди.

Эркак ва аёл учун ҳар қандай вақтда ўйинчоқ, турли ўйлардан чарчаганида алдайдиган “қизиқарли шанғиллама” эканлиги синовдан ўтган. Британия феминистлари аёлларни "асирлик" дан озод қилиш учун биринчи муҳим шартни яратдилар: молиявий мустақиллик, яшаш учун ишлашни таклиф қилишди. Мери Уолстоункрафт, агар аёл уй чегарасидан чиқиб, мустақил хизмат мавзусига кўтарилса, у ўзининг ақл-заковати ва истеъдодини исботлай олишига амин эди. Бироқ, у "бугунги камбағал қуллар ўзларининг истеъдодлари ва ишларини кейинги авлодга кўрсатиш учун озод авлодларни тарбиялашлари мумкинлигига шубҳа қилдилар, бунинг учун улар бир неча авлодни ўзгартириши керак эди".

Люси Стоун АҚШдаги Оберлин коллежини тамомлаган ва бор кучини аёллар озодлиги учун сарфлаган биринчи америкалик феминист. У маърузалар ўқиб, норозилик намойишларида қатнашиб, ҳар жиҳатдан – таълим, диний ва никоҳда аёлларнинг қадр-қимматини камситаётганини таъкидлади. У эркаклар ютқазади деб ёзган эди.

Люси фақат ёзиш ва чизиш билан чекланмайди. Унинг ўзи Генри Блеквеллга тўлиқ тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида турмушга чиқди. Улар қонунга кўра никоҳларида аёлларга нисбатан камситишларни қораладилар: “аёлларга эркакча ғамхўрлик кўрсатиш; болаларни назорат қилиш ва парвариш қилиш; мулкка шахсий эгалик қилиш ва хотинининг кўчмас мулкидан фойдаланиш ... "аёллар фаолияти маҳсулотларини тасарруф этиш" қонунларини бекор қилувчи расмий "эътироз" ни киритди. Шундай қилиб, Люси ва унинг эри ихтиёрий никоҳда тенгликни намойиш этдилар, бу ҳали қонунда мустаҳкамланмаган.

Феминистлар орасида эркаклар ҳам бор эди. Бу шуни англатадики, феминистик ғоялар иккала жинс вакиллари томонидан ҳам ифодаланиши мумкин. XIX асрнинг энг машҳур феминисти инглиз Жон Стюарт Милль эди. Унинг таржимаи ҳоли диққатга сазовордир. У парламент аъзоси сифатида давлат амалдорларига (албатта, эркакларга) аёлларга тенг сайлов ҳуқуқи берилишини талаб қилди. Унинг севимли рафиқаси Харриет Тейлорман бир неча йил олдин Люси Стоун каби эътиқодлар билан курашган эди. Уларнинг никоҳи барча эркаклар учун намуна эди. Гарриет Тейлорман ва унинг рафиқаси "Аёллар эксплуатацияси" асарида феминистик ғояларни ёзган. У Миллнинг асарларида эркакларни танқид қилган. У эркак киши, хоҳ бой, хоҳ камбағал бўлсин, барибир ўз оиласида аёлга ҳукмронлик қилади ва уни ҳақорат қилади, деб ишонган.

Таҳлил ва натижалар. Шундай қилиб, қадимги феминизм аёллар ҳаракатининг муҳим масалаларини аниқлади: аёлларнинг индивидуаллиги, шаъни ва мустақиллиги; таълим олиш ва касбий фаолият ҳуқуқи; жамоат ва фуқаролик ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи. Ушбу охирги мавзу антик феминизмда асосий масала ҳисобланган, чунки ҳаракат суфражизм (сайлов ҳуқуқи учун кураш) мақомини кўтарган. Аёллар ўз обрў ва ҳаётини хавф остига қўйиб, мардлик ва матонат кўрсатди. Кўп эркаклар уларнинг курашлари ва ғояларига қарши чиқдилар. Шундай қилиб, феминизм ҳукмронлик, жинсий алоқага қаратилган ва ўз назариясига эга бўлган ҳаракат сифатида таърифланган. Ҳаракат сифатида феминизм шаклланишининг уч тури мавжуд: либерал, радикал ва маданий феминизм. Келинг, феминизмнинг ушбу турларини бирма-бир кўриб чиқайлик.

Либерал феминизм. Либерал феминизм – ижтимоий тенгсизлик ва эксплуатацияни бартараф этишга, жинсий зўравонликка қарши, икки жинс ўртасидаги муносабатларга жиддий ўзгаришлар киритишга асосланган ҳаракат. Аёл субъективлиги муаммоси: Симона де Бовуар ва Бетти Фридан. Илк феминизм "либерал" деб ҳам аталган, чунки у маданият турини ўзгартириш заруриятини асосий масала деб ҳисобламаган. Уларнинг шиори фуқароларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликлари учун кураш эди. Либерал феминизмнинг энг қимматли назарий дурдона асари француз тадқиқотчиси Симоне де Бовуарнинг концепциясидир. У ўз эътиборини фуқаролик ҳуқуқидан аёлларнинг субъективлиги ва индивидуаллигига қаратади, аммо маданиятни ўзгартириш зарурлигини ҳали ҳам тушунмайди.

Бу китоб аёллар ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, маданий-тарихий контекстдаги аёллар образлари галереясини кўрсатади: тарихдаги аёллар, унинг иқтисодий аҳволи, маълумотсизлиги, хотин, она, намуна, жамоат арбоби.

Бовуарнинг иши генлар назариясининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди, чунки бу китоб биринчи марта файласуф томонидан ёзилган. Иккинчидан, Бовуар генлар атамасини ишлатмаса ҳам (кейинчалик 1980-йилларда пайдо бўлган), у аслида жинсий алоқани ижтимоий шаклланиш тушунчаси билан боғлайди. Учинчидан, аёл табиатан оналик қилиб яратилган, демак, биология фақат унинг оиласи билан чегараланади, унинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, деган афсона муросасиз тарзда фош этилади.

"Биологик детерминизм" нинг бу позициясини Зигмунд Фрейд ўзининг жинсий назариясида аниқ таъкидлаган. “Биология – тақдир” номли машҳур тезисларида у аёллар биологияси эркакларникидан бироз заифроқ, деб ҳисоблайди. Аёл назариётчиси Симона де Бовуар эркак назариётчилар томонидан аёл жинсининг биологик фарқларини ўзгартириш имконсиз деб ҳисобланган “биологик детерминизм” тамойилини қаттиқ танқид қилди.

Симона де Бовуар жинсий алоқанинг ижтимоий тузилиши ҳақидаги тезисни социализация жараёнлари билан исботлайди. Бовуар аёл бўлиб туғилмаганини, шаклланганлигини қайта-қайта такрорлайди. Болалар жинсини билмасдан туғилмайди. Бола ойнада юзини кўради ва жинсини эмас, балки ўзини таний бошлайди. Дастлабки 3-4 йил ичида ўғил болалар ва қизлар жинсий алоқадан ташқарида яшайдилар. Унда қиз ва ўғил боланинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган. Қизларни эркалашса, ўпишса, безатишса, ўғил болаларга қаттиқ муносабатда бўлишади, шунинг учун уларнинг баъзилари ҳатто қиз бўлишни хоҳлашади.

Бу эрда гендернинг ижтимоий тузилиши бошланади. Йўналтирилган жараён орқали қиз ҳақиқий аёл ҳақидаги "аёллик афсонаси" контекстида тарбияланади. “Бола туғилганданоқ одамлар орасида яшайди, қиз болани ҳаётининг илк қадамлариданоқ ўз ўрни ҳақида ўйлашга ундайди”, яъни меъёрлар, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, турмуш тартибининг аниқ тизими орқали. Ўғил болаларни тарбиялашда эса аксинча. Масалан: ўғил ота, оила бошлиғи, у ерни ўзлаштиради, нимадир ўйлаб топади, мамлакатни бошқаради, ҳаётда бирор нарсага эришиш учун қиз унга ғамхўрлик қилиши керак эди.

Қиз онасига қараб аёллик тақдирини шакллантиради. Ўғил болани ота-онаси тарбиялаганида, уни қизлардан ажратиб, анча юқорига қўйиш натижасида унинг кўзида бутун эркаклик мўъжизалар тимсолига айланади. Бовуар аёлнинг хулқ-атвори анатомик хусусиятлар билан белгиланмайди, яъни "нозик аёлнинг асосий хусусияти бўлган ҳаракацизлик унда ҳаётнинг биринчи куниданоқ ривожланади".

Бовуар гендернинг ижтимоий тузилиши ҳақидаги тезисни юқоридаги мисоллар билан тақдим этиб, гендер тенгсизлиги таркибининг барча томонларини тарихан тўлиқ очиб берди. У гендер тенгсизлиги сабабларини очишни унутди. Аёлнинг моҳияти ҳақиқатан ҳам қарама-қаршиликларга тўла эди. Аёллар тақдирининг асосий қарама-қаршилиги шундаки, аёллар эркаклардан фарқли ўлароқ, аёллик ва шахсий фазилатларга бўлинади. У ҳақиқий аёлнинг афсонасига кўра, болани ҳомиладор қилиш учун этарлича жозибали бўлиши керак. Бироқ, у эркинлик ва ўзини намоён қилишга интиладиган инсон бўлиб қолади. Бу икки рол бир-бирига қарама-қаршидир: жуда мустақил, ақлли аёл жозибадор бўлишни тўхтатади, шунинг учун аёл ўзининг "тўлиқ" номукаммаллиги ҳақида тасаввурга эга.

Хулоса ва таклифлар. Ўрта Осиёдаги, қолаверса Ўзбекистондаги феминистик ҳаракат ҳақида фикр билдириш осон эмас. Унинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу ўзбек халқи маданиятида аёл дунёсининг нозиклиги ва қадр-қимматини улуғлайдиган анъаналар мавжуд эди. Ўзбек халқи маданияти тараққиётида аёлларнинг ўрни алоҳида эди. Афсонавий малика Томирис ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракати мустақиллик йилларида фаоллашди. Айни пайтда мамлакатимизда аёлларнинг репродуктив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада ва кўчада аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, аёлларнинг сиёсий ва иқтисодий юксалишини таъминлаш каби кенг кўламли масалаларни ҳал этиш билан шуғулланувчи бир қатор хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Аёлларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон гендер сиёсатининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилишга интилади. Давлат даражасида гендер тенглигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Соломатина О.А. Женщины-легенды. Сильный слабый пол / О. Соломатина. - Москва : Коммерсантъ : Эксмо, 2012. - 132 с.
2. Исаева Е.В. Общественно-политические воззрения Мэри Уоллстонкрафт : диссертация ... кандидата исторических наук. - Тюмень, 2012. - 196 с.
3. Гордость и предубеждения женщин Викторианской эпохи. - Москва : Алгоритм, 2016. - 414, [1] с.
4. Потницева Т.Н. Мэри Уолстонкрафт Шелли: "Последняя из славного поколения": монография / Т. Н. Потницева. - Днепропетровск : Изд-во ДНУ, 2008. - 127 с.
5. Нестерова С.А. Образ английской и американской женщины в представлении современников : Последняя треть XIX-начало XX веков : диссертация ... кандидата исторических наук. - Самара, 2004. - 187 с.
6. Милль Дж. С. О подчинении женщины. - М.: Рипол, 2020. – 303 с.
7. Бовуар Симона. Второй пол. Серия: Новый культурный код. Пер. с франц. СПб. Азбука 2018. - 928 с.
8. Фрейд Зигмунд. Психология бессознательного. Мастера психологии Питер 2022. - 528с.
9. Джи Таби Д., Фрейя Р. Что бы сказали знаменитые феминистки? Как Вирджиния Вулф, Симона де Бовуар и Роза Люксембург решали М. Альпина 2021. - 192с.
10. Симона де Бовуар. Второй пол. В двух томах. Том 2. Жизнь женщины. Серия: Азбука-Классика. Non-Fiction. Перевод с французского И. Малаховой, Е. Орловой. Санкт-Петербург. Азбука. Азбука-Аттикус. 2018. - 736 с.
11. Бовуар Симона , Сартр Жан-Поль. Аллюзия любви. Серия: Философский поединок. Алгоритм, 2017. - 672 с.
12. Фромм Э., де Бовуар С. Любовь как болезнь: все оттенки порока. Серия: Клинические рассказы. М.: Алгоритм, 2018. - 304 с.
13. Фридан Бетти. Загадка женственности : Пер. с англ. / Бетти Фридан; [Вступ. ст. О. А. Ворониной]. - М. : Прогресс : Литера, 1994. - 494 с.
14. Фридан Бетти. Загадка женственности : Пер. с англ. / Бетти Фридан; [Вступ. ст. О. А. Ворониной]. - М. : Прогресс : Литера, 1994. - 494 с.
15. Кристева, Юлия. Брак как произведение искусства/ Юлия Кристева, Филипп Соллерс ; перевод с французского Н. В. Баландиной. - Москва : РИПОЛ классик : Панглосс, 2020. - 191 с.
16. Brooks Ann Postmodernism, Feminism, cultural theory and cultural forms. i.o; don, N. Y.: Routledge, 1997. - 240 p.
17. Гафизова Н.Б. Исторический опыт взаимодействия российского и международного женских движений в конце XIX - начале XX века : диссертация ... кандидата исторических наук. - Иваново, 2000. - 231 с.
18. Куприна И.В. Феминистское движение в России во второй половине XIX - начале XX вв. : диссертация ... кандидата исторических наук. - Москва, 2000. - 147 с.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

UDK: 93

Комал МАХМУДОВ,
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси
E-mail: Maxmudovks@mail.ru

Т.Қ.А.И профессори, ф.ф.д. Н.А.Назаров тақризи асосида

ФАРҒОНАДА 1876-ЙИЛГИ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ТОМОНИДАН БОСТИРИЛИШИ

Аннотация

Фарғона водийсида Қўқон хонлиги тугатилиб, Пўлатхон қўзғолони бостирилган бўлсада империя мустамлакачилигига қарши миллий озоздлик ҳаракатлари тўхтаб қолмайди. Эндигина ташкил этилган Фарғона вилояти таркибидаги уезд (туман) ва участка мамурияти жойлардаги жамоат тартибини сақлаб туриш ва янгидан кўтарилиб келаётган халқ харакатларини бартараф этишда жуда катта қийинчиликларга учрайди. Шунинг учун Фарғона вилоятидаги мустамлака ҳокимяти ўз фаолиятини Туркистон ҳарбий округи кучларига таянган ҳолда олиб борган.

Калит сўзлар: Ҳарбий округ, уезд, участка, взвод, ракетали станок, штабс-капитан, генерал, юзбоши, полк, рота, ортяд.

ДАВЛЕНИ УСИЛИЙ ТУРКЕСТАНСКОГО ВОЕННОГО ОКРУГА ПО ВОССТАНОВЛЕНИЮ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В ФЕРГАНЕ В 1876 ГОДУ

Аннотация

Несмотря на ликвидацию Кокандского ханства в Ферганской долине и подавление восстания Полатхана, национально-освободительное движение против имперского колониализма не прекращалось. Первоначально уездные администрации Ферганской области столкнулись с большими трудностями в поддержании общественного порядка и подавлении зарождавшихся народных движений. Поэтому колониальное правительство в Ферганской области опиралось на силы Туркестанского военного округа.

Ключевые слова: Военный округ, уезд, взвод, ракетная машина, штабс-капитан, генерал, ротмистр, полк, рота, отряд.

SUPPRESSION OF THE EFFORTS TO RESTORE NATIONAL STATEHOOD IN FERGANA IN 1876 BY THE TURKESTAN MILITARY DISTRICT

Annotation

Despite the elimination of the Kokand khanate in the Ferghana valley and the suppression of the Pollatkhan uprising, the national liberation movement against imperial colonialism didn’t stop. Initially, the county administrations of the Fergana region faced great difficulties in maintaining public order and suppressing the emerging popular movements. Therefore, the colonial government in the Fergana region relied on the forces of the Turkestan military district.

Key words: Military district, county, rocket machine, staff captain, general, captain, regiment, company, detachment.

1. Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўтган ўттиз йила давомида демократик ҳуқуқий давлат қуриш, мамакат ичи ва ташқарисида фуқороллар тичлигини сақлаш, ҳудудлардаги жамоат тартиботини таминлаш мамлакатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланди ва ҳарбий соҳа ривожи ва уни такомиллаштиришга катта этибор берила бошланди. Ислоҳотларни оширилиши жараёнида “Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ўқув муассасалари тўғрисида” (1992), “Миллий хавфсизлик тўғрисида” (1996), “Миллий хавфсизлик консепсияси” (1997) ва “Ўзбекистон Мудофаа доктринаси тўғрисида” (2018) каби муҳим қонун ва меёрий хужжатлар қабул қилинди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида ХИХ аср иккинчи ярмида ютимиздаги мустамлакачилик тузумига қарши миллий озодлик ҳаракатлари Ҳ.Зиёев, Ҳ.Бобобеков, З.Илҳомов, В.Ешқувватов, Қ.Ражабов, Д.Зияева ва бошқаларнинг қатор асарлари ва мақолаларида ўз аксини топган.

Мақолани ёзиш жараёнида умуммиллий методлардан фойдаланилди, хусусан, тизимли, таркибли, функсионал, қиёсий таҳлил, башорат қилишнинг мантиқий ва тарихий ёндашувларидан кенг фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари. 1875-1876 йилларда Туркистон ҳарбий округи (ТҲО) қўшинлари томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлари давомида Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинади. 1876-йил 19-феврал куни мустақил Қўқон хонлиги тугатилиб унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти ташкил этилади.

1876-йилдаги вилоят ҳудудидаги миллий озодлик ҳаракатларида асосан қирғизлар ва қисман ўзбек, қипчоқ ва тожиклар иштирок этган. 1876-йил март ойи ўрталарида Или воҳасида Ғулжа яқинида найманлар етакчилигида бир неча қирғиз уруғлари истилочиларга қарши ғазавот эълон қиладилар ва Минглар сулоласига қариндошлик алоқаси бўлган Худойқулни хон деб эълон қиладилар [7: -Б.197]. Мингбоши Суранчи (найман уруғидан), Қўзи понсодбоши (найман уруғидан), ясовулбоши Ашур Али (найман уруғидан) ва Полатхон давридаги собиқ Сўх ҳокими Азимқори унинг асосий сафдошлари эди.

Худойқул 1000 га яқин аскарлари билан март ойида Фарғона вилояти жанбудаги Шоҳимардон ва Лангарни эгаллаб олади, сўнгра Водил ва Чимён забт этишга тайёрланади. Туркистон ҳабий округининг вақтинчалик бош қўмондони генерал Колпаковский Фарғона водийсда қайтатдан халқ қўзғолони авж олиб кетмаслги учун 1876-йил 25-март куни полковник Королковни 2-Туркистон ўқчи баталёнинг 3-ротаси ва Сибир казаклар полкининг 1 юзлиги билан шатбс-капитан Киркин ва казаклар юзбошиси Десятков ёрдамчилигида Худойқулга қарши юборади. Королков отряди Қорақия остоналари ва Малмут қишлоғидаги икки ҳужум давомида қўзғолончиларнинг кўпчилигини қириб ташлайди.

Омон қолган қўзғолончилар ўз овулларига тарқалиб кетадилар.

Худойқул исёни ботирилгач Россия ҳукумронлигига бўйсунишни ҳоҳламаган қирғиз ва ўзбеклар Олойда Абдуллабек (Маллахон давридаги Андижон ҳокими Олимбек додхох ва Қурбонжон додхохларнинг ўғли) артофида тўплана бошлаган. Абдуллабек Абдулғаффорбекдан сўнг малум вақт Пўлатхоннинг Қўқондаги ноиби бўлган[2: - Б.336]. Фарғона вилояти губернатори Скобелев унга қарши ҳарбий округ ҳизматига ўтган 2 та маҳаллий отрядни: Турсунқул ва Бекжонни 50 йигит билан, Саримсоқ хожани 30 йигит билан юборади. Аммо уларнинг ўзлари Абдуллабек одамлари томонидан асирга олиниб қатл этилади.

Кичик ғалабалардан сўнг Абдуллабек, Умарбек, Сулаймон удайчи, Таниқул понсод ва Валихон тўралар рус отряди жойлашган Ғулжадан 25 верст масофада Янги ариқ дарасида қўшин тўплай бошлайдилар. Уларнинг сони1500 киши атрофида бўлган. Қўзғолончиларнинг бу ҳаракати Туркистондан Ғулжа орқали Қошғарга борадига карвон йўлини ҳаракатдан тўхтатиб қўяди.

1876-йил 23-апрел куни Скобелев Абдуллабекга қарши курашиш учун шахсан ўзи Ғулжага келади. 24-апрел куни у Туркистон линия баталёнидан подпоручик Синелниковнинг 120 кишилик ротаси, Туркистон сапёрлар ротасидан поручик Боржовнинг 30 кишилик ишчи командаси, ясовулбоши барон Штакелбергнинг 113 та ўқчи отлиқлари, юзбоши Янушевнинг 23 кишилик ракетали взводи, хорунжий Кудашевнинг 140 та Оренбург казаклари билан қўзғолончиларга қарши юруш бошлайди[1: - Б. 45-47]. Скобелев қўзғолончилар енгилган тақдирда уларнинг Олой томон чекинишига йўл қўймаслик мақсадида Ўш уезди (Ғулжадан 65-70 верст масофада) бошлиғи маёр Михаил Ефремвич Ионовни (1876-1883) ҳам ярим рота отлиқ ўқчилар ва ракетали взвод билан сафарбар этади. Янгиариқ дарасидаги оғир жанг натижасида Скобелав аскарлари ғалаба қозонади. Ҳарбий округ аскарлари мағлубиятга учраган Абдуллабекни Олой водийсигача қувиб борадилар.

Янгиариқдаги жангда Скобелев ортядидан 3 киши ҳалок бўлиб, барон Штакелберг, поручик Борисов ва яна 12 аскар яралар яраланади. Озодлик ҳаракати қатнашчиларнинг йўқотишлари эса 150 нафардан ошади[1: - Б. 48]. Бу ғалабадан сўнг бир неча қирғиз уруғлари ўзларининг Россияга итоаткорликларини билдиради. Аммо бу қўзғолончиларнинг якуний мағлубияти эмас эди. Бу ҳақида Янгиариқ жангида қатнашган штапс-капитан Боголюбов шундай фикрларни айтган: “Бу воқеалардан сўнг тоғликлар тўла бўйсундирилганига тўла ишонч билдирмаслик лозим. Ҳали ҳам улар орасида лаёқатли бошлиқлар бор ва улар бизнинг ҳарбий кучимизни ўзларида синаб кўрмагунларича, мен ҳеч нарсага кафолат бермайман”[3: - Б. 37].

Унинг фикрлари тўғри бўлиб чиқади. 1876-йил май ойида тоғли қирғизлар орасида Абдулкаримбек номли киши пайдо бўлиб, Қўқон хонлигини тиклаш давоси билан чиқади. Абдуллабек ҳам бутунлай тор-мор келтирилмаган эди.

Қўқон хонлигининг тугатилганига ҳали кўп вақт бўлмагани, Фарғона водийда хонликнинг тикланиши хохловчи жуда кўплаб одамлар борлиги туфайли вилоят губернатори бундан қаттиқ ташвишга тушади. У марказга ёзган хатида “Абдулкаримбекнинг тоғларда пайдо бўлишидан ташвишдаман ва бунга катта эътибор қаратаман” деб ёзганди[4: - Б. 34]. Абдулкаримбек ўзбек, қирғиз ва тожикларнинг турли уруғлари етакчиларига мактублар йўллаб мустамлакачиларга қарши озодлик ҳаракатида Абдуллабек ва Умарбеклар билан бир сафда экнлигини такидлайди. У ўзини Қўқоннинг янги хони Саид Муҳаммад Адулкаримхон ибн Саид Муҳаммад Содиқхон деб эълон қилади ва уруғ етакчиларини ўз сафига ўшилишга чорлайди.

Мулла Абдурахмон, эрмамат понсод, Ўразали қирғиз, Ҳабиб эшон Абдулкаримбекнинг энг яқин одамлари эди. Абдулкаримбек дастлаб Чимён ва Сўх артофида фаракат қилган. Сўнгра Абдуллабек билан ўз кучларини бирлаштирган.

Бундан ташқари, май ойининг иккинчи ярмида март ойидаги мағлубиятдан сўнг ғойиб бўлган Худойқул Андижон уездидаги Ўзган яқинида паё бўлади. Ҳудойқулнинг ҳарбий гуруҳи ой охрида юзбоши Мирзинсев (1 та Сибир казаклари юзлиги), штабс-капитан Машликин (2-Туркистон баталёни 3-ротасининг 1 взводи) ва старшина Смирнов раҳбарлигигдаги округ аскарлари томонидан тор-мор келтирилади[1: - Б. 49-50].

Абдуллабек Янгиариқдаги жангдан сўнг Мардонсой воҳаси, Тўқмоқ ҳудуди ва Ўзган-Кошғар йўлидаги Адгрин дарёси атрофида ҳаракатланиб қайтатдан қўшин йиға бошлайди. 1876-йил июн ойининг 2-ярмида Абдуллабек Ўзган уездидаги Нов Жойлақ мавзесида ўзига қарши юборилган капитан Сполатбогонинг кичик жазо отрядини тор-мор келтиради.

Фарғона вилояти губенатори Скобелевнинг ТҲО Бош қўмондони Кауфманга йўллаган ахборотида бу мағлубиятда 80 киши ҳалок бўлгани ва қўзғолончиларга қарши курашда душманни менсимаслик кайфияти хато бўлганлигини ёзади[5: - Б. 153-154]. Скобелев Абдуллабекни Олойдан тушиб Сўхни эгаллаб водийга кириши ва натижада Фарғонада умумхалқ қўзғолони алангаланиб кетишидан хавфсирайди. У Сўх йўлини ва артофларини мудофаа қилиш ва Абдуллабекнинг эҳтимолий ҳужумини қайтариш учун полковник Крижановскийни 250 аскар билан Учқўрғонга юборади, Водилдаги 2 та пиёдалар ротаси ва 350 казак ҳам унинг иҳтиёрига берилади. Чимёнда турган рус гарнизони эса Водилга кўчирилади[1: Б. 50].

Генерал Скобелев Фарғона водийсига олиб борувчи йўлларни мустаҳкамлагач Олой водийсидаги Шот ва Оқ Бура дарёлари қўшилган ҳудудда турган Абдуллабекга қарши 2 та колоннада алоҳида ҳарбий отрядлар юборади. 1-отряд 35 кишлик санитар команда, аралаш ракета взводи ва қирғиз Шабдон Жонтоевнинг йигитларидан иборат бўлган. Отряд раҳбари капитан Боголюбов эди. 2-отряд эса 1-Туркистон ўқчи баталёнинг 3- ва 4-роталаридан ташкил топганди[1: - Б. 51]. 18-июлда Туркистон ҳарбий округи аскарлари ҳужуми натижасида Абдуллабек, унинг онаси Қурбонжон додхох, Абдулкаримбек, Умарбек, Сулаймон удайчилар 2000 кишилик ўз қўшинларининг асосий қисмини олиб жангиз Шот ва Оқ Бура дарёларини ҳудудини тарк этадилар.

21-июл куни генерал Скобелев Абдуллабекга Абдурахмон Жонтоев орқали мактуб йўллаб таслим бўлишни сўрайди. Абдуллабек эса мустамлакачиларнинг маҳаллий халққа ўзлари доим таъкидлаб келганларидек дўст эмасликларини исботлаб қўйиш учун Скобелевга таслим бўлиш шарти сифатида Ўш уезди раҳбарлигини Шабдон Жонтоевга берилишини сўрайди ва ўзининг ва яқинларининг Шабдон Жонтоев орқали Россия ҳукуматга итоат этишини айтади. Шабдон Жонтоев рус ҳукуматига жуда садоқатли ҳизмат қилса ҳам маҳаллий хақл вакили бўлгани учун Скобелев бу шартни қабул қилмайди.

Музокаралар муваффақиятсиз тугагач генерал Скобелев қўзғолончиларга қарши флигел-адютант княз Витгенштейнни ярим рота отлиқ ўқчилар, 1 та казаклар юзлиги, 2 та ракета станоги ва Шабдон Жонтоев одамларини юборади. Аммо Витгенштейн Қизил Арт томон чекинаётган қўзғолончиларни қувиб ета олмай ортга қайтади.

Шундан сўнг, қўзғолончларнинг чекингани ва манғут, адиган, ичкилик каби бир неча уруғ бийларининг

таслим бўлганлигидан Скобелев ТҲО Бош қўмондони Кауфманга қуйидаги телеграммани юборади: “Катта Олойни эгаллашимиз, менинг фикримча, келажак вақтлар учун Фарғонада тинчликни таминлайди”[5: - Б. 246]. Аммо қўзғолончилар курашни яна бир неча ой давом эттирадилар.

1876-йил 7-сентабр куни Зардолудан 30 верст масофада турган қаршилик ҳаракатини давом эттираётган шопурчи уруғига қарши ҳужум қилинади. Шопурчи овули қийинчилик билан забт этилади (жангда шопурчи уруғидан 800 га яқин киши қатнашган) ва бутунлай ёқиб юборилади. Жанг натижасида полковник Витгенштейн, капитан Серпитский, прапоршик Грятевскийлар контузия бўлади, кичик лавозимдаги зобитлардан 8 таси оғир, 27 таси енгил жарохатланади. Шабдон Жонтоев одамларидан 18 таси ярадор бўлади.

Хулоса. Туркистон ҳарбий округи учун Фарғона вилояти жанубида тоғлардаги уруш жуда оғир кечади. Буни ҳаттоки ҳарбий округ Бош қўмондони Кауфман ҳам эътироф этишга мажбур бўлган: “Фарғона вилоятида бўлган уруш қийинчилиги Қўқон хонлигини империя тасарруфига олиниши каби шарафли ишлардан кам бўлмаган”[6: - Б. 200]. Генерал Скобелев қурол кучи билан Олой ҳудудида узил-кесил тинчлик ўрната олмаслигини англаб Абдуллабек ва Қурбонжон додхох билан шахсан учрашиб, уларнинг талаблари асосидаги тинчликга эришишга мажбур бўлади. Қурбонжон додхон ва унинг ўғилларига шахсий дахласилик ва ўз ерларига қайтиш имконияти берилади. Шундан сўнг 1876-йилги қўзғолон ҳаракатлари ўз якунига етади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бобобеков Ҳ.Н. Пўлатхон қўзғолони. – Тошкент., 1996. – б. 58.
2. Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул хавоқин (Тарихи Шохрухий). – Тошкент: Турон замин зиё. 2014. – б. 697.
3. Ўз МА, 1396-фонд, 2-рўйхат, 96-йиғма жилд, 37-варақ
4. Ўз МА, 1396-фонд, 2-рўйхат, 97-йиғма жилд, 34-варақ
5. Ўз МА, И-715 фонд, 1-рўйхат, 68-йиғма жилд, 246-варақ
6. Ўз МА, И-715 фонд, 1-рўйхат, 69-йиғма жилд, 200-варақ
7. Ўз МА, И-715 фонд, 1-рўйхат, 167-йиғма жилд, 197-варақ

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 391.1:008(575.1)

Набижон НАРЗИЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д. (PhD)
nabinarziev04@gmail.com

ЎзМУ профессори, т.ф.д А.А. Аширов тақризи асосида

THE PROBLEM OF THEORETICAL BASIS OF THE STUDY OF COMMUNICATION CULTURE IN ETHNOLOGY

Abstract

This article reveals the formation of modern trends in ethnology, including ethnic features of the study of the culture of communication, its theoretical foundations on the example of foreign and domestic studies. The scientific significance of studying the culture of communication in ethnology and anthropology is substantiated.

Key words: Empathy, etiquette, semiotics, semiology, kinesis theory, language culture, speech culture, communicative etiquette, communicative etiquette, speech habit, communicative communication, communicative strategy, cognitive anthropology.

ПРОБЛЕМА ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ В ЭТНОЛОГИИ

Аннотация

В данной статье раскрывается становление современных направлений в этнологии, в том числе этнических особенностей изучения культуры общения, ее теоретических основ на примере зарубежных и отечественных исследований. Обоснована научная значимость изучения культуры общения в этнологии и антропологии.

Ключевые слова: Эмпатия, этикет, семиотика, семиология, теория кинезиса, языковая культура, культура речи, коммуникативный этикет, коммуникативный этикет, речевая привычка, коммуникативная коммуникация, коммуникативная стратегия, когнитивная антропология.

ЭТНОЛОГИЯДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ МАСАЛАСИ

Аннотация

Ушбу мақолада этнологияда замонавий йўналишларнинг шаклланиши, жумладан мулоқот маданиятини ўрганишнинг этник хусусиятлари, унинг назарий асослари хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар мисолида очиб берилган. Мулоқот маданиятини этнология ва антропологияда ўрганишнинг илмий аҳамияти асосланган.

Калит сўзлар: Эмпатия, этикет, семиотика, семиология, кинезис назарияси, тил маданияти, нутқ маданияти, мулоқот одоби, мулоқот этикети, нутқий одат, мулоқот коммуникацияси, коммуникатив стратегия, когнитив антропология.

Кириш. Мулоқот маданияти этнология ва антропология йўналишидаги замонавий тадқиқот мавзуларидан бири бўлиб, унинг асосини инсонлар ўртасидаги муносабатлардаги этник хусусиятлар, этнографик белгилар ташкил этади. Мулоқот маданияти – этнос маданиятининг асосий компонентидир. Мулоқот арабча сўздан олинган бўлиб, “учрашиш”, “кўришиш”, “қабул қилиш” маъноларини англатади[1]. Этнологияда мулоқот маданияти инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги андишалик, самимийлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ўзаро ёрдам, сабрлилик, кечиримлилик, шукроналик каби фазилатларда яққол намоён бўлади. Айниқса, бундай ўзига хосликлар турли халқларда турлича бўлиб, жумладан оилавий маросимлар, тўй-ҳашамлар, умумхалқ сайиллари ва байрамларда кўпроқ кўзга ташланади. Уларнинг муштараклигини таъминлайдиган асосий восита – мулоқот маданиятидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мулоқот маданиятининг этнология ва антропологияда ўрганишига доир хорижий тадқиқотларда бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Чунончи, Г. В. Бороздина, Т. Г. Винокур, И. Н. Горелов, М. Л. Кнапп, В. П. Конецкая, В. А. Лабунская, А. А. Леонтьев, В. П. Морозов ва Э. Холл каби тадқиқотчилар томонидан мулоқот маданиятининг оғзаки (вербал) ва оғзаки бўлмаган (новербал) кўринишлари турли аспектларда ўрганилган[2]. Мулоқот маданиятининг этнопсихологик жиҳатлари ўрганишда Ю. Фаст, И. Эйбл-Эбесфельд, П. Экман ва В. Биркенбилнинг тадқиқотларида муҳим маълумотлар ўрин олган. Жумладан, германиялик олима В. Ф. Биркенбил томонидан мулоқотнинг новербал томонларининг психологик хусусиятлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[3]. Шунингдек, С. И. Ожегов, А. К. Байбурин, А. Л. Топорков, Б. Х. Бгажноков ва С. А. Лугуевларнинг тадқиқотларида мулоқот маданияти асосий обеът сифатида, алоҳида этник гуруҳлар мисолида ўрганилган[4].

Тадқиқот методологияси. Мақолада фанлараро ёндашув, тарихий-тизимли ва функционал тизимли таҳлил, анализ, синтез ҳамда кузатиш, социологик сўровнома, интервью каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мулоқот маданиятига доир илмий қарашлар турли йўналишларда ўрганилган бўлиб, мазкур жараён илмий тавсифлашда ўзига хос ёндашувларни келтириб чиқарган. Жумладан, мулоқот маданиятининг қуйидаги таърифларини келтириш мумкин:

Мулоқот бу – икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тинглаш ҳамда таъсир этиш орқали маълумотлар алмашишга қаратилган фаолиятдир.

Мулоқот бу – инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолияти маҳсули бўлиб, маълумот ҳамда ахборот алмашишга доир уларнинг биргаликдаги ҳаракатларини ўзида мужассам этади.

Мулоқот одамларнинг ўзаро муносабати, эмпатия[5] ва ҳиссиётлар алмашинувини ўз ичига олган икки томонлама фаолият шаклидир.

Мулоқот – маълумот алмашиш, одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини ифода этиш, қўллаб-қувватлаш, раҳм-шавқат ва ўзаро тушунишдир[6].

Бу масалада этикет маданияти доирасида кўп тадқиқотлар олиб борилган. Ўз номи билан “этикет” тушунчаси ҳозирги кунда дастлабки тушунчасидан ташқари, инсонлар ўртасида кечадиган одоб-ахлоқ

қоидаларининг жамланмаси сифатида – атрофдагилар билан муомаласи, мулоқот шакли ва саломлашиш, жамоат жойларидаги хулқ-атворлар, хатти-ҳаракатлар ҳамда кийиниш назарда тутилади[7]. Мулоқот инсоният тарихида ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитда юзага келувчи маънавий маданиятнинг бир қисмидир[8]. Аслида, мазкур жараённи лингвистика фани ўз тадқиқотларининг объекти сифатида қарасада, ўзига хос такрорланмас олам бўлган инсонлар мулоқоти жараёнининг руҳий, миллий, ижтимоий, этнографик ва этноҳудудий жиҳатларига эътибор қаратилмаган. Бунда мулоқот жараёнининг ўта мураккаб ва серқирра эканлиги, худди шунинг учун ҳам алоҳида бир фаннинг ўзи ушбу муаммони яхлит тадқиқ этишда бир қатор муаммолар мавжудлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин[9].

Мулоқот маданияти ўзининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва қўлланишига кўра семиотик тизимлар назарияси асосида ўрганишнинг илмий аҳамияти каттадир[10]. Чунки, семиотика ўрганилаётган мавзу доирасида қадимги маданиятлар моҳияти ва тузилмаларини очиб бериш орқали замонавий жамиятнинг белгилар, рамзлар тизимларини таҳлил қилиш имконини беради. Семиотиканинг асосчиси америкалик мантиқчи, файласуф Чарлз Сандерс Пирс (1839-1914 йй.) ҳисобланади. У мулоқот вақтида қўлланиладиган семиотикани учта турга бўлади: моддий буюмлар орқали ғоялар узатиш (likenesses), тана ҳаракатларида кузатиладиган белгилар (indications), одатларда акс этувчи маънолар (meanings)[11].

XX аср лингвистикасининг отаси деб эътироф этилган тилшунос Фердинанд де Соссюр (1857-1913 йй.) мулоқот маданиятида семиология ёки белгилар фанининг асосларини шакллантирган. У семиотикани жамиятда инсонлар ўртасида қўлланиладиган рамзларни ўрганувчи фан деб изоҳлаган[12]. Семиотикашунос, маданиятшунос, машҳур Тарту семиотик мактабининг асосчиси Юрий Михайлович Лотман (1922-1993йй.) асосан рамзлар билан шуғулланган ва мулоқотдаги парадигмаларни ўзгартиришда рамзларнинг ўрнини кўрсатиб берган[13].

“Маданий доира” назарияси[14] – бу ғоя тарафдорлари илмий йўналиш сифатида тарихий жараённинг асосий мазмуни деб маданиятлараро ўзаро таъсирни тан олади. Айниқса немис антропологлари Фриц Гребнер, Эрнст Бернгейм, Фридрих Ратцель, Лео Фробениус, Фриц Гребнерларнинг ғоялари таҳсинга лойиқдир. Уларнинг фикрича маданиятлар бир ерда пайдо бўлиб, турли алоқалар таъсирида бошқа ҳудудларга тарқалишини, ўз доирасига эга бўлишини таъкидлайди[15]. Мулоқот маданиятида ҳам айнан шу хусусиятлар кўзга ташланади.

Кинезис назарияси[16] – ушбу назарияни мулоқотга нисбатан АҚШлик антрополог Конрад Филлип Коттак қўллаган бўлиб, унга кўра мулоқотни тана ҳаракатлари, ҳолатлари ва юз ифодалари орқали мулоқотни ўрганилади, ижтимоий тафовутлардан дарак беради[17]. Шуни таъкидлаш керакки мулоқот маданиятида тана ҳаракатлари ижтимоий таъсир доирада бўлиб келган.

Мулоқот маданиятининг семиотик тизимлар доирасида “Маданий доира” ва “Кинезис” назарияси асосида ўрганилиши тадқиқотнинг тарихийлик ва элшунослик жиҳатларини ўрганишда аниқ хулосаларни берди.

XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб илмий тадқиқотларда ижтимоий фанларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни кузатилди. Жумладан, этнопсихолингвистика ва этносоциолингвистика каби янги соҳа йўналишлари мулоқот маданияти қонуниятларини атрофлича ўрганиш имконини бермоқда[18].

XXI аср бошларида Францияда “Анналлар” мактабининг тўртинчи авлод вакиллари “Лингвистик бурилиш” деб номланган ғояларни илгари сурган эди. Улар аввало, иқтисодий ва ижтимоий-маданий муносабатларни тадқиқ қилишда ўша давр инсонларининг тил (мулоқот) дунёсини ўрганиш ишончли маълумотлар беришини исботлашга ҳаракат қилганлар.

Шунингдек, Постструктурализм[19] доирасида бир қатор тадқиқотчилар ижтимоий тузилмалар ёки онг тузилмаларга эмас, балки тил (мулоқот) орқали жамият ва дунё ҳақида тушунча ҳамда ғояларни шакллантиришини қайд этганлар. Мазкур йўналиш вакилларидан Бернард Лепти, Ричард Шарте каби антропологларнинг тадқиқотларида бунга кўпроқ гувоҳ бўлиш мумкин[20].

XX асрда жаҳон мамлакатларида этнолингвистика, этнопсихолинг- вистика ва социопсихолингвистика каби янги соҳа ҳамда йўналишлар пайдо бўлди. Натижада, инсон мулоқотининг мавжуд фанларнинг мана шундай “туташ нуқтасида” тадқиқ этиш ўта мураккаб жараён бўлган мулоқотнинг асл моҳияти ва унинг ўзига хос қонуниятларини ўрганиш имконини яратиб берди. Шубҳасиз, ушбу фанларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эгадир. Этнолингвистика тарихини ўрганиш бундай фанларнинг этимологияси билан яқиндан танишиш имкониятини беради[21].

“Мулоқот маданияти” тушунчаси, унинг асосий моҳияти, ушбу тушунчанинг этнология, лингвистика, психологияда ўрганишнинг юзага келиш даври, тадқиқот объекти, чегараси ҳамда ўрганиш тарзи ҳақида фанда турли-туман қарашлар, бири иккинчисини инкор қиладиган фикрлар мавжуд. Аслида, муаммони ўрганишда объектга олиб борувчи воситаларни ўрганиш етакчи ўрин тутади. Шунинг учун мулоқот маданияти муаммосини назарий жиҳатдан асосламасдан туриб ушбу соҳада бирор-бир амалий муваффақиятга эришиш қийин[22]. Муомала маданиятини тадқиқ этишда масалага турлича ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Яъни, “тил маданияти”, “нутқ маданияти”, “нутқ (тил) одоби”, “мулоқот одоби”, “мулоқот этикети” кабилар.

XX асрнинг 70-йилларида ушбу мавзу бўйича бажарилган тадқиқотларда ўрганилаётган муаммо “мулоқот этикети”, “мулоқот хулқи”, “мулоқот коммуникацияси” деб аталиб, 80-йилларга келиб ушбу тушунчалар “коммуникатив хулқ-атворлар” атамаси билан алмашилган[24]. Ўрганишлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, “коммуникатив мулоқот” атамаси остида мулоқот маданиятининг миллат, ҳудуд, касб, жинс ва бошқа ижтимоий гуруҳларга хос кўринишлари озарбайжон ҳамда тожик халқлари мисолида кўриб чиқилган.

Тилшунос олим С. Мўминов томонидан “коммуникация” атамаси шартли равишда “мулоқот хулқи” деб қўлланилган. Чунки, халқаро терминга айланиб қолган “коммуникация” атамаси ҳозирда Ўзбекистонда “коммуникация” ва “мулоқот” шаклида қўлланилган ҳолда “поведение” ўзбеклар нутқида ишлатилмайди ва ушбу сўз ахлоқ, хулқ, феъл-атвор, муомала ва юриш-туриш деб таржима қилинади[25]. XX асрнинг охирига келиб бир қатор лингвист олимлар эътиборини ўзига “мулоқот хулқи” масаласида жалб этган. Бунинг келиб чиқишини тилшунос С. Мўминов ижтимоий, сиёсий ва геомаданий сабаблар билан боғлиқ, деб изоҳлаган эди[26].

Этнологияда мулоқот маданиятининг структуравий тузилиши ва илмий аспектларини ҳам қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

1. Коммуникатив вазият: мулоқот жараёнига вазият, замон ва макон, миллий қадриятлар каби ижтимоий мезонлар нуқтаи назаридан ёндашилса, унинг ўта муҳим тушунча эканлиги маълум бўлади. Голландиялик

олим Тайн А. Ван Дейк ибораси билан ифодалаганда: “гавжум кўчада мен нотаниш киши билан саломлашмаган бўлардим, бироқ кимсасиз тоғдаги ёлғизоёқ сўқмоқда нотаниш кимсани учратиб қолсам, салом-алик қилишим турган гап”[27]. Мулоқот жараёнида вазиятга алоҳида эътибор қаратилганлиги тарихий манбаларда ҳам алоҳида қайд этилади. Ўзбек халқида саломлашиш одоби, меҳмон кутиш ва оилавий муносабатларда кузатиладиган мулоқот этикетларида вазиятнинг аҳамияти катта эканлигига урғу берилади. Бунда суҳбатдошнинг жинси, фаолият тури, айни вақтдаги ҳолати ва инсонларнинг иштирок этаётган маросимлари мулоқот вақтида турли вазиятларни инобатга олишни тақозо этади.

2. Мулоқотда коммуникатив стратегия[28]. Мулоқотдаги стратегия қадимий тарихга эга бўлиб, бугунги кунда ўз анъанавийлигининг айримларини сақлаган ҳолда умуммиллий кўринишлар билан бойиб бормоқда. Масалан, ўзбекларда уйга меҳмон келганда, ҳар қандай вазиятда ҳам кулиб қарши олиши ва хушмуомалалик қилиш стратегиясининг қўлланишини мисол сифатида келтириш мумкин[29]. Ваҳоланки, бундай ҳолат ўзбеклар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги мулоқот жараёнларида асосий стратегия вазифасида қўлланилмоқда.

XX асрда Ғарбий Европада ўтказилган социал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Туркия, Марокаш ва Суринам каби мамлакатлардан Ғарбий Европага бориб қолган майда миллат вакиллари ўзларини камситилгандай ҳис қиладилар ҳамда мулоқот вақтида норозилигини очиқчасига намоён қилишлари аниқланган. Шунинг учун жамиятда онда-сонда рўй берадиган кескинликларни юмшатиш мақсадида Ван Дейк фикрича: “Масалан, гапираётган одам хушмуомалалик стратегиясига амал қилиши мумкин, ушбу стратегия қандай семиотик маънодаги сўзларни айтиш кераклигини олдиндан белгилаб қўяди[30]. Хуллас, коммуникатив стратегия мулоқот маданияти тизимида муҳим қисмларидан бўлиб, уни ҳеч қачон суиистеъмол қилмаслик керак.

3. Коммуникатив сценарий. Ҳар бир этник гуруҳлар (этнослар)да инсонлар бир-бирлари билан мулоқотга киришиш жараёнида коммуникатив сценарийнинг аҳамияти катта. Улар нисбатан ўзгармаслиги, жамият аъзолари томонидан тез-тез қўлланиб турилиши билан фарқланиб, халқнинг ижтимоий хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Масалан, Бухорода бирорта эшикка биринчи маротаба совчиликка борилганда, ҳеч қачон қалин пули тўғрисида сўз очилмайди (Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида ҳам шундай). Чунки, мазкур ҳолат ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас ва ўз навбатида у айтилган вақтда ҳам андишасизлик ҳисобланади. Маҳаллий урф-одатлар сценарийсига амал қилган ҳолда бўлажак қудалар билан мулоқотга киришадилар[31].

Хоразм воҳасида эса совчи даставвал гапни қалиндан бошласа ҳам ажабланарли туюлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, воҳадаги маҳаллий аҳолининг менталитети (коммуникативлик сценарийси)да бу ҳақдаги гап- сўзларни табиий ҳол сифатида қабул қилади. Демак, мулоқот маданиятидаги коммуникатив сценарий замон ва макон, миллий ҳамда маҳаллий хусусиятларига кўра хосланади[32].

4. Коммуникатив андоза. Бир қатор ғарб адабиётларида “Коммуникатив модель” ибораси мавжуд бўлиб, у “қолип, андоза” маъноларини англатади. Миллий ҳунармандчиликда кийим-бош, пойабзал ёки шунга ўхшаш буюмларни бичиш ва тайёрлаш учун қалин қоғоз ва ёғоч каби материаллардан ясалган шакл-шамойиллар “андоза” эканлиги кўпчиликка маълум. Мулоқот жараёнида ёшлар ўз тенгдошлари ёки мулоқот вақтдаги хатти-ҳаракатларини андоза сифатида ўзида қабул қилишидир. Бунга кўра, оила ва маҳаллаларда ўзига хослик кузатилади. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда коммуникатив техниканинг ривожланиши мулоқот жараёнида андозанинг умуммиллий тус олишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда илмий адабиётларда “мулоқот” тушунчасига нисбатан “коммуникация” атамаси ҳам кенгроқ қўлланилмоқда. Изоҳли луғатларда “коммуникация” сўзи “Фикр алмашиш, ўзаро алоқа” маъноларида қўлланилади. Мазкур диссертацияда “коммуникация” атамасидан кенг фойдаланилмаган бўлса-да, мулоқот маданияти даврида кузатиладиган ўзига хос хатти-ҳаракатлар, урф-одатлар ва миллий менталитет масалаларига этнологик нуқтаи назаридан ёндашилиб, “мулоқот”, “мулоқот этикети”, ва “мулоқот хулқи” иборалари кенгроқ қўлланилди.

Мулоқот маданиятининг ижтимоий аҳамиятига доир жиҳатларини ўрганишда социологлар О. Конт ва Э. Дюркгеймнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга[34]. Мазкур олимлар томонидан мулоқот вақтидаги инсонларга хос шахсий фазилатлар ва хулқ-атворидаги семиотик хусусиятлар, анъанавий ҳамда замонавий жамиятларда инсонларда кузатиладиган ижтимоийлашув жараёнлари, ижтимоий гуруҳлар ва институтларда одамларнинг мослашиши, ижтимоий статус масалаларида мулоқот маданияти ҳамда хулқ-атвор масалаларига оид назарий ғоялар илгари сурилган.

XX асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида маданий антропологияни тадқиқ этишда когнитив антропологияда[35] семиотик таҳлил усулларидан фойдаланиш оммалашди. Унга кўра, мулоқот ва муносабатлар структурасини ривожлантирувчи компонентларга алоҳида эътибор қаратилди. Буларга тақлид, сўз бойлиги, хулқ-атвор қоидалари ва бошқалар киради.

Хулоса ва таклифлар. Мулоқот маданиятини этнологияда ўрганиш асрлар давомида халқларга хос этник қиёфанинг шаклланишига доир хулосаларни бериш имкониятини беради. XXI асрга келиб этнологияда халқнинг моддий тузилмалар доирасидаги маданияти орқали эмас, балки ижтимоий гуруҳлар, институционал тузилмаларда кечадиган ўзаро муносабатларга оид компонентларни ўрганишга доир хорижий тадқиқотларда кенг тажрибалар шаклланган.

Замонавий тадқиқотларда умуминсоний этикет маданиятларни белгилашда индивидуализм тамоилларини устун қўйилиши, кенг тарғиб этилиши, миллий ва этноҳудудий хусусиятларни иккинчи даражали аҳамият касб этишига олиб келмоқда.

Мулоқот маданиятини тарихий-этнологик тадқиқ этилиши этноҳудудий ўзига хослик, ижтимоий ва жамоавий муносабатлар, ёш ва гендер хусусиятларига кўра, оила ва оила ичидаги, қариндошлик муносабатларидаги миллий этикет маданияти мезонларини белгилаб олиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. 2 жилд. – Б. 636.
2. Бороздина Г. В. Психология делового общения. Глава 7. Имидж делового человека. – М.: Деловая книга, 1998. – 247 с.; Винокур Т. Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. – М.: Наука, 1993. – 159 с.; Горелов И. Н. Невербальные компоненты коммуникации. – М.: Наука, 1980. – 238 с.; Кнапп М. Л. Невербальные коммуникации. – М.: Наука, 1978. – 308 с.; Конецкая В. П. Социология коммуникации. – М.: МУБУ, 1997. – 164 с.;

Лабунская В. А. Невербальное поведение (социально-перцептивный подход). – Ростов-на-Дону: Феникс, 1988. – 246 с.; Лабунская В. А. Экспрессия человека: общение и межличностное познание. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1999. — 214 с.; Леонтьев А. А. Психология общения. – М.: Смысл, 1997. – 239 с.; Морозов В. П., Искусство и наука общения: невербальная коммуникация. – М.: ИП РАН, , 1998. – 189 с.;
3. Холл Э. Как понять иностранца без слов. – М.: Наука, 1995. – 197 с.
4. Vera F. Birkenbihl. Irren ist menschlich – managen auch / REDLINE Verlag. – München, 2019; Ўша муаллиф: Fallbeispielen und konkreten Handlungsalternativen. REDLINE Verlag. – München, 2019. Биркенбил В. Язык интонации, мимики, жестов. – С-Петербург: Питер, 1997. – 176 с.
5. Ожегов С. И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. – М.: Высшая школа, 1974. – С. 352. Байбурин А. К., Топорков А. Л. У истоков этикета. – Ленинград, 1990. – 165 с.; Бгажноков. Б. Х. Очерки этнографии общения у адыгов. – Нальчик.: Эльбрус, 1983. — 232 с.; Лугуев С. А. Культура поведения и этикет дагестанцев (XIX – начало XX века). – Махачкала: ИИАЭ ДНЦ РАН, 2006. – С. 304.
6. Эмпатия – (юнонча “empatheia” – ҳис қилмоқ) мулоқот вақтида одамнинг ички дунёси ёки ҳиссий ҳолатини онгли равишда англаш ва тушунишга ҳаракат қилиш. Ушбу атама австриялик психолог Зигмунд Фрейд томонидан илк бор фанга олиб кирилган. https://ru.wikipedia.org/wiki/Эмпатия
7. Грушевицкая Т. Г., Попков В. Д., Садохин А. П. Основы межкультурной коммуникации. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – С. 280.
8. Байбурин А. К., Топорков А. Л. У истоков этикета / Этнографические очерки. – Ленинград: Наука. 1990. – С. 5.
9. Мўминов С. М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. – Тошкент, 2000. – Б. 16.
10. Национально-культурная специфика речевого поведения. – М.: Наука, 1977. – С. 14.
11. Семиотика ёки семиология - юнонча “σημειωτική” - “белги”, “аломат”. https://ru.wikipedia.org/wiki/семиотика
12. Пирс, Ч. С. Что такое знак? // Вестн. Томского гос. ун-та. Сер. Философия. Социология. Политология. — 2009. — № 3 (7). - С. 88-95 / пер. с англ. А. А. Аргамаковой; с предисл. к публ. С. 86-87
13. Соссюр Фердинанд де. Курс общей лингвистики. Пер. с французского. М.: Едиториал УРСС, 2004. — 256 с. (Лингвистическое наследие XX века) — ISBN 5-354-00556-6 - с.40
14. Лотман Ю. М. Люди и знаки. / В кн. Лотман Ю. М. Семиосфера. — СПб.: Искусство-СПБ, 2010. — С. 6.
15. “Kulturkreiselehre” – немисча, маданий доира назарияси. Диффузиянизм йўналишларидан бири. https://ru.wikipedia.org/wiki/тео́рия_культу́рных_круго́в
16. Graebner R. F. Methode der Ethnologie. Winter, Heidelberg. 1911. – P 86.
17. Кинезиология (юнонча κίνησις “ҳаракат”, λόγος “билим”) - Инсон тана ҳаракатларини ўрганувчи фан. https://ru.wikipedia.org/wiki/кинезиология
18. Коттак К.Ф. Маданий антропология. (инглизчадан А.Бегматов таржимаси) . Т.: 2004й. – Б 170-172.
19. Формановская Н. И. Вы сказали: Здравствуйте! – М.: Знание, 1989. – С. 9.
20. Постструктурализм – маданият ва жамиятни танқидий таҳлил қилиш йўналиши. 1980 йилларда АҚШда ривожланган, 1990-йилларда Европада кенг тарқалган. https://ru.wikipedia.org/wiki/постструктурализм
21. Lepetit B. Histoire des pratiques, pratiques de l’histoire // Les formes de l’expérience : une autre histoire sociale. – Paris: A. Michel, 1995. – P. 13–14; Chartoer R. Lectures et lecteurs dans la France d’Ancien Régime. – Paris, 1987. – P. 270.
22. Леонтьев А. А. Основы психолингвистики. – Москва, 1997. – С. 287.
23. Қўнғиров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 19.
24. Национально-культурная специфика речевого поведения / Под ред. А. А. Леонтьева., Ю. А. Сорокина, Е. Ф. Тарасова. – М.: Наука, 1977. – С. 14; Национально-культурная специфика речевого оющения народов СССР. – Москва: Наука, 1982. – С.150.
25. Мўминов С. М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. – Тошкент, 2000. – Б. 26.
26. Мўминов С. М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. – Тошкент, 2000. – Б. 27–30.
27. Ван Дейк Т. А. Язык. Познания. Коммуникация. – М., 2000. – С. 24.
28. Изоҳли луғатларда “стратегия” атамасига уруш олиб бориш ва раҳбарлик қилиш санъати ҳамда илми деб таъриф берилган. https://ru.wikipedia.org/wiki/стратегия
29. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. 2016й.
30. Ван Дейк Т. А. Язык. Познания. Коммуникация. – М., 2000. – С. 26.
31. Дала ёзувлари. Ғиждувон тумани. 2016й.
32. Дала ёзувлари. Шовот тумани. 2017й.
33. Русча-ўзбекча луғат. 2-том. – Тошкент: Бош редакция, 1983. – Б. 445.
34. Конт О. Дух позитивной философии. Классика отечественной и зарубежной этнологии и социокультурной антропологии. – Москва: Директ-Медиа, 2002. М.: Издательство: Директ-Медиа. – 201 с.; Дюркгейм Э. Элементарные формы религиозной жизни. Тотемическая система в Австралии. – М.: Элементарные формы, 2018. – 808 с.
35. Когнитив – лотинча “cognitio” – билим, изланиш дегани. Этнологиянинг когнитив таҳлил методида мулоқот маданиятидаги хулқ-атвор нормалари ва ижтимоий муносабатларда кузатиладиган билим ҳамда изланишларнинг акс этиши, ривожланиш ва пасайиш динамикаси таҳлил қилинади. https://ru.wiktionary.org/wiki/%/когнитивный

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:159.9(575.1)

Алишер НАСИМОВ,
Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси
E-mail: a.nasimov76@mail.ru

ТДШУ профессори, т.ф.д А.Х. Дониёров тақризи асосида

STUDY OF TRADITIONAL CLOTHING OF RESIDENTS OF THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN

Abstract

Clothing is inextricably linked with the history of the Uzbek people, it is characterized by ethnic characteristics that reflect the national identity of peoples within the framework of material and cultural monuments. It is known that aspects characteristic of one ethnic group are expressed in clothing, and it is this aspect that serves to distinguish this ethnic group from other peoples, to differentiate it, to show its identity.

Key words: Kashkadarya and Surkhandarya, southern oasis, ethnos, traditional, material culture, tradition, ritual, national, clothing, jewelry, fabric, decoration, dress.

ИЗУЧЕНИЕ ТРАДИЦИОННОЙ ОДЕЖДЫ ЖИТЕЛЕЙ ЮЖНЫХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

Одежда неразрывно связана с историей узбекского народа, для нее характерны этнические признаки, отражающие национальную самобытность народов в рамках материальных и культурных памятников. Известно, что в одежде выражаются аспекты, характерные для одного этноса, и именно этот аспект служит для того, чтобы отличить этот этнос от других народов, разграничить его, показать его самобытность.

Ключевые слова: Кашкадарья и Сурхандарья, южный оазис, этнос, традиционный, материальная культура, традиция, ритуал, национальный, одежда, украшения, ткань, украшение, платье.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНАВИЙ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Кийим-кечаклар ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, у моддий-маданий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб, этник белгилари билан ажралиб туради. Маълумки, кийимларда бирор-бир этносга хос жиҳатлар ифодаланади ва айнан шу жиҳат бу этносни бошқа халқлардан фарқлашга, чегаралашга, ўзлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Қашқадарё ва Сурхондарё, жанубий воҳа, этнос, анъанавий, моддий маданият, урф-одат, маросим, миллий, кийим – кечак, тақинчоқ, мато, безак, либос.

Кириш. Кийим-кечакларни ўрганиш орқали ўша даврга хос бўлган кўплаб ижтимоий-иқтисодий жиҳатларни аниқлаш имкони юзага келади. XIX-XX асрларда Туркистонда фотоаппаратнинг пайдо бўлиши муҳим ҳодиса бўлиб, кўплаб далилий маълумотларни айнан шу фотосуратларга қараб тиклаш мумкин. Фоторассом С.Дудин Ўрта Осиё халқлари бўйича этнографик характердаги коллекцияларни биринчи бўлиб махсус равишда тўплаган. У 1900 йиллардан бошлаб то 1908 йилгача деярли ҳар йили Туркистон ўлкаси бўйлаб сафар қилади ҳамда бошқа шаҳарлар қатори Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларидан ҳам жуда бой материал тўплайди. Лекин, бунгача ҳам шахсан Туркистон генерал-губернаторлари ёрдами билан 32 марта Бутунроссия, Туркистон ва жаҳон кўргазмалари уюштирилиб, шу баҳонада император саройлари, марказий музейлар учун жуда ноёб буюмлар танлаб олинар эди. 1869-1914 йилларда мана шундай кўргазмалар ташкил этилди. Албатта, бу каби йиғинлар Туркистон мустамлакачи маъмурлари тайзиқи остида мажбуран амалга оширилар эди. Ушбу кўргазмаларда Бухоро амири хазинаси буюмлари учун кўп жой ажратилар, кўргазма ёпилиши билан барча мазкур нодир буюмлар Москва ёки Петербургга, император хазинасига ёки музей жамғарма фондига жўнатилган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг анъанавий кийим-кечаклари ва тақинчоқлари тўғрисида совет даврида яҳлит тадқиқот ўтказилмаган бўлсада, Ўрта Осиёга хос умумий мазмунда ёки фрагментар маълумотлар тўпланган. Масалан, XIX асрда яратилган баъзи манбалар, хусусан, А.Вамбери, Е.Мейендорф, А.Хорошхин, А.Бёрнс, Н.Хаников ва бошқаларнинг ишларида бу ҳақида қисқа маълумотларни учратиш мумкин [1]. Аммо совет даврининг илк йилларида бу тўғрисида аввалдан маълум билимлардан фарқли янги материаллар деярли учрамайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. XX асрнинг 50-60-йилларида ўзбек халқининг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида янги давр бошланди. Бу ўринда элшунос олима О.А.Сухареванинг тадқиқотларини алоҳида айтиб ўтиш мумкин [2]. Олиманинг «Вопросы изучения костюма Средней Азии» асарида минтақада яшовчи халқлар кийимлари ҳақидаги маълумотлар тўпланган бўлиб, улар орасида жанубий воҳа аҳолиси кийимлари тўғрисида ҳам маълумот учратиш мумкин [3]. Унинг бош кийим, уст кийим, тақинчоқлар бўйича билдирган фикрлари, уларни тайёрлаш жараёни, матоси, бичими ва бошқа жиҳатларини ёритиб берган қимматли бўлиб, бошқа даврга нисбатан қиёсий ўрганишда фойдали ҳисобланади.

Ҳ.Исмоилов ишида ўзбек халқи, хусусан жанубий воҳалар кийим-кечаклари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган мато турлари, тайёрлаш усуллари, бичими, тақинчоқлари, кийим-кечак безакларининг тўғрисида маълумот берилган [4]. Шу билан бирга академик К.Шониёзов ва Ҳ.Исмоилов ҳаммуаллифлигида ёзилган «Этнографические очерки материальной культуры узбеков» номли китобида ҳам алоҳида боб ушбу

муаммога бағишланган [5]. Таъкидлаб ўтиш керакки, олимнинг бу ишлари жанубий воҳа аҳолиси моддий маданиятини махсус ўрганиш мақсадида ёзилмаган. Шундай бўлсада, китобда жанубий воҳалар аҳолиси этнографиясига оид қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари кийим-кечакларига доир ашёвий манбалар Сурхондарё вилоят музейи жамғармаларида ҳам учратиш мумкин. Бу эскпонатлар 1949-1955 йилларда Термиз шаҳрига В.С.Симонова ва бошқалар томонидан уюштирилган илмий сафар вақтида тўпланган.

Тадқиқотчилар М.Ибрагимова ва С.Давлатова жанубий минтақага хос кийим-кечаклар ва тақинчоқлар, улар билан боғлиқ турли урф-одат ҳамда ирим-сиримларни махсус тадқиқ этган [6]. М.Ибрагимованинг ишида Сурхондарё воҳаси аҳолисининг кийим-кечаклари ва тақинчоқлари, уларнинг бичилиши, тикилиши ҳамда сақланишини, шунингдек, эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари билан боғлиқ урф-одатлар, ирим-сиримларни ҳам тадқиқ этилган. Эътиборли жиҳати, ишда аёлларнинг пардоз-андоз машғулотлари ва пардоз ашёлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

С.Давлатова Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг XIX аср охири – XX асрдаги миллий кийимларининг ўзариб боришини тадқиқ этган [7]. У аёлларнинг анъанавий устки кийимлари ҳар бир ҳудуд, ҳар бир халқда ўзига хос безак ва нақшлари билан ажралиб турса-да, улар бутун Ўзбекистон бўйича бир хил бичимда, яъни тўғри, кенг ва узун қилиб бичилиши билан ажралиб турганини таъкидлаб, турли вилоятларда (Қашқадарё халати Тошкентда – пешво, мурсак; Хоразмда – мисак; Самарқандда – мунисак, калтача; Фарғонада – мунисак, мунсак; Бухорода – калтача) турлича номланишини таҳлил қилади. Тадқиқотчи ўз илмий иши доирасида этнографик, археологик ва тилшуносликка оид адабиётлардан фойдаланиб, Қашқадарё воҳаси аҳолиси кийим-кечакларининг матолари, таёрлаш усуллари, тақинчоқлар ва уларнинг таснифи, маросим кийимлари ва улар билан боғлиқ анъана ва урф-одатларини атрофлича ёритиб берган. Тадқиқотчи томонидан турли ҳудудлар кесимида қиёсий таҳлил амалга оширилгани ишнинг аҳамиятини оширган.

Тадқиқотчи Н.Содиқованинг асарида [8] ҳам жанубий воҳа кийим-кечакларининг тарихига доир қимматли маълумотлар мавжуд. Олиманинг мазкур ишида ўзбек кийимларининг тарихи, кийим матолари, аёллар, эркаклар ва болаларнинг кундалик ва маросим кийимлари, уларнинг замонага мос равишда ўзгариб бориши ҳақида маълумотлар келтирилади. Китобнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, жанубий воҳа аҳолиси кийимлари ҳақидаги маълумотлар қаторида уларнинг расмли иллюстрациялари берилганидир. Яъни, тадқиқотчи воҳага оид кийим-кечакларнинг XX асрдаги ҳолатини дала тадқиқоти материаллари асосида аниқ кўрсатиб бера олган.

Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари, ҳудудга хос моддий ва маънавий маданият, айниқса воҳа аҳолиси либослари бўйича туркум мақолалари ёзган С. Турсунов ва Н. Турсуновларнинг илмий изланишлари эътиборга молик [9]. Уларнинг изланишларида Жанубий Сурхон воҳасининг ўтроқ ва чорвадор аҳолиси кийим-кечаклари, ишлатилган матолари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинган.

Элшунос Н.Турсунов ўз илмий изланишларида дала тадқиқотлари ва ёзма манбаларга таяниб Жанубий Сурхон воҳасининг маросим либослари ҳақида маълумотлар келтирган. Олиб борилган этнографик тадқиқотларига асосланиб, XIX аср охири ва XX аср бошларида минтақада яшаган турли этносларнинг анъанавий кийимлари, тақинчоқлари, безаклари, улар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, ирим-сиримлар бир – бирига ўхшаш, умумий негизга эга бўлган ёки фарқли кўринишга эга бўлганлигини таъкидлайди [10].

Таҳлил ва натижалар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларини этнографик жиҳатдан кенг кўламда тадқиқ қилиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Тадқиқотлар умумийликдан хусусийликка томон ўзгарди. Катта ҳудудий тадқиқотлар, кичик минтақавий тадқиқотларга айлана бошлади. Мустақиллик йилларида И.Жабборов ўзбек халқининг этнографиясига бағишланган китобида Шаҳрисабзда ип газламаларга турли нақшлар берадиган уста (читгар)лар кўп бўлганлиги, Шаҳрисабз дўпписи кўп рангли гиламга ўхшаш услубда, “бир тўп гулдек” тўқилганлиги ҳақида маълумот беради. Элшунос китобнинг махсус бўлимини ўзбек халқи моддий маданиятини ўрганишга бағишлайди. Ушбу бўлимда Ўзбекистоннинг жанубий воҳаси аҳолисининг анъанавий кийим-кечаклари ва тақинчоқлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган [11].

Олимнинг «Жаҳон халқлари этнологияси асослари» номли дарслигида Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, хўжалик тарзи, турар жойлари қаторида, уларнинг миллий кийим-кечакларига ҳам ўрин ажратилган [12]. Албатта, бу маълумотлар кўпроқ умумий контекстда берилган, лекин қиёсий ўрганиш учун фойдали ҳисобланади.

Элшунос А.Ашировнинг монографиясида ҳам жанубий ҳудудларга хос маросим кийимлари ва тақинчоқлар ҳақида маълумотлар келтирилган [13]. Бу маълумотлар, монографиянинг номидан келиб чиққан ҳолда, асосан маросимий кийим-кечакларга урғу берган ҳолда ёритилган, аммо, маросимий кийимлар ҳам халқнинг йиллар давомида сақланиб келган урф-одат ва анъаналарини кўрсатиб берувчи муҳим белгилардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бу монографияда келтирилган маълумотлар қимматлидир.

Ўзбек халқини моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда академик К.Шониёзовнинг асарлари ўрни муҳимдир. Мисол учун, академикнинг «Қарлуқ давлати ва қарлуқлар» монографиясида қарлуқлар яшаган ҳудудларнинг анъанавий машғулоти, деҳқончилиги ва чорвачилиги, ҳунармандчилиги, бундан ташқари, аҳолининг кийим-кечаклари ва тақинчоқлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган [14]. Ишнинг мазумнидан кўринадики, қарлуқлар даврида устки кийимлар асосан жун иплардан тўқилган матолардан тикилган. Юқори табақадаги (хоқон, хон, бек ва бошқ.) кишиларнинг кийимлари кўп ҳолатда ипакли матолардан тикилган. Ипак матолар Мовароуннаҳрга Шарқий Туркистон орқали Хитойдан келтирилган. Бу маълумотлардан шуни англаш мумкинки, кийим-кечаклар қадимдан аҳолининг турли ижтимоий табақаларини кўрсатиб берувчи, уларни даражаларга ажратувчи белгилардан бири ҳисобланган.

Академик К.Шониёзов ва Ҳ.Исмоилов ҳаммуаллифлигида ёзилган «Этнографические очерки материальной культуры узбеков» номли китобда Қашқадарё воҳаси аёлларининг кийимлари этнографик жиҳатдан таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига асосан, воҳа аёллари кийимлари йил фаслларига қараб: қишки, баҳорги, ёзги, кузги кийимларга; қайси ҳолатда кийилишига кўра: кундалик, байрам ва маросим кийимларига; тананинг қайси қисмига кийилишига қараб: ички, устки, бош ва оёқ кийимларига бўлингани қайд этилган.

Бундан ташқари, воҳа аёллари кийимига қараб ёшини, ижтимой мавқейини, оиладага ўрнини аниқлаш мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Элшунослар томнонидан яна шу ҳолат аниқландики, аёллар кийимлари ўтган давр мобайнида гарчи сиртдан қараганда, шаклан ўзгармаган ҳолда кўринса-да, лекин, бичими ва кийим учун ишлатиладиган матоларда жиддий ўзгаришларга

учраган. Бу ҳолат нафақат жанубий воҳа аёллари кийимларида, балки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд кийим-кечакларида ҳам кузатилганини айтиб ўзтиш мумкин.

Н.Лобачёва «О некоторых чертах региональной общности в традиционном костюме народов Средней Азии и Казахстана» номли китобида Қашқадарё воҳаси аёллар либослари ҳам, умумўзбек либослари каби, асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келганлигини, унинг шаклланиш жараёнига халқнинг турмуш тарзи ва ижтимоий шароити ҳамда қўшни ёки олисдаги халқлар билан ўзаро алоқалари муайян таъсир кўрсатганини айтади. Бундай ўзгаришлар аёллар миллий либосининг умумий кўриниши (янги элементларнинг киритилиши) ёки унинг турли қисмларида (мато бичими, безаклари) чуқур из қолдирган. Умуман олганда, XX аср бошларида Марказий Осиё халқларида бўлгани сингари воҳада ҳам аёллар кийимларидаги умумийлик уларнинг кенг, узун, тўғри бичими ва содда кўринишга эгалиги билан изоҳланишини таъкидлайди [15].

Жануб аҳолисининг устки кийимлари ихчам, танага ёпишиб турадиган қилиб бичилган, бел чарм ёки махсус (ипдан, ип аралаш) тўқилан камар билан боғланган. Авом халқ кўпинча жунли тўқималардан тикилган устки кийимлар кийиб, белларини жун ипдан ингичка тўқилган қур ёки чибчилғай (қиррали қилиб тўқилган буюм) билан боғлаб юрган. Совуқ пайтларда жун ипдан тўқилган чакмон, астари юпқа кигиздан қилинган чайдам ва пўстин, ошланган теридан тикилган иссиқ иштон (дамбал) ва бошқалар кийилган. Тадқиқотчи томонидан билдирилган бу тарифлардан шу нарса аён бўладики, жанубий воҳа XX аср кийим-кечакларида жун ва жундан тайёрланган ипли матолар етакчилик қилган. Бу ҳолат воҳа аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ турмуш тарзи таъсирида йиллар давомида шаклланган. Совет даврида ҳудудга фабрикаларда ишлаб чиқарилган пахта толали матолар ҳам кириб келган, аммо кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли орасида жундан тикилган кийимлар етакчилигича сақланиб қолгани эътиборлидир.

Кийим-кечакларнинг аҳоли томонидан турли вазиятда кийилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам тадқиқ этилган. Мисол учун, Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўй маросимларини тадқиқ этган Г.Тошева, илмий ишида тўй маросимлари билан боғлиқ кийимлар ва сарпо тўғрисида маълумотларни келтиради [16]. Маълумотлар тавсифий характерда берилган бўлиб, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари маросимий кийимлари билан қиёсий ўрганишда фойдали ҳисобланади.

Рус тилида чоп этилган “Узбеки” китобида ҳам XIX аср охир ва XX асрда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида яшаган аҳолининг кийим-кечаклари ва тақинчоқлари ҳақида фотолавҳалар асосида маълумотлар келтирилади [17]. Бу маълумотлар асосан совет даврида тўпланган манбалардан олингани сабабли, юқорида санаб ўтилган баъзи тадқиқотчилар берган маълумотни фақатгина умумлаштиради. Ушбу китобни ёзиш ва янги маълумотлар билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудлари кесимида махсус дала экспедицияси ўтказилмаган.

Хулоса ва таклифлар. Минтақадаги турли этник гуруҳларнинг анъанавий кийимлари, тақинчоқлари, безаклари, улар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, ирим-сиримлар бир – бирига ўхшаш, умумий негизга эга бўлиши билан бирга ўзига хос кўринишга эга бўлганлиги аниқланди. Воҳага хос тадқиқотларда асосий эътибор халқ ҳунармандчилиги, анъанавий хўжалик, кийим-кечаклар ва улар билан боғлиқ урф-одатларга қаратилган бўлиб, тадқиқот ҳудудида истиқомат қилаётган этносларнинг бугунги кундаги ҳолати, улар ўртасидаги этнослараро жараёнлар, моддий ва маънавий турмушдаги трансформацион ўзгаришларга кам эътибор қилинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии (из Тегерана через туркменскую пустыню по восточному берегу к Каспийского море в Хиву, Бухару, и Самарканд. –М., 1867 - С.188; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1875. - С.169; Хорошхин А.Н. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 516–533; Борнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1849. Ч. III. – С. 368-380; Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб. 1843. - С. 299.
2. Сухарева О.А. Древние черты в головных уборах народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. –М., 1954. – Б. 299–353; Сухарева О.А. Опыт анализа покроев традиционной «туникообразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 77–102.
3. Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма Средней Азии // Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 3–13.
4. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари. -Т-: Фан. 1979. – 296 б.; Ўша муаллиф. Традиционная одежда арабов Кашкадарьинской обл. Узбекской ССР // Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 228–239.
5. Шаниязов К.Ш. Узбеки–карлуки. (историко этнографический очерк). –Т.: Наука, 1964. – С. 195.; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа: Историко-этнографическое исследование на примере кипчакского компонента. – Т., 1974. – С. 342.; Шаниязов К., Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начало XX в. Т.: Фан, 1981. – С. 124.
6. Ибрагимова М. Сурхондарё воҳаси аҳолиси кийим–кечаклари (XIX аср охири – XX аср бошлари).: Тарих фанлари номзоди … дис. – Т., 2002; Ўша муаллиф. Аёлларнинг анъанавий тақинчоқлари билан боғлиқ магик қарашлар (Сурхон воҳаси материаллари асосида). Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзРФА академиги К.Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Т., 2004. – Б. 172 – 177; Давлатова С. Қашқадарё воҳаси ўзбеклари анъанавий кийимларининг трансформацияси (XIX асрнинг ох.–XX аср).: Тарих фанлари номзоди … дис. – Т., 2006; Ўша муаллиф. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик Қашқадарё воҳаси ўзбеклари кийимлари (XIX асрнинг охири – XX аср). – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 178 б.
7. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик Қашқадарё воҳаси ўзбеклари кийимлари (XIX асрнинг охири –XX аср). – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 178 б.
8. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX –XX асрлар). – Т.: Шарқ, 2003. – 160 б.
9. Турсунов Н.Н. Либосларда акс этган ўзлик // Тафаккур, 2003. – Б. 120–121; Турсунов С., Турсунов Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Мозийдан садо, 2003. № 4. – Б. 70–74; Турсунов С., Турсунов Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2003. № 4. – Б. 57–60; Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари).: Тарих фанлари номзоди ... дис. – Т.,

2007.; Ўша муаллиф. Этнические особенности населения южносурханского оазиса (конец XIX – начало XX вв.).: Автореф. дис. …канд. ист. наук. – Т.: Термиз ГУ, 2007. – 32 с.
10. Турсунов Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари. (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тар.фан. ном. дисс... – Т.: Термиз ГУ, 2007. – Б. 102–103.
11. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
12. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2008. – Б. 126–144.
13. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т., 2007. – 276 б.
14. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Т.: Шарқ, 1999. – 192 б.
15. О некоторых чертах региональной общности в традиционном костюме народов Средней Азии и Казахстана // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – Б. 6.
16. Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари. Тарих фанлари номзоди … дис. – Т., 2002.
17. Арифханова З.Х., Абашин С.Н., Алимова Д.А. (отв. ред.) Узбеки. Институт этнологии и антропологии им. Н. Н. Миклухо-Маклая РАН; институт истории АН Республики Узбекистан. — М.: Наука, 2011. – 688 с.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:94(575.1)

Файзулла ОЧИЛДИЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти, т.ф.н

Тарих фанлари доктори, профессор Х. Юнусова тақризи асосида

TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH EUROPEAN COUNTRIES IN THE SECOND HALF OF THE 19TH CENTURY – THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Abstract

In this article, in the second half of the 19th century – the beginning of the 20th century, the Bukhara Emirate had trade relations with European countries such as England, Germany, France, and Italy. It is said that several trading houses and firms of European countries operate in the emirate. Foreign companies and trading houses mainly participated in the purchase of cotton, silk, tea, wool and black leather from the emirate.

Keywords: Tashkent, Samarkand, Bukhara and Ferghana, export to Europe, blackbuck skin.

ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА СО СТРАНАМИ ЕВРОПЫ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ 19 ВЕКА - НАЧАЛЕ 20 ВЕКА

Аннотация

В данной статье во второй половине 19 века – начале 20 века Бухарский эмират имел торговые отношения с такими европейскими странами, как Англия, Германия, Франция, Италия. Говорят, что в эмирате работает несколько торговых домов и фирм европейских стран. Иностранные компании и торговые дома в основном участвовали в закупке хлопка, шелка, чая, шерсти и черной кожи из эмирата.

Ключевые слова: Ташкент, Самарканд, Бухара и Фергана, экспорт в Европу, шкура черного козла.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ОЛИБ ОЛИБ БОРГАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

Аннотация

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги Европа давлатларидан Ангилия, Германия, Франция, Италия каби давлати билан ҳам савдо алоқалар олиб борган. Амирликда Европа мамлакатларининг бир қанча савдо уйи ва фирмалари фаолият олиб борди. Чет эл фирма ва савдо уйлари амирликдан, асосан, пахта, ипак, чой, жун ва қоракўл териларини сотиб олишда иштирок этган.

Калит сўзлар: Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Фарғона, Европага экспорт, қоракўл териси.

Кириш. 1883 йили Туркистон ва Бухоро амирлигига чет эл ширкатларининг вакили сифатида келган Г.Дюршмидт ўлкада қадрсиз бўлган ичакни сотиб олиш билан шуғулланган. Кейинчалик, у Самаркандда ичак заводи қурди. 1888-йилдан бошлаб унинг ширкати Туркистоннинг барча вилоятлари ва Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳам ўз фаолиятини олиб борд. 1890-йили Туркистонда иш бошлаган немис капиталисти Луи Зальм ўзининг рус савдогарларидан иборат вакиллари орқали Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Фарғона вилояти шаҳарларида уйлар, омборлар ва ичак заводларини ижарига олди. У ижарага олган жойларга 150 минг рубл сарфлаб, ичак тайёрлаш буйича катта иш бошлаганди. Дюршмидт ва Зальм ўртасида ичак заводларига эгалик қилиш учун рақобат қарийб уч йил давом этган. Натижада “Дюршмидт-Зальм ширкати” тузилиши билан якунланди. Биринчи жахон уруши арафасида “Дюршмидт-Зальм ширкати” ўлкада руйхатдан ўтган 19 та ичак тозалаш заводидан 15 тасини қўлга киритиб, шу соҳада барча рақибларини бозорлардан сиқиб чиқарди ва ичак тайёрлашда якка хукмрон бўлиб олди. Ширкат ичак ва бошқа қайта ишланган ҳом ашёни Ғарбий Европа ва АҚШ га сотиб юз минг рублдан ортиқ даромад қилган [1].

1890 йилларда амирликдан Европага экспорт қилинган қоракўл терисининг 75 фоизи Париж, Лондон, Лайпциг, Ню-Йорк шаҳарлари ва Канада давлати савдо фирмаларига сотилган. Қоракўл терисини Лейпциг шаҳрига етказишда немис фирмаларининг ўрни катта эди. Бухоро амирлигида ёғ заводларида ишлаб чиқарилган кунжаранинг деярли барчаси Германя давлатига экспорт қилинган. Маълумотларга кўра Бухоро амирлигида ишлаб чиқарилган 80 минг пуд кунжара Россиянинг Петроград, Ливов ва Батуми шаҳарлари орқали Германияга олиб кетилди.

Бу даврда Лейпциг шаҳри жаҳон миқиёсида терига ишлов бериш марказлардан бирига айланди. Гергард ва Гей немис фермаси асосан Бухоро амирлигида қоракўл тери савдоси билан шуғулланиб, савдогарларга қарз бериш ишларини амалга оширган [2]. Луй Зальм (рус фуқоралигини қабул қилган) Бухоро амирлигида Европа давлатларига тери, жун, пахта каби маҳсулотларни жўнатиш билан машҳур бўлган. У Бухоро ва бошқа хонликлардан йилига 6 вагон (650 пуд) ширинклар таёрлаш учун майдаланган ўсимлик илдизини Германияга экспорт қилган. Шунингдек, Бухоро амирлигида Германиянинг “Дюршмидт” фирмаси қоракўл териси ва пахта савдоси билан шуғулланиб келди [3].

1895 йил 1 январдан бошлаб, амирликнинг Россия божхона тизимига киритилиши билан Россия ҳукумати Европада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Бухоро амирлигига олиб киришни тақиқлади [4]. Лекин амирликнинг Россия божхона тизимига киритилиши, Европа саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Бухорога кириб келишини чеклай олмаган. XX аср бошларида 100 минг рублдан ортиғроқ турли хил маҳсулотлар олиб келинди. Янъни амирликга киритилган жами савдонинг 0,2 фоизини ташкил қилган. 1902 йилга келиб, қоракўл териси Европа бозорларига экспорт қилиш ҳажми 75 фоиздан 50 фоизга қисқарди [5].

- **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** XX аср бошларида бир қанча немис фирмалари Бухоро амирлигидан 100 минг дона қоракўл терисини Германия

ва бошқа Европа давлатларига олиб чиқганди. Бухоро амирлигида гиламлар қўлда тўқилиб, сифати жуда юқори бўлган. Шу сабабли Бухоро гиламларига хориж давлатларида талаб катта эди. И.А. Ремез XX аср бошларида амирликдан хориж мамлакатларга 10 минг пуд гилам экспорт қилинган бўлса шундан 75% яъни 7,5 минг пуди Европа бозорларига чиқарилганини, шунингдек, бир нечта немис фирмалари Бухоро амирлигидан 100 донага яқин сифатли гиламларни сотиб олинганлигини такидлайди [6].

1903 йилда Россия ва Европага 150 минг пуд гилам савдога чиқарилган бўлса, биринчи жаҳон уруши бошланишидан олдин 271,3 пуд гилам экспорт қилинди. Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган Каркидан тортиб Боссаги қишлоғигача бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли гилам тўқиш билан шиғулланган. Карки ва Чоржўй Бухоро амирлигида гилам тўқиш маркази ҳисобланган. Бу ерда тўқилган сифатли гиламлар Россия орқали Франция давлатига ҳам йирк ҳажмда олиб кетилган [7].

XX аср бошларида Бухоро амирлигидан Европа ва океан орти мамлакатларига 2 млн. 295 минг рубллик савдо моллари чиқарилди. Бу амирликдан четга чиқарилган экспорт ҳажмининг 6,5 фоизини ташкил қилганди. Жумладан 32 минг рубллик пахта ёғи, 32 минг рубллик кунжара, 450 минг рубллик жун, 100 минг рубллик қўй териси, 750 минг рубллик гиламлар, 600 минг рублик пилла ва ипак, 331 минг рубллик ширинлик тайёрлаш учун ўсимлик илдизлари экспорт қилинди. Бу даврда Бухоро амирлигидан Европа давлатларига савдо молларини экспорт қилиш сезиларли даражажда ўсди. Савдо моллари ичида қоракўл терисидан ташқари гилам ва ипакнинг экспорт ҳажми ошди. Европа давлатларидан эса Бухоро амирлигига импорт қилинган маҳсулотларнинг миқдори деярли ошмаганди.

Боботоғ пистаси ва Бухоро узумига Францияда талаб кучли бўлган. Масалан, Д.Н Логофет Шарқий Бухорода етиштирилган узум ва тоғлардан териб олинган писта йирик миқдорда Россия ва Францияга экспорт қилинганини ёзади. Бухоро амирлигидан Франциянинг саноати ривожланган Марсел шаҳрига асосан пилла ҳомашёси чиқарилган. Бухоронинг йирик савдогарларидан ҳисобланган Хикмат Кинос 50 вагон, Мирзо Муҳиддинов эса 40 вагон пиллани Марсель шаҳридаги саноат корхоналарига сотгани маълум. Шунингдек, Бухорода яшовчи йирик савдогарлардан саналган Мирзо Сирожиддин Хаким Марсельга шаҳрига пилла ҳомашёсини сотиш билан ном қозонганди [8].

- **Тадқиқот методологияси**. 1912 йилдан бошлаб Бухородаги пахта заводларида ишлаб чиқарилган пата ёғи ҳам Еврапа бозорларига чиқарила бошланди. 1913 йилда Бухоро амирлигидан 4 минг пуд пилла Европа мамлакатларига чиқарилди, шундан 3 минг пуд пилла Италиянинг Геную шаҳрига сотилди. Шунингдек, Бухоролик Сирожиддин Ҳаким ҳар йили йирк миқдордаги пиллани Италиянинг Милан шахрига сотгани тўғрисида маълумотлар берилган [9]. Бухоронинг ташқи савдо алоқаларида қўй ва туя жунларини (шерсть) сотиш ҳам муҳим ҳисобланган. Бухоро жунларининг сифати бир оз паст бўлишига қарамай ташқи бозорда савдоси харидоргир бўлган 1898 йили 158 минг пуд чиқарилган бўлса, 1915 йилда эса 271300 пуд жун экспорт қилинди [10].

Маълумотларга кўра “Reichardt Bro” инглиз фирмаси вакили Рейхард Бухоро амирлигидан 12 йил давомида жун сотиб олиш билан шуғулланган. Бу фирма йилига Бухоро амирлигидан 80-90 минг пуд миқдорда жун харид қилган. Шунингдек, инглиз фуқароси Эрнест Паркинсон ҳам Бухоро бозорларидан йирик миқдорда қўй жунини харид қилиб келган. Рус ва инглиз тадбиркорлари сотиб олинган жунни Бухоро, Чоржўй, Қарши ва бошқа шаҳарларда тозалаб кейин жойларга жўнатишган.

Европа фирма вакилларининг амирликда қоракўл териси ва жун савдоси билан шуғулланиши Бухоро ва рус фермаларига кучли рақобатни келтириб чиқарган. Европа фермаларининг қоракўл териси ва жунни тўғридан тўғри амирликдан сотиб олиши, Россия шаҳарларида Бухородан олиб борилган қоракўл териси ва жун нархининг тушиб кетишига сабаб бўлган. 1905 йилдан бошлаб Бухоро амири қоракўл териси сотиладиган бозорларда 20 та даллолик вазифасини жорий қилди, улар барча қоракўл савдосида воситачилик қилиб хориж фирма ва савдогорларидан қўшимча солиқларни йиғиб олиш билан шуғулланган [11]. Улар иштирокисиз Бухоро амирлигида қоракўл тери савдосини амалга ошириш тақиқланди. Шу тариқа, Бухоро савдогарлари ва рус фирма вакиллари келишиб қоракўл териси сотиладиган бозорга Европа фирмаларининг кириб келишига каттиқ қаршилик кўрсата бошлади.

Бухоро ва рус савдогарлари қоракўл терисини Европа фирмаларининг сотиб олишига тўсқинлик қилиши натижасида 1905 йилдан бошлаб Ғарбий Европа мамлакатларига катта миқдорда қоракўл териларини Россия фуқораси Луй Зальм олиб чиқа бошлади [12]. Бухоро ҳукумати қўшимча солиқ солиш орқали қоракўл терисини Европа давлатларига олиб кетишни бутунлай тўхтада олмади. Европа ферма ва савдогарлари Бухорода қоракўл савдосини амалга ошириш учун бошқа йўлларини ўйлаб топа бошладилар. Масалан “Торер” немис савдо уйи учун қоракўл савдосини Дюршмидт Воронов фирмасининг Бухоро бўлими орқали амалга ошира бошлади. Қоракўл савдосида Бухоро ҳукумати томонида қўйилган воситачилар (далол) сифати яхши териларни Бухоро савдогарларига сотмай қимматроқ нархларда Европа ёки рус савдогарларига сотишган. Натижада воситачилар билан Бухоро савдогарлари ўртасида келишмовчиликлар бўлиб турган [13].

Бухоро ва рус ҳукумати қаршиликларига қарамай Европа фирма вакиллари чекланган миқдорда бўлсада қоракўл тери савдоси билан шуғулланиб келди. Европа давлатларида амирликда етиштирилган қоракўл тери, пахта, ипак ва жун маҳсулотларига бўлган талаб юқори эди. Амирликдан бу каби маҳсулотларни анча арзон нарҳларда сотиб олиш мумкинлиги боис хориж фирма вакиллари ва савдогарлари кўпроқ амирликнинг ички ҳудудларига киришга интилди.

Бухоро амирлигида яшовчи тадбиркор ва савдогарлар Россиянинг Москва, Новгород, Рязань, Макарьевск бозорлари, ҳамда Европанинг Лион, Париж (Франция), Берлин, Лейпциг (Германия), Лондон (Англия) каби машҳур шаҳарларидаги савдо ярмаркаларида ҳам фаол иштирок этиб келган [14]. Бухоро амирлигининг Европа мамлакатлари билан олиб борган савдо алоқаларида хориж мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларининг (ярмаркалар) ўрни муҳим эди. Мисол учун 1873 йилда Венада, 1878 йилда Парижда, 1890 йилда Петербургда, 1882 ва 1900 йилда Москвада, ўтказилган кўргазмаларда Бухоро амирлигида етиштирилган маҳсулотлар (кўргазмага қовун тарвуз ҳам қўйилди) намойиш қилинган. Амирликда ишлаб чиқарилган савдо маҳсулотларнинг Европа мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилиши Бухоро амирлиги учун катта ахамиятга эга эди. Айниқса 1893 йилда Американинг Чикаго шаҳрида ташкил этилган кўргазма амирликнинг Европа давлатлари билан ўзаро савдо алоқаларни йўлга қўйишда катта аҳамият касп этган [15].

1900 йилда Франция пойтохи Париж шаҳрида ўтказилган кўргазмага Бухоро амирлигидан саньат буюмлари сифатида Бухоро гиламлари ҳам олиб борилган. Туркустон генерал-губернаторининг хотини В.

Духовская Бу кўргазмада иштирок этиб ўзининг тасуротларини ёзиб қолдирган. “Кўргазма залида Туркустон табиати, саньати ва унинг саноати намойиш қилинган, зал деворларни, Марв гиламлари безаб турибди. Бухоро гиламлари ўзининг нафислиги билан Ғарбий Европа аҳолисида катта қизиқиш ўйғотди деб таькидланган” [16].

- **Таҳлил ва натижалар.** XX аср бошларида Глазго (Шотландия) да, 1902-1903 йилларда Петербургда ўтказилган кўргазмаларда Бухоро амирлигидан олиб борилган қиммат баҳо тошлар намойиш қилинди. 1904 йили Сан-Луи (Америка) да, 1906 йил Милан (Италия) да ўтказилган кўргазма Бухоро амирлигини бутун дунёга тннитди. Бу кўргазмага Бухордан олиб борилган олтин суви юритилган матолар (олтин зарли ҳалатларнинг баҳоси 400 рўпий бўлган), ипак матолар, ёғочдан ишлаган буюмлар, гиламлар, палас ва қоракўл терилари қўйилган. 1914 йилда Петербургда халқ ҳўжалигига бағишланган кўргазм ташкил этилди, унда Бухоро амирлигида тайёрланган ҳунармадчилик буюмалари намойиш қилинди. Шунингдек, 1914 йилда Берлин, Лондон ва бошқа шаҳарларда ўтказилган кўргазмаларда амирликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди [17]. Бу кўргазмалар ҳам Бухоро амирлигини хоржий мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб боришда ўзининг ижобий натижасини берди.

- **Хулоса ва таклифлар.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги Европа давлатлари билан ҳам савдо алоқаларини амалга оширди. Амирликда Германия, Франция, Англия ва Италия давлатларининг фирма ва савдо уйлари хизмат кўрсатди. Улар пахта, ипак, чой, жун ва қоракўл териларини сотиб олишда фаол иштирок этиб келди. Россия империясининг Европа давлатлари саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Бухорога кириб келишини, жориж фирма ва савдо уйларининг амирликдан савдо молларни олиб чиқиб кетишини тақиқилашига қарамасдан, хориж фирма вакиллари ва савдогарлари Бухорога келиб, қоракўл териси, жун ва бошқа маҳсулотларини биринчи қўлдан сотиб олишга ҳаракат қилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми- XX аср бошларида Туркистонда саноат... Б 135.
2. Ўз МА, И – 3 - жамғарма, 1-рўйхат, 648-иш, 3-7-варақ.
3. Хотамов Н.Б. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии... С.250.
4. Тухтаметов Т. Россия и Бухарский эмират в начале XX века... С.135-136.
5. Азизов И. Ш. XIX аср сўнгги чораги–XX аср бошларида Бухоро амирлиги солиқ тизими...Б.16.
6. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. –Т. 1992.С. 65.
7. Логофет Д. И.На Границах Средней Азии. Русско-Афганская граница... С-124.
8. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке... С. 107.
9. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке... С. 108
10. Ўз МА, И – 1 - жамғарма, 12-рўйхат, 1915-иш, 2 - варақ.
11. Ўз МА, И – 2 - жамғарма, 1-рўйхат, 199-иш, 7-варақ .
12. Ўз МА, И – 3 - жамғарма, 1-рўйхат, 278-иш, 15-17-варақ .
13. Ўз МА, И – 3 - жамғарма, 2-рўйхат, 101-иш, 144-варақ.
14. Аманова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётида саноат корхоналарининг тутган ўрни... Б. 26.
15. Чабров Г.Н. Туркестан на всероссийских и всемирных выставках... С.48-49.
16. Духовская В. Туркестанские воспоминания. Спб. 1903. С.94
17. Чабров Г.Н. Туркестан на всероссийских и всемирных выставках...С.56.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

Munisa RAJABOVA,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti tayanch doktaranti
E-mail:samsmith99@gmail.ru

O‘zMU professori A.Ermetov taqrizi asosida

THE STATE OF HOUSING POLICY IN UZBEKISTAN

Abstract

This article discusses the state of housing policy in Uzbekistan. The author clarifies the problem on the basis of economic data and scientific sources, based on the available literature. He conducted a comparative analysis of existing approaches and theories on the state of housing policy in Uzbekistan.

Key words: Uzbekistan, housing construction, state policy, economy.

СОСТОЯНИЕ ЖИЛИЩНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В данной статье рассматривается состояние жилищной политики в Узбекистане. Автор уточняет проблему на основе экономических данных и научных источников, опираясь на доступную литературу. Он провел сравнительный анализ существующих подходов и теорий о состоянии жилищной политики в Узбекистане.

Ключевые слова: Узбекистан, жилищное строительство, государственная политика, экономика.

O’ZBEKISTONDA TURAR-JOY SIYOSATINING HOLATI

Annotasiya

Ushbu maqolada O’zbekistonda turar-joy siyosatining holati haqida so’z boradi. Muallif iqtisodiy ma’lumotlar hamda ilmiy manbalarga tayanib, mavjud adabiyotlar asosida muammoga aniqliklar kiritgan. O’zbekistonda turar-joy siyosatining holati bo’yicha mavjud o’ziga xos yondashuvlar va nazariyalarni qiyosiy tahlil etgan.

Kalit so’zlar: O’zbekiston, turar joy, davlat siyosati, xo’jalik.

Kirish. Aholini uy-joy bilan ta’minlash muammosi nafaqat O’zbekistonda, balki MDHning boshqa davlatlarida ham muhim ahamiyatga ega. Xususan, Rossiya Federatsiyasida aholini arzon uy-joy bilan ta’minlash uchun turli xil uy-joy dasturlari ishlab chiqilmoqda[3]. Binobarin, bu muammolar, ayniqsa, maqola yu. V. Chugunova ko’plab olimlar tomonidan jalb qilingan, arzon uy-joy qurilishi masalalari hali ham asosiy orasida ekanligini ta’kidladi. Shu munosabat bilan qurilishni moliyalashtirishning tashkiliy-huquqiy shakllarini takomillashtirish, shuningdek, kichik kompaniya kvartiralarini qurish orqali yosh oilalarni arzon uy-joy bilan ta’minlash masalalari ushbu sohada muhim o’rin tutadi[8].

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Uy-joy bilan ta’minlash muammosini o’rganish har bir davrda dolzarb ayamiyat kasb etgan. Sababi, uy-joy sohasi — davlat iqtisodiy qudratining bir qismi bo‘lib, uy-joy va muhandislik inshootlarini qurish, qayta qurish, asrash, saqlash, ta’mirlashni o‘z ichiga oladigan jarayondir. O‘zbekiston Respublikasi uy-joy bilan siyosatining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat: har bir fuqaro o‘z ehtiyojlari va imkoniyatlariga qarab uy-joy qurishi, uni mulk qilib olishi, ijaraga olishi mumkin bo‘lgan shart-sharoitlarni yaratish; uy-joy fondini rivojlantirish va asrash; uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo‘lganlar hisobida turuvchi fuqarolarga davlat munitsipal uy-joy fondidan uy-joy berish; fuqarolarning ijtimoiy jihatdan himoyalanmagan, kam ta’minlangan toifalarini O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadigan ro‘yxat bo‘yicha davlat aniq maqsadli kommunal-uy-joy fondi hisobidan uy-joy bilan ta’minlash, shuningdek ularga kommunal xizmatlarga haq to‘lash va uy-joydan foydalanishda kompensatsiyalar berish hisoblanadi. Shularga asosan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoevning saylovoldi Dasturida, shuningdek lavozimga kirishish chog‘idagi qasamyodida, Prezident sifatidagi faoliyatining dastlabki besh yilida e’lon qilgan farmonlarida, ayniqsa, «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi»da va 2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi»da ilgari surilgan yangi g‘oyalarni o’z ichiga oladi. Bular: – inson manfaatlari va qonun ustuvorligi, hokimiyatning xalq bilan bevosita muloqoti, «davlat idoralari xalqqa xizmat qilishi», uy-joy sohasida davlat boshqaruvi tuzilmalarining mas’uliyatini oshirish, adolatli sud tizimini yaratish, ta’sirchan jamoat nazorati mexanizmlarini vujudga keltirish va boshqalar.

Tadqiqot metodologiyasi. Uy-joy bilan ta’minlash muammosini hal qilish O’zbekiston shaharlari va aholi punktlari infratuzilmasining barcha elementlarini qurish va rivojlantirish hajmini sezilarli darajada oshirish zarurati bilan bog’liq bo’lib, uy-joy qurilishi tuzilmasini takomillashtirishning ilg’or yondashuvlaridan foydalanad [7]. Shu munosabat bilan tadqiqotning maqsadi O’zbekistonda uy-joy qurilishining optimal tuzilishini asoslash imkonini beradigan matematik usulni ishlab chiqishdan iborat.

Tahlil va natijalar. O’zbekiston aholisining yuqori o’sish sur’atlariga qaramasdan (mustaqillik yillarida o’sish 9,4 milliondan ortiq kishini tashkil etdi), aholining uy-joy bilan ta’minlanishidagi barqaror o’sish kuzatilmoqda. Agar 1991 - yilda bir kishiga 12.4 kv m bo’lgan bo’lsa, 2015-yil, bu ko’rsatkich 15.2 kv m yetdi, ya’ni 1,2 barobar oshdi[6].

2009-2015-yillarda O’zbekistonda jami 70,2 mln. kv. m uy-joy joriy etildi, shundan 51,2 mln. kv. m qishloq va 19 mln. kv. m. shaharga to’g’ri keladi. 2009 yildan boshlab so’nggi yillarda uy-joy kiritish hajmi barqaror ijobiy dinamikaga ega va 1,6 marta oshdi[9].

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2016-yil 21-oktabrdagi "2017-2021-yillarda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo’yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to’g’risida"gi qaroriga muvofiq[1] respublikada milliy mentalitet va qishloq joylarda yashash sharoitlarining o’ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda yangi namunaviy loyihalar bo’yicha qulay uy-joylar barpo

etilmoqda. Shuningdek, imtiyozli kreditlash uchun eng qulay shart-sharoitlar joriy etilmoqda va yangi turdagi energiya tejaydigan materiallar va asbob-uskunalardan foydalanishni yanada kengaytirish yo’lga qo’yilmoqda. Bularning barchasi yangi binolar narxini kamaytirishga xizmat qiladi, shuning uchun aholining barcha qatlamlari uchun maqbul narxlar belgilanadi.

Bu faqat 2009-2016 yillarda ta’kidlash lozim. qishloqda 1308 uy-joy massivlarida 9557-9573 ming kvadrat metr umumiy maydoni bilan 6957 qulay uy-joy qurildi. m. va uy-joy sharoitlari 83,5 mingdan ortiq qishloq oilalarini yaxshilandi[1].

Qishloqda uy-joy kirish dinamikasi barqaror sifatida xarakterlanadi. Uy-joy siyosatida asosiy e’tibor arxitektura-rejalashtirish qurilishining eng zamonaviy standartlariga javob beradigan va shaharlarda uy-joy sifati va qulayligidan kam bo’lmagan namunaviy loyihalar bo’yicha qishloq uy-joy qurilishiga qaratilgan. Faqat 2016 yilda 13000 ta kalit uylar qurildi [10].

Yangilangan namunaviy loyihalar bo’yicha qishloq joylarda arzon uy-joy qurish uchun yuqorida ko’rsatilgan dasturiga ko’ra, 2017 yilda 15000 uy-joy va kvartiralar qurish ko’zda tutilgan [1]

Qishloq joylarda uy-joy loyihalarini ishlab chiqishda shaharlarda loyihalash bilan taqqoslaganda o’ziga xos xususiyatlar va o’ziga xos xususiyatlar mavjud. Birinchidan, bu qaysi uy-joy majburiy amalga oshirish uchun mo’ljallangan hududida kompleks baholash bilan bog’liq. Bu yerda qishloq xo’jaligi ishlab chiqarishini tashkil etish, shuningdek, dehqon va fermer xo’jaliklarini joylashtirish diqqat bilan hisobga olinadi. Ikkinchidan, alohida e’tibor aholi, ish bilan ta’minlash, qo’shimcha ish o’rinlari yaratish, ijtimoiy infratuzilma tizimini tashkil hisoblash bilan hal qaratiladi[4].

O’zbekistonda uy-joy qurilishini, xususan, qishloq joylarda rivojlantirish uchun eng ko’p qulaylik yaratish rejimini yaratadigan zarur Qonunchilik-huquqiy baza, institutesional asoslar, imtiyoz va preferensiyalar tizimi shakllantirildi.

Umuman, O’zbekistonda uy-joy qurilishining milliy modeli quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanadi:

qishloq joylarda uy-joy qurilishini jadal rivojlantirish uzoq muddatli xususiyatdagi strategik ustuvor vazifadir;

mintaqaviy urf-odatlarda uy-joy qurilishiga yo’naltirilgan

aholining mentaliteti asosan o’z uylariga ega;

uy-joy fondida va yakka tartibdagi uy-joy qurilishi uy-joy qurilishi hajmlarida yuqori ulush;

uy-joyga bo’lgan talabning shakllanishiga demografik omil (aholi va yosh oilalarning o’sishi, uy xo’jaliklarining tarkibi va tarkibi)sezilarli ta’sir ko’rsatadi;

uy-joy qurilishini, birinchi navbatda, qishloqda barqaror rivojlantirish uchun keng ko’lamli imtiyoz va preferensiyalar tizimi.

Ayni paytda uy-joy muammosini hal etish yo’llarini topish, uy-joy qurilishini prognozlashtirish va mavjud uy-joy fondidan samarali foydalanish va uni rekonstruksiya qilish masalalariga katta e’tibor qaratilmoqda.

Biroq, amaliyot shuni ko’rsatadiki, uy-joy fondi tuzilmasini optimallashtirish, uy-joy qurilishi va bozor omillarining ta’siri hisobga olinmaydi. Bu turli xil oilalar va umumiy maydonlarning xavfsizligi, ayrimlarini qurishda kamchiliklar va boshqa turdagi kvartiralarning ortiqcha bo’lishi va shuning uchun uy-joy fondidan oqilona foydalanishga olib keladi.

Bu murakkab muammoni hal qilish uchun – uy – joy qurilishi optimal tuzilishi yaratish-uy-joy qurilishi jarayonini modellashtirish asosida mumkin. Modellashtirish nafaqat tashqi omillar prognozini ta’minlash bilan bog’liq (masalan, investitsiyalar hajmi), uy-joy qurilishi tarkibi va hajmini rivojlantirish traektoriyasini tavsiflash, balki ilmiy va texnologik taraqqiyot, investitsiyalar, narxlar va h. k. sohasidagi iqtisodiy siyosatni tanlash va asoslash bilan ham bog’liq.

Uy-joy qurilishi qarorlarining ta’siri kelajakda ishlab chiqarish o’tmishda va hozirgi vaqtda yaratilgan resurslarda ishlayotgan uzoq vaqt davomida ta’sir ko’rsatadi.

Bizning fikrimizcha, uy-joy qurilishida zamonaviy sharoitda investitsiya siklining davomiyligini hisobga olish juda muhimdir. Ushbu muammoning murakkabligi, kengligi va ko’p qirraliligi uni hal qilishning murakkab, tizimli yondashuvidan foydalanishni talab qiladi. Axborot-mantiqiy modellashtirish va iqtisodiy-matematik yondashuvlarni birlashtirish optimallash modelini ishlab chiqishga imkon beradi.

Uy-joy qurilishini rivojlantirishni modellashtirishda talablar va cheklovlarni, shuningdek, uy-joy talabini hisobga olgan holda qurilish ishlab chiqarishining uzoq muddatli tendentsiyalarini prognoz qilish muammolarini hal qilish kerak.

Prognozlash ko’p tomonlama bo’lishi kerak, bu esa optimallikning cheklovlari va mezonlarini hisobga olgan holda rivojlanishning turli usullari va imkoniyatlarini baholashga imkon beradi. Yuqoridagilarga qarab, iqtisodiy prognozlash usullari uy-joy fondining mavjud tuzilishini tavsiflovchi ma’lumotlarni statistik qayta ishlashga asoslanadi.

Bu o’zaro munosabatlar va munosabatlarning butun tizimini, istiqbolli rivojlanishning holati va qonunlari parametrlarining butun majmuasini yanada xolisona ochib berishga imkon beradi. Uy-joy qurilishini boshqarishning bozor munosabatlari sharoitida eng muhim iqtisodiy muammolaridan biri uning barqaror o’sishini rag’batlantiradigan omillarni kompleks o’rganishdir:

importga yetkazib berishga qaramlik omilini bartaraf etish maqsadida to’g’ridan-to’g’ri O’zbekistonda qurilish materiallari, ehtiyot qismlar, konstruksiyalar ishlab chiqarishni mahalliylashtirish dasturlarini amalga oshirish;

uy-joy qurilishini rivojlantirish ishida asosli ilgarilab borish maqsadida O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari qoidalarini to’liq hajmda amalga oshirish;

barcha o’zgarishlar, qimmat ob’ektlar, muhandislik kommunikatsiyalari va boshqalarni istisno qilish uchun barcha qurilish me’yorlari va qoidalariga rioya qilish.;

aholini qulay uy-joy va kvartiralar bilan ta’minlash maqsadida uy-joy qurilishi bozorida raqobat muhitini rivojlantirish;

investitsiya dasturlarini amalga oshirish muddati, moliyalashtirish hajmi o’zaro bog’liq bo’lgan hujjat sifatida amalga oshirish, shuningdek, investitsiya jarayonining barcha ishtirokchilari o’rtasidagi munosabatlar huquqiy nuqtai nazardan asoslangan.

Bugungi kunda mutaxassislar tomonidan qo’llaniladigan eng keng tarqalgan va sinovdan o’tgan usul axborot-mantiqiy modellashtirish asosida oddiy va kombinatsiyalashgan guruhlardir.

Ushbu usullarni qo’llashda ijobiy fikrlar bilan birga kamchiliklar ham mavjud. Masalan: ular har bir omilning ta’sirini aniqlashga imkon bermaydi. Shuning uchun biz ushbu tadqiqotda iqtisodiy va matematik usullar bilan qo’shimchani qo’lladik. Bu sifat-nazariy tahlilni miqdoriy jihatdan birlashtiradi. Shunday qilib, mintaqaviy qurilish kompleksining barcha tarmoqlarida, shu jumladan, uy-joy qurilishida sababchi aloqalarni aniq aks ettirish mumkin.

Optimallik mezonlarini asoslash uy-joy qurilishini rivojlantirish bo’yicha samarali echimlarni ishlab chiqishda muhim masala hisoblanadi:

uy-joy qurilishidagi asosiy vazifalarni aniqlash;

miqdoriy jihatdan eng muhim ko’rsatkichlarni tanlash;

asosiy vazifalardan ma’lum bir qurilish turi (g’isht yoki panel versiyasi), muayyan mintaqa (hududlarda

rivojlanishning o’ziga xos xususiyatlari), ma’lum bir uy-joy maydoni (minimal 1-2, maksimal 7) va boshqalarni aniqlash.;

hisob-kitoblarning soddaligi, barcha darajalarda va mintaqadagi barcha mutaxassislar uchun tushunarli bo’lishi;

jarayonni dinamikada aks ettirish.

uy-joy qurilishi tuzilmasini optimallashtirish bo’yicha asosiy yo’nalishlar.

Uy-joy qurilishi tuzilmasini shakllantirish yondashuvlari bozor munosabatlarining shakllanishi bilan bog’liq bo’lgan tashkiliy-iqtisodiy o’zgarishlarni hisobga olish kerak [1]:

1)barcha uy-joy qurilishi rejalashtirilgan ko’rsatkichlarga erishish emas, balki investitsiya jarayonining barcha ishtirokchilari bilan shartnoma munosabatlarini amalga oshirish sharoitida ishlaydi.

2) mahsulot narxi, shu jumladan.yakuniy, tayyor uy-joy shaklida bozor mexanizmlari ta’siri ostida shakllanadi.

3)shunday qilib, asosiy nuqta-talab va taklifning muvozanatidir uy-joy.

Yuqorida aytib o’tilganidek:

1) davlat sektorining ulushi keskin kamaydi;

2) nodavlat sektor hajmi oshdi, va, birinchi navbatda, yakka tartibdagi uy-joy quruvchilar hisobidan qurilish;

3)qurilish majmuasini boshqarishni yo’qotish, masalan, Toshkent shahrida bu Glavtashkentstroyni tugatishda o’z ifodasini topgan;

4)ma’muriy aralashuvning alohida elementlari mavjud bo’lsa-da, tartibga solish iqtisodiy usullar bilan amalga oshirildi;

5)ma’muriy aralashuv chegaralarini kamaytirish (shakl.3).

Shu bilan birga, uy-joy qurilishi tuzilmasining shakllanishi quyidagi yo’nalishlar bo’yicha amalga oshirilishi mumkin [7] (Ziyaev, Davletov, 2013):

I.uy-joy qurilishi tuzilmasining modelini ishlab chiqish, qurilish darajalari va vaqt oralig’ida ajratish.

II. Ko’p darajali modelni ishlab chiqish-bu shahar, viloyat, tuman, korxona darajasida modelni qo’llash imkoniyatini anglatadi.

III. Barcha noaniqliklar va xavflarni hisobga olish – birinchi navbatda investitsiya blokida, qurilish-montaj tashkilotlari va ishlab chiqarish-texnik baza korxonalari quvvatlarida, shuningdek, har xil turdagi uy-joylar uchun narxlarni ma’lum darajada belgilash.

IV. Uy-joy fondining strukturasini optimallashtirish, bu turli parametrlar bilan tavsiflanadi – xonadagi xonalar sonidan boshlab va uyning joylashgan hududiga qadar.

Bundan tashqari, potentsial uy-joy iste’molchilarini aniqlash uchun uning mavjudligi darajasini hisobga olish kerak, shuning uchun nafaqat uy-joy sotib olish uchun hech narsa sarflamasdan, balki davlat va turli tuzilmalardan qo’llab-quvvatlash uchun qancha yil ishlash kerakligini hisobga olish kerak.

Ushbu ikki yo’nalish mustaqildir. Agar birinchi holda bepul va imtiyozli asosda uy-joy ajratish muammosi hal etilsa, ikkinchi holda biz o’zimizning shaxsiy ishlab chiquvchilarimizni investitsiyalash haqida gapiramiz. Ammo ikkala holatda ham davlat tomonidan "yordam" mumkin. Agar birinchi variantda davlat o’zi investitsiya qilsa, shuningdek, turli xil kreditlarni jalb qilsa, ikkinchi holda ishlab chiquvchilar turli xil kredit imtiyozlaridan foydalanishlari mumkin, albatta, qaytariladigan asosda.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, iqtisodiy-matematik modellarni yaratish va maxsus matematik usullarni qo’llash orqali O’zbekistonda uy-joy qurilishining optimal tuzilmasining umumiy modelini yaratish, zamonaviy kompyuter dasturlaridan foydalanib, barcha hisob-kitob operatsiyalarini minimal vaqtga kamaytirish mumkin degan xulosaga kelish mumkin. Biz so’nggi iqtisodiy va matematik modellarga birinchi qadam bo’lgan axborot-mantiqiy simulyatsiyaga ega bo’lgan yondashuvlarimizni taklif qildik.

ADABIYOTLAR

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021-yillarda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo’yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to’g’risida" gi qarori / / Xalq so’zi. – 2016. – 25 oktyabr. – № 210
2. Uy-joylarning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligi va iste’mol sifatini aniqlash bo’yicha uslubiy Nizom. – Toshkent: taqi, 2013. – P. 24-25
3. Gareev I. F. Tatariston: aholining ehtiyojlariga qaratilgan uy-joy siyosati / / Rossiya tadbirkorligi. – 2011. – № 6-1. – c. 184-188.
4. Davletov I. X. qishloq joylarda aholini qulay uy-joy bilan ta’minlash darajasini oshirish // O’zbekiston qishloq xo’jaligi vazirligi. – 2012. – № 10. – P. 45-46
5. Davletov I. X. modernizatsiya qilinayotgan iqtisodiyotda uy-joy qurilishini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2012. – 200 c.
6. O’zbekiston uy-joy xo’jaligi (qisqacha ma’lumot). - Toshkent, 2014. – C. 10-11. – URL: www.unece.org
7. Ziyayev M. K., Davletov I. X. uy-joylarning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini baholash bo’yicha uslubiy yondashuv uning dizayn bosqichida // yu. B. Monfredning 100 yilligiga bag’ishlangan ilmiy o’qishlar: xalqaro konferensiya materiallari to’plami. O’tish: saytda harakatlanish, qidiruv – c. 45-49.
8. Chugunova yu. V. uy-joy muammosini hal qilishda investitsiya va qurilish yangiliklari / / Rossiya tadbirkorlik. – 2012. – № 23. – c. 104-108.
9. O’zbekistonda ijtimoiy rivojlanish va turmush darajasi: O’zbekiston Respublikasi davlat statistika qo’mitasining statistik to’plami. – 2016.
10. O’zbekistonda qurilish: O’zbekiston Respublikasi davlat statistika qo’mitasining statistik to’plami. – 2017.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

Нодира РАСУЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, т.ф.н
E-mail: nodira.sardarovna@gmail.com

ЎзМУ профессори т.ф.д., профессор Х.Э.Юнусова тақризи остида

СОВЕТ ДАВЛАТИ ИНҚИРОЗИ АРАФАСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация

Мақолада Совет давлати инқирози арафасида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, демократия куртакларининг шаклланишида “Қайта қуриш сиёсати”нинг ўрни, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиши, Коммунистик партиянинг етакчиликка асосланган ролининг пасайиши, XX асрнинг сўнгги йилларида турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиш мақсадида тузилган жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолияти, Совет Иттифоқида муқобиллик асосида ўтказилган илк сайловлар, СССР Конституциянинг 6-моддасини бекор қилиш жараёнлари тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Сиёсий партия, бирпартияли тизим, “халқ партияси”, қайта қуриш сиёсати, кўппартиявийлик, жамоат бирлашмалари, сиёсий ташкилотлар, қурултой, партия низоми ва дастури, Коммунистик партия, депутатлар.

НЕКОТОРЫЕ РАССУЖДЕНИЯ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ НАКАНУНЕ КРИЗИСА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА

Аннотация

На основе исторических источников в статье проанализировано общественно-политическая ситуация в Узбекистане накануне кризиса советского государства, роль «перестройки» в формировании ростков демократии, повышение общественно-политической активности населения, снижение руководящей роли Коммунистической партии, деятельность общественных объединений, политических партий и движений, сформировавшихся в последние годы XX века для представления интересов различных социальных групп, первые альтернативные выборы в Советском Союзе, процесс отмены статьи 6 Конституции СССР.

Ключевые слова: Политическая партия, однопартийная система, “народная партия”, политика перестройки, многопартийность, общественные объединение, съезд, устав и программа партии, Коммунистическая партия, депутаты.

SOME REFLECTIONS ON THE ACTIVITIES OF THE POLITICAL PARTY ON THE EVE OF THE CRISIS OF THE SOVIET STATE

Abstract

On the basis of historical sources, the article analyzes the socio-political situation in Uzbekistan on the eve of the crisis of the Soviet state, the role of "perestroika" in the formation of the germs of democracy, the increase in the socio-political activity of the population, the decline in the leadership role of the Communist Party, the activities of public associations, political parties and movements that have formed in the last years of the twentieth century to represent the interests of various social groups, the first alternative elections in the Soviet Union, the process of abolishing Article 6 of the Constitution of the USSR.

Key words: Political party, one-party system, "People's Party", perestroika policy, multi-party system, public associations, congress, charter and program of the party, Communist Party, deputies.

Кириш. Коммунистик партиянинг “бутун халқ манфаатларини ифодалаш”га уриниши, “халқ партияси” ниқоби остида сиёсий ҳокимиятни монополлаштириши оғир оқибатларга олиб келди. 1980-йиллар ўрталарига келиб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳада йиллар давомида тўпланиб келган муаммолар юзага чиқиб, ортга қайтариб бўлмайдиган мантиқий кетма-кетликдаги воқеа-ҳодисаларни бошлаб берди ва Совет Иттифоқи номли улкан империянинг парчаланишига хизмат қилди.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг вужудга келиш жараёни, кенг ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки қадамлари, ўз дастурий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш борасидаги амалий тадбирлари ғоявий-ташкилий мақсадларини амалга ошириш учун халқ оммасига кириб боришга қаратилган амалий фаолияти, ушбу жараёнларда вужудга келган муаммо ва зиддиятлар ҳар томонлама ўрганилиши ва таҳлил этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мавзуни тадқиқ қилишда бирламчи манбалар – сиёсий ташкилотлар стенограммалари, дастур ва низомлари, матбуот органлари (журналлари ва газеталари), партия етакчиларининг нутқлари ва асарлари; ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, шунингдек, республика ҳамда хорижда чоп этилган илмий адабиётлардан кенг фойдаланилди. Жумладан, танланган мавзуни ёритишда ва таҳлил қилишда М.Дюверже, А.Н.Сахаров, А.Н.Боханов, В.А.Шестаков, Л.Левитин, А.Абдунабиев, Э.Халилов, Р.Жумаев каби олимларнинг илмий тадқиқотларига мурожаат қилинди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада XX асрнинг 80–90-йилларида Собиқ Иттифоқ ҳудудида демократия куртакларининг шаклланиши, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиши, Коммунистик партиянинг етакчиликка асосланган ролининг пасайиши жараёнлари тарихий-хронологик, анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари орқали таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Узоқ йиллар давомида қатағон, таъқиб ва тазйиқлар остида якка ҳукмронликда ўз мавқеини сақлаб келган КПССнинг бир неча ўн йиллар давомида янги жамият қуриш борасидаги тажрибалари XX аср 80-йилларига келиб муваффақиятсизликка

учрашида иқтисодий омил муҳим роль ўйнади. Кучайиб кетган иқтисодий инқироз ўз навбатида советлар мамлакатида сиёсий инқирознинг ҳам кучайиб кетишига сабаб бўлди. 1985 йил 10 мартда КПСС МҚ сиёсий бюронинг энг ёш аъзоси М.С.Горбачевнинг КПСС МҚ Бош котиб бўлиши кўп жиҳатдан сиёсий бюрода кескин курашларга сабаб бўлмади. М.С.Горбачев 1985 йил апрель ойида “қайта қуриш” номини олган янги сиёсатни таклиф қилди.

“Қайта қуриш” бошланган вақтдан бошлаб унинг дастлабки мақсади, мазмуни бир неча бор ўзгарди. Албатта “қайта қуриш” сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум ижобий силжишларга олиб келди. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи жамоат бирлашмалари, жумладан, партия ва ҳаракатлар тузила бошланди. Бутун собиқ Иттифоқ бўйича ижтимоий-сиёсий бирлашмалар, ташкилотларнинг сони кескин кўпая борди ва 1990 йил охирига келиб 300 дан ортиб кетди [1]. Бироқ, “қайта қуриш” ҳукмрон элитанинг “теран, соғлом” фикрловчи қисми томонидан “социализм ва демократия”ни уйғунлаштириб, чириган совет тузумни сақлаб қолишга қаратилган сўнгги уриниш эди. “Қайта қуриш”нинг “меъмори” ва “усталари” назарида бошланган ислоҳотлар социализмнинг ленинча концепциясига қайтилиши, социализмнинг демократия билан бирлашуви эди. Дастлаб Горбачев мўлжаллаган маъмурий-ташкилий чоралар тартиб ва интизомни мустаҳкамлаши, энг муҳими “инсон омили”ни фаоллаштириши керак эди» [2].

Ушбу даврни мамлакатда (СССР) бирпартиявийлик тизими барҳам топиб, кўппартиявийлик тизимини шакллантиришга асос солинаётган давр эди деб айтиш мумкин. Зеро, 1988 йилда мамлакатда демократик шиорлар остида жуда кўплаб митинглар бўлиб ўтди, уларда Совет тузумини йўқ қилиш масаласи ҳам кўтарилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ягона партиянинг мамлакатда ҳукмронлик қилиши асосан тоталитар жамиятга хос хусусиятдир. Жамиятда битта партия ҳукмронлигининг ўрнатилиши пировардида ҳалокатли натижаларга олиб келишга ва энг аввало, демократиянинг издан чиқиши, бемаънилашувига, халқнинг ҳокимиятдан ва ҳокимиятнинг халқдан ялпи ажралиб қолиши юзага келади [3].

Маълумки, бир партияли тизим бутун жамият манфаатларига жавоб бермайди, аҳолининг баъзи қатламлари ҳуқуқларини поймол этади [4]. Бу тизим халқнинг, турли аҳоли қатламларининг манфаатларини эмас, балки давлат ҳокимиятини сақлаб қолишга интилиши билан ажралиб туради. Бир партиявийлик тизимда «партия» тушунчаси ўз маъносини йўқотади. Чунки у ягона ва ҳукмрон сиёсий ташкилот бўлиб қолади [5]. Шу билан бирга, демократик қоидалар амалда тадбиқ қилинмайдиган жамиятларда кўппартиявийлик мавжуд бўлса ҳам, улар ҳукмрон сиёсий ташкилотнинг бўлагига айланиб қолаверадилар.

Л.Левитин ҳам собиқ Иттифоқ давридаги партиявий тизим ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “айни маҳалда совет жамияти, тўғрисини айтганда, бир партияли эмас, балки партиясиз жамият эди. Совет Иттифоқида партия деб аталган ижтимоий ҳодиса, маълумки, меҳнат жамоалари ҳаётида катта роль ўйнаган кўплаб бошланғич партия ташкилотларидан ва улар устидан авторитар равишда буйруқбозлик қилган партаппаратдан иборат эди. Партия аппарати давлатчиликнинг бир қисми, айни маҳалда алоҳида қисми эди. Биринчидан, у бутун ҳокимият тизимининг ўзаги, қовурғаси эди. Иккинчидан, ҳокимиятнинг қолган барча ҳокимият устидан ҳукмронлик қилувчи қисми, яъни ҳокимият устидаги ҳокимият эди”[6].

1989 йил кузига келиб, дастлаб фитнага ўхшаган кўппартиявийлик ғояси жамиятнинг барча қатламларида тобора кўпроқ қўллаб-қувватланиб борди. 1990 йил бошида СССР Конституциянинг 6-моддасини бекор қилиш кайфияти оммавий тус олди. Мамлакатдаги жуда кўп фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб хатлар, талабномалар ёздилар. Жумладан, Воркута, Инта шаҳарлари Стачка қўмиталари номидан В.П.Лушников қатор сиёсий талаблар билан талабнома юборган: Улар қуйидагилардан иборат бўлди: чинакамига ҳокимиятни Советларга, ерни деҳқонларга, фабрикаларни ишчиларга бериш; СССР Олий Кенгашига жамоат ташкилотларидан бўлган сайловларни бекор қилиш; Конституцияда партиянинг бошқарувчи ва йўналтирувчи роли ҳақидаги моддани бекор қилиш; СССР Олий Кенгаши Раиси, маҳаллий Советлар раислари, Ички ишлар вазирлигининг вилоят, шаҳар бошлиқлари лавозимига альтернатив асосда тўғридан-тўғри, яширин сайловларни ўтказиш; СССР халқ депутатлари Съездларида, сессияларида овоз бериш йўли билан депутатларнинг сўзга чиқишдан маҳрум қилиш амалиётини бекор қилиш. Ҳар бир депутат кўпчилик фикридан қатъи назар сўзлаши ҳуқуқига эга [7].

1990 йилга келиб бутун совет давлати ҳудудида Россия социал-демократик партияси (1990 йил май); Социалистик партия (1990 йил июнь); Совет иттифоқи либерал-демократик партияси (1990 йил), Конституцион демократия партияси (1989 йил октябрь), Халқ озодлиги партияси (1990 йил май), Демократик иттифоқ (1988 йил май), Демократик партия (1989 йил ноябрь), Россия демократик партияси (1990 йил май) кабилар тузилиб, ўз фаолиятини бошлади [8]. Умуман, “собиқ КПСС инқирози пайтида ижтимоий-сиёсий диаграммадаги тиғиз фаоллик партиялар ва ҳаракатлар сонининг кўпайишига олиб келди. Биринчидан, жамият ёки ҳеч бўлмаганда аҳолининг катта социал гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг диққат марказига тушишига сабаб бўлди. Иккинчидан, мазкур партия ва ҳаракатлар, уларнинг алоҳида раҳбарлари ўз стратегик йўналиши ва тактикасига эга бўлдилар” [9].

Умуман, СССРда Коммунистик партиянинг «бутун халқ манфаатларини ифодалаш»га уриниши, «халқ партияси» ниқоби остида сиёсий ҳокимиятни монополлаштириши оғир оқибатларга олиб келди. 1980-йилларнинг иккинчи ярмида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳада йиллар давомида тўпланиб келган муаммолар юзага чиқиб, ортга қайтариб бўлмайдиган мантиқий кетма-кетликдаги воқеа-ҳодисаларни бошлаб берди ва Совет Иттифоқи номли улкан империянинг парчаланишига, бирпартияли тизимнинг инқирозига хизмат қилди. Бу жараённи чуқур ўрганган француз политологи М.Дюверже кейинчалик қуйидагича фикр билдирганда ҳақ эди: “бир партияли режим (тузум) – бу демократия доирасида қарор топган ҳокимиятнинг бутун технологиясини диктатура эҳтиёжлари учун мослаштиришдан бошқа нарса эмас” [10].

1989 йил 25 майда СССР Халқ депутатлари Кенгашининг биринчи съезди иш бошлади, у кўп жиҳатдан аввалги Олий Советдан фарқ қилди. Съезднинг “агрессив-итоаткор аксарияти”дан фарқли ўлароқ, регламентга зид равишда, қурултойда Минтақалараро депутатлик гуруҳи (МДГ) ҳам пайдо бўлди. Унинг етакчилари А.Д.Сахаров, Ю.Н.Афанасьев, Б.Н.Ельцин, Г.Х.Попов, А.А.Собчак, Г.В.Старовойтова каби сиёсатчилардан иборат бўлди. Қурултой иши якунига қадар унда 150 га яқин депутатлар бор эди. “Минтақалараро”чилар аниқ ислоҳотлар дастурига эга эмас эдилар, уларни бирлаштириб турадиган ягона нарса – бу КПССнинг мамлакатдаги ҳокимият монополиясини таъминлаб келаётган Конституциянинг моддасини бекор қилиш истаги эди [1].

СССР Асосий Қонунининг 6-моддасида бундай дейилади: “Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. Марксча-ленинча таълимот билан қуролланган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради” [11].

1989 йил декабрда “Гуманизм, тараққиёт, эркинлик, адолат, ижтимоий ҳимояланганлик, ҳамкорлик” шиори остида авторитар – бюрократик тузумдан демократик социализмга ўтиш вазифасини қўйган бир партиянинг диктатурасига барҳам беришни мақсад қилган “КПССда демократик платформа” номли гуруҳ ҳам тузилди [8]. Конституциянинг 6-моддасини ўзгартириш ёки бутунлай бекор қилиш масаласи СССР Халқ депутатлари съездида қўллаб-қувватланмагач, 1990 йилнинг 4 февралида Москвада 200 мингдан ортиқ киши қатнашган оммавий митинг бўлиб ўтди [12].

1990 йил март ойида чақирилган СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари III сеъзди ушбу моддани бекор қилди ва шу билан мамлакатда кўппартиявийлик тан олинди. Конституциянинг 6-моддаси эса қуйидаги матн билан ўзгартирилди: “Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бошқа сиёсий партиялар, шунингдек касаба уюшмалари, ёшлар, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар Совет давлати, давлат ва жамият ишларини бошқаришда халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари орқали ва бошқа шаклларда давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этадилар» [12].

1988–1990 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқелик, халқ миллий онгининг кескин равишда ўсиши жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириб юборди. Мазкур давр, айни пайтда жамият аъзоларининг руҳий биқиқликдан миллий ва анъанавий асосларга қайтиш даври сифатида ҳам изоҳланади [1]. 1988–1990-йиллар бўсағасида кўзга ташланган ижтимоий-сиёсий бирлашмалардан қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: «Бирлик», Ўзбекистон демократик ҳаракати, «Интерсоюз», «Эрк», «Тўмарис», Ўзбекистон озод ёшлари каби сиёсий ташкилотлари, Ижодкор зиёлиларнинг «Сайқал» демократик ҳаракати, Суверен Қорақалпоғистон ҳаракати, “Офтоби Сўғдиёна”, “Сурқаш”, “ФАН” каби маҳаллий йўналишдаги ҳаракатлар ва бошқалар [1].

1988 йилда Коммунистик партия сафига 438,9 минг киши аъзо бўлди, уларнинг ярми ишчилар эди. Коммунистлар сафи КПССнинг янги йўналишини тўғрилигига ишонган қайта қуришнинг фаол иштирокчилари билан тўлдирилди [14].

Маълумки, Иттифоқнинг энг юқори вакиллик ва қонунчилик органи СССР Олий совети тенг ҳуқуқли икки палата — Иттифоқ совети ва Миллатлар советидан иборат бўлган [15]. СССР Олий совети нафақат қонунчилик, балки қисман ижро этувчи ва назорат қилувчи ҳокимиятга эга бўлган. Ўзбекистон ССР Олий совети эса бир палатали бўлган. 1989 йил 20 октябрда Ўзбекистон ССРда Марказий сайлов комиссияси илк бор доимий ишловчи орган сифатида 5 йил муддатга шакллантирилди. Худди шу куни қабул қилинган “Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови ҳақида”ги қонун талаблари асосида 1990 йил февраль-апрель ойларида Ўзбекистон тарихида Ўзбекистон ССР Олий Советига кўп мандатли округлар бўйича тажриба сифатида биринчи марта сайловлар ўтказилди [16]. Бироқ яккапартиявийлик тизими шароитида бу янгилик расмиятчиликдан нарига ўтмади. Чунки бу сайловлар Олий Совет таркибини демократлаштирмади, аксинча, аввал ишлаб турган Олий Советга нисбатан депутатлар орасида ишчилар, колхозчилар, хотин-қизлар ва ёшлар сони камайиб кетди, аввалгидек, давлат ҳокимиятининг олий органи деярли мутлақ партия аъзоларидан бўлиб қолди, депутатларнинг қарийб 95 % ни коммунистлар ташкил қилди. Лекин бу сайловда кўпгина округлардан бирин-чи бор депутатлик мандатига бир нечтадан номзодлар даъвогарлик қилди [17].

1990 йил 21 февралда “Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида” Фармон қабул қилинди [13]. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг 12-чақириқ 1-сессияси “Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун қабул қилди. Худди шу куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди [18].

1990 йил 20 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети 12-чақириқ депутатлари 2-сессияда бир овоздан Мустақиллик Декларациясини қабул қилишди. Декларациянинг 11-моддасига кўра, “Ўзбекистон ССР Олий Шўроси умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга Қарор қилганини билдиради...” [19]. Ушбу ҳужжат республикамизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири эди.

1991 йил 28 август куни Ўзбекистон Компартияси МҚ ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленум Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатишга, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишга, унинг марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди. 1991 йил Россия Федерациясининг Президенти Б. Н. Ельцин фармони билан КПСС фаолияти Россия ҳудудида тўхтатилди ва партиянинг ташкилий тузилмалари тарқатиб юборилди. Ўзбекистонда ҳам КПССнинг шўъбаси тугатилиб, бирпартияли тизимнинг ҳукмронлигига барҳам берилди [20].

Хулосалар. Бир партиялилик ва ягона мафкура шароитида давлат ва партия аппаратининг бирлашиб кетиши ҳолатидаги партиянинг устуворлиги шароитида давлат тузилмаларининг партия кўрсатмаларини бажаришдан бош тортиш ҳолатларига умуман йўл қўйилмаган. “Қайта қуриш” сиёсати туфайли мамлакатда демократиянинг айрим элементлари намоён бўлди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида қатор ўзгаришлар юз берди. Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, XX асрнинг 80-90-йилларида турли сиёсий кучлар мамлакатдаги вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилдилар. Аслида ҳақиқий демократия сиёсатчиларнинг ҳақиқий сиёсат юргизиш санъатини эгаллашларида, бошқаларни тоқат билан тинглаш ва сўзлашларида, рақибини ҳурмат қилишларида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдунабиев А. Многопартийность – форма политической организации общества. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – С. 77.
2. Сахаров А.Н., Боханов А.Н., Шестаков В.А. История России с древнейших времен до наших дней. Учебник. – М.: Проспект, 2015. – С. 725.
3. Исломов З. М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.53.
4. Адилходжаева С. М. Роль политических партий в механизме демократии. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. – С.45.
5. Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи: дарслик / Масъул муҳаррир: проф. А.А.Азизхўжаев. - Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б.199.
6. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – Б.129-130.
7. Первая сессия Верховного Совета СССР. Бюллетень № 32. Совместного заседания Совета Союза и Совета Национальностей. 24 июля 1989 г. – М.: Издание Верховного Совета СССР, 1989. – С.13.
8. Известия ЦК КПСС. - №8, 1990. – С.129.
9. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.35-36.
10. Дюверже М. Политические партии / Пер. с франц. Академический Проект. – 2002. – С.318.
11. КПСС XXV съезди партиянинг ривожланиши қонуниятлари тўғрисида // Ўзбекистон коммунисти. – №3 (март). – 1978. – Б.74-75.
12. Отмена 6-й статьи Конституции СССР о руководящей роли КПСС. Справка // https://ria.ru/20100314/213855855.html
13. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). К.2. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 443.
14. О работе Центрального комитета КПСС (Информация за июнь 1989 г.) // Известие ЦК КПСС. – Москва: Издание Центрального комитета КПСС. – №7 (294) июль. 1989. – С.4.
15. Совет социалистик республикалари иттифоқининг Конституцияси (Асосий қонуни). – Т.: “Ўзбекистон”, 1977. – Б.31.
16. Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.– Б. 56-57.
17. Ражапова Р. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи (1917–1933 йиллар). – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б.342.
18. “Совет Ўзбекистони”, 1990 йил 25 март.
19. Мустақиллик Декларацияси // Совет Ўзбекистони. — 1990. — 22 июнь.
20. Қурбонов С.Ш. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси (Ташкил топиши ва фаолиятидан лавҳалар). – Т., 2001. – Б.55.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

UDK: 94(575.1)

Muhayyo ERGASHEVA,
Andijon davlat universitetining Pedagogika instituti
Iqtidorli talabalar ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etish bo'lim boshlig'i
E-mail:mukhayyo.ergasheva1988@gmail.com
Tarix fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) Xudayarov O’.J. taqrizi asosida

XX ASRNING DASTLABKI CHORAGIDA MAORIF SOHASIDAGI O’ZGARISHLAR VA AYOLLARNING SAVODSIZLIGINI TUGATISH MASALALARINI AVJ OLISHI

Annotatsiya

Maqolada sovet hokimiyatining dastlabki yillarida Turkiston o`lkasida ta’lim sohasidagi islohotlar, xotin-qizlarning savodsizligini tugatish borasida olib borilgan ishlarga to`xtalgan. Tadqiqotlarda arhiv materiallari va davriy nashrlari bayon etilgan. Sovet hokimiyatining dastlabki yillarida Turkiston-O’zbekiston hududida xotin-qizlar savodsizigini tugatish va ulardan o’qituvchilar tayyorlash masalasiga alohida e’tibor qaratilgan. Shu o`rinda, ushbu islohotlarni mahalliy xalq ongiga singdirish barobarida ko’plab qurbonlar berish evaziga savodsizlikni bosqichma-bosqich tugatishga erishilganligi aniqlandi.
**Kalit so`zlar:** Ta’lim, maorif, to`garak, xotin-qizlar, savodsizlik, maktab, internat.

ИЗМЕНЕНИЯ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ В ПЕРВОЙ ЧЕТВЕРТИ XX ВЕКА И ХОД РЕШЕНИЯ ВОПРОСОВ ЛИКВИДАЦИИ ЖЕНСКОЙ НЕГРАМОТНОСТИ

Аннотация

В статье рассмотрены реформы в области образования в первые годы Советской власти в Туркестанском крае, проведенная работа по ликвидации безграмотности женщин. В исследовании описываются архивные материалы и периодические издания. В первые годы Советской власти особое внимание уделялось вопросу ликвидации безграмотности женщин Туркестано-Узбекской области и подготовке их на педагогические должности. При этом было установлено, что постепенная ликвидация неграмотности была достигнута ценой многих жертв при внедрении этих реформ в сознание местного населения.
Ключевые слова: Образование, воспитание, кружок, женщины, неграмотность, школа, интернат.

CHANGES IN THE FIELD OF EDUCATION IN THE FIRST QUARTER OF THE 20TH CENTURY AND THE PROGRESS OF THE ISSUES OF ENDING THE ILLITERACY OF WOMEN

Abstract

In the article, the reforms in the field of education and the work carried out to end the illiteracy of women in Turkestan in the early years of Soviet power were discussed. Archival materials and periodicals are described in the research. In the early years of Soviet power, special attention was paid to the issue of ending the illiteracy of women in the Turkestan-Uzbekistan region and training them as teachers. At this point, it was found that the gradual elimination of illiteracy was achieved at the expense of many victims while instilling these reforms into the consciousness of the local people.
Key words: Education, education, circle, women, illiteracy, school, boarding school.

Kirish. Ma’lumki, jamiyat taraqqiyyotining negizi ilm – fan bilan uzviy bog`liq holda shakllanadi. Jumladan, bugungi kun ta’lim jarayoni va uning uslublari asosida ilm-fan taraqqiyotining rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Takidlash joizki, ta’lim, maorif, madaniyat o’ziga xos ko’rinishda aks etgan Turkiston o`lkasida XX asrning 20- 30-yillari yangi maorif shakllanish davriga asos solingan. Biroq, bu jarayon har bir davr uchun turli mashaqqatlar evaziga qo’lga kiritilganligini ko`rishimiz mumkin. Shu o`rinda, XX asrning 20-30- yillari ayni SSSR ning Turkiston o`lkasiga ma’naviy hujum davri desak mubolag`a bo’lmaydi. Chunki maorif sohasidagi tubdan islohot asrlar davomida diniy ta`lim bilan shakllangan musulmonlik arkonlari va arab imlosi asosida ilmiy muhiti Turkiston aholisi ongida turli qiyinchiliklar va milliy tafovvutlarni keltirib chiqargandir. Ushbu islohotlar dastlab 1842 yildan Buxoro amirligi maktabxonalarida rus tilining fan sifatida kiritilishi savdo va elchilik aloqalarini yangi bosqichga ko’tarishga yordam bergan bo’lsa, keyinchalik ta`lim sohasidagi katta o`zgarishlarga sabab bo’ldi [1]. Ular rus tili va mahalliy tillarda asosan o`zbek tilida savod o`rgatish jarayoni haqida boshlang’ich bilimga ega bo’lishgan.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Turkistonning barcha hududlarida 1921 yildan yangi usul maktablarini ochilishi aholining ijtimoiy hayotiga alohida ta’sir kuchiga ega bo`ldi. Turkiston aholisining an’anaviy qorixona va madrasalaridan farqli jihatda faqat o`g`il bolalar emas, qiz bolalar ham ta’limga keng jalb etilishi yangi usul maktablarining o’ziga xos xususiyatlaridan biri edi. Davriy nashrlarda “Mamlakatda grajdanlar urushi davom etayotgan va ochlik, vayrongarchilik qamrab olgan og`ir sharoitda 1919 –yil 22- dekabrda V.I. Leninning imzosi bilan “Savodsizlikni bitirish to`g`risidagi Dekreti” e’lon qilindi” deb yoziladi [11]. Dekretga binoan 8 yoshdan 50 yoshgacha bo`lgan aholini jinsidan qat’iy nazar o`qish va yozishni bilmagunga qadar savod o`rgatish va o`rganishi majbur etib belgilangan edi. Bu jarayonda ayollar masalasiga alohida e’ribor qaratilganligi qizlar maktabi faoliyatini faollashtirilganiga guvoh bo`lamiz. Birgina Xorazm okrugida 32394 nafar 9- 16 yosh bolalar maktab ta’limiga tortilib, ularning 14597 nafarini qizlar tashkil etgan. Hudud bo’yicha 16-49 yoshli aholi o`rtasida savodsizlikni tugatish masalasida 163889 nafar aholi o`qitilib, ularning 77725 nafari ayollar bo’lgan [2]. Hududning umumiy holatidan kelib chiqib dastlabki tashkil etilgan maktablarda savodsizlikka qarshi kurashish jarayonini tezlatish uchun 1920 yildan barcha hududlarda turli institut va universitetlar ochilish boshlangan edi. Shu yilning o`zida ularda 4000 ta o`qituvchi tayyorlandi. Ular rus tili va mahalliy tillarda asosan o`zbek tilida savod o`rgatish jarayoni haqida boshlang’ich bilimga ega bo’lishgan. Ayni o`sha davr so`zi bilan aytganda “xotin qizlarni chinakam erkinlikka chiqishi, yangi turmush tarziga o`tishi va huquqiy ongining shakllanishi kabi

bosqichlarni bosib o`tishi uchun albatta savodli bo`lishi zarur edi”. Komunistik partiya Dekret asosida amalga oshirgan faoliyati natijasida 1921-yilning o`zida Turkiston o`lkasida savodsizlikni tugatish borasida o`lka ayollari uchun 1000 ta to`garak faoliyati yo’lga qo’yilib, unda qariyb 50 ming ayol qatnashgan. Bu jarayon ayollar savodsizligini tugatish bilan birgalikda ularning ma’naviy ong qiyofasini, tarbiyaviy muhitini o`zgartirishga qaratilgan edi desak mubolag`a emas. Shu asosda 1922-yildan Turkiston hududida ushbu masala dolzarbligi keng tadbiq etilib, ilmiy-metodik nashrlarga asos solindi. Biroq, ayni shu davr nashlaridan birida ta’kidlanganidek, tashkil etilgan nashlarda bu jarayonni yoritishda hur fikrlilik va ochiq oshkoralik mavjud bo`lmasada, bu masala yashin tezligida milliy birlik, yohud inson psixologik qarashlariga ta’sir kuchi bilan amalga oshirilishi bir oz ayanchli kechganligi haqida ma’lumot keltiriladi.

Tadqiqot metodologiyasi. Zero barcha ma’naviy birlik jarayoni ma’rifat, ta’lim jarayoni bilan yoritilgan bo`lsada. Biroq, bu milliy ong darajasiga ta’sir kuchini yuqori darajada siquvi dastlab alohida-alohida maktablarda tahsil olgan o`gil-qizlar, bir oz muddatdan so`ng o`g`il bolalar va qiz bolalarning aralash maktablarda o`qish jarayoni aqida va milliy qarashlar singitib tarbiya etilgan mahalliy xalq bolalarining ruhiy olamiga ta’siri kuchli bo`lganligi sababli bu masalada shoshma-shosharlikka yo`l qo`ymaslik zarurligi ta’kidlangan [13].

Tahlil va natijalar. Savodsizlikga qarshi kurash Turkiston o`lkasida 1923-1924- yillarda siyosiy jarayon sifatida avj oldi. Bu davrda o`lkaning barcha hududlarida ayollar savodsizligini tugatish bo`yicha “Jen otdel” lar tashkil etilib, ular faoliyati bilan bo`gliq ravishda barcha hududlarda maktablar tashkil etilishi tezlashdi. Savodsizlik masalasi 1925 yil 17-20 yanvarida Markaziy Kommitet Plenumida batafsil muhokama etildi. Mahalliy partiya faollari, komsomollar faollari, “Qo`shchi” uyushmasi vakillari faollari bevosita qishloq hududlardagi ayollar savodsizligi yuzasidan har oyda olib borilgan ishlar hisobotini taqdim etilishi tasdiqlandi [3]. Bu jarayon butun Turkiston o`lkasini qamrab olgan bo`lsada, barcha hududlarda turlicha kechdi, ya’ni ba’zi hududlarda eski maktablar faoliyati aholi tomonida faol olib borilishi jarayoni yangi tuzum maktablari faoliyatiga ta’sir kuchini o`tkaza oldi. Barcha hududlarda TASSR ning tashkil etilgani tan olingandan so`ng avj oldi. Zero boshqaruvchi bo`lgan Rossiya hukumati uchun Turkiston o`lkasida Vaqf mulklari tasarrufida bo`lgan eski maktablardagi arab, eski o`zbek yozuvi asosida olib borilgan ta’lim – savodsizlik deb belgilangandi. Aholining siyosiy ongini o`stirish sababi bilan maydonga chiqqan yangi rus tuzem maktablarining faoliyati aholi ongidagi umummilliy qadryatlarni yemirilishi uchun bir vosita hisoblangan edi.

Shu sababga ko`ra keyingi yillarda hududdagi tashkil etilgan Jen otdellar faoliyati bevosita hududda tashkil etilgan maktablar faoliyatini nazorat qilish va o`quvchilarni o`quv jarayonini tashlab ketmasligi uchun barcha chora tadbirlarni ko`rish masalasi bilan bog`landi. Ular faoliyati natijasida maktablarda darsdan bo`sh vaqtlarda madaniy dam olish jarayonlari tashkil etilib, madaniy oqartuv ishlari keng yoyildi. Ya’ni ma’naviy tadbirlar namoyishi uyushtirildi, bu jarayon uchun davlat budjetidan alohida sarmoya ajratildi. Bu jarayonni arhiv ma’lumotlari asosida tahlil etganimizda 1925-1926-o`quv yilda Toshkent okrugida umumiy budjetning 24,2 % ta’lim sohasi deb ataluvchi savodsizlikni tugatish maktablariga ajratilgan bo`lib, ushbu mablag`ning 40 foizi madaniy tadbirlar tashkil etilishiga sarflanganini guvohi bo`lamiz [4]. Shuningdek 1926-1927 o’quv yilida savodsizlikni tugatish maktablari soni 155 taga yetib, ularda o`qiyotganlar soni esa 4605 kishi tashkil etgan [12]. Biroq ushbu yo`nalishdagi maktablar faoliyatida aholini qamrab olish barcha hududlarda bir hil faol hisoblanmadi, yani ayrim hududlarda biroz qiyin kechdi ochilgan maktablarda o`quvchi kontingentiga asoslanib tahlil etsak ayni “Hujum” harakati faoliyati bilan bog`liq tarzda 1928- 1929 o`quv yilida hududda 42 ta xotin-qizlar savodsizligini tugatishga mo`ljallangan yangi maktab ochilgan bo`lib, ularda qariyb 695 nafar o`quvchi savod o`rgangan. Bu har bir maktab o`quvchilarini o`rtacha hisobda 16 yoki 17 kishidan ekanligini anglatadi. Biroq ushbu jarayonni tezlik bilan bartaraf etishga kirishgan hududlar ham mavjud. Qo`qon shahar klubi qoshida ochilgan maktab va savodsizlikni tugatishga mo`ljallangan to`garaklar faoliyatida 1928 yilning o`zida 198 xotin qizlarga savod o`rgatildi. Xuddi shu yili Farg`ona okrugida 265 nafar xotin qizlar tashkil etilgan maktab ta’limini olib savodsizlik kursi bitirgan bo`lsa, ularning 100 nafari alfavitni o`rgatish huquqini qo`lga kiritdi [5]. Jamiyat hayotining muhim bo`lagi bo`lgan ayollar savodsizligini tugatish yo`lida alohida dasturlar ishlab chiqilib, amalga tadbiq etilganligi alohida ahamiyatga molikdir. Shu o`rinda Qo’qon o`lkashunoslik muzeyi fondida saqlanayotgan, aynan shu davrning siyosiy va ta’lim jarayonida qatnashgan, Qo`qon pedagogika bilim yurti direktori lavozimida faoliyat yuritayotgan davrda yozib qoldirgan xotira yozuvida Asqarova O`g`iloyxonning ma’lumotlariga e`tibor qaratish bilan ushbu davr muhitini to`g`ri baholash mumkin. Asqarova O’g`iloy 1913-yilda Qo`qon shahrida tug`ilib, 1921 yilda shaharda yangi ochilgan 5- sonli qizlar maktabida tahsil oladi. Uning xotira sahifalarida ta’kidlashicha: “Meni yangi ochilgan hukumat maktablarida o`qib ilm olishimga ba’zi yaqin qarndoshlarimiz, qo`ni-qo’shnilarimiz katta to`sqinlik qilishgan, shu paytda Farg`ona shahriga borib oliygohda o`qishim esa ba’zi qarndoshlarimizni biz bilan bordi – keldi munosabatlarini uzishlariga ham sabab bo`lgan. 1927 yil Farg’ona Pedagogika bilim yurti tayyorlov kursiga jo`natildim va 1930 yil Fargona pedagogika bilim yurtiga o`qishga qabul qilindim. 1934-yil oliygohni tamomlab, Komsomol tarkibiga qabul qilindim. Biz kolsomol tarkibida turli tadbirlar, kechalar, konsertlar uyushtirar edik, xotin-qizlar savodsizligini tugatish yuzasidan chekka qishloqlarda bepul to`garaklar tashkil etardik” deb xotirlaydi. Shuningdek, xotirada yozilishicha oliy ma’lumotli pedagoglar soni juda kam va mahalliy tilda aholiga savod o`rgatish jarayoni qiyin hisoblangan. Ba’zida esa tashkil etilgan to`garaklarda ikki yoki uch kishi qatnashi keltirilgan. 1928-1928 yillarda Asqarova O`g`iloy hamda uning dugonasi Muqaddasxon bilan birgalikda “Kabutarxona” va “Avval” qishloqlarida 30 nafar xotin qizlarni savodli qildilar [9]. Qishloqdagi savod o`rgatish jarayonining uyma - uy olib borilishida mahalliy aholi tomonidan turli to`sqinliklar mavjudligi uchun ularni kechasi qurolli soqchilar nazorat qilishgani ta’kidlanadi. Ushbu ma’lumotlarga tayanib savodsizlikni tugatish jarayoni barcha hududda bir hil yengil kechmaganini talqin etishimiz mumkin. Bu o`rinda, ba’zan mahalliy aholi orasida xotin-qizlar savodsizligini oshirib borish yuzasidan mitinglar, yig`ilishlar, turli uchrashuvlar tashkil etilib mavzuga oid ma’ruzalar tashkil etilganligini ko`rishimiz mumkin. Ma’ruzalar mahalliy tilda olib borilib, ayollarning siyosiy faolligi qanchalik zarur ekanligi, davriy nashr maqolalarining, mahalliy hokimiyat va markaziy hokimiyatning chaqiriq ma’nosidagi ma’ruzalaridan keng foydalanilgan. Bu jarayon ongli aholining siyosiy ongini oshirish va shu orqali ularning ish samaradorliklarini kuchaytirishga qaratilgan harakat edi.

Ta’lim jarayonida xotin – qizlar savodsizligini oshirishda markaziy hokimiyat xalq ta’limi bo`limi tomonidan, yangi maktablar qurilishi va maktablarning darslik o`quv qurollari bilan ta’minlanishiga, xatto o`qituvchilarning o`quv qo`llanmalariga ham alohida ahamiyat berilgan. 1924 yilga kelib maktablar faoliyati bir oz rivojlanish jarayoniga o`tdi, ya`ni 1923 yil may oyiga kelib TASSR da savodsizlikni tugatish uchun nafaqat maktab va to`garaklar balki, bir necha turdagi faoliyat ham rivojlantirildi (1-jadval). Shu bilan birga, vohadan tashqari hududlarda ya’ni vodiyda savodsizlikka

qarshi kurashish sohasi birmuncha farqli deb hisoblansa bo`ladi.

1-jadval

1924-yil Xorazm va Buxoroda mavjud ta’lim bilan bog`liq muassasalar haqida ma’lumot

№	Muassasa nomi	Xorazm hududidagi muassasa soni	Buxoro hududidagi muassasa soni
1.	Maktab	29 ta	69 ta (560 nafar o`quvchi)
2.	Internat	8 ta	13 ta
3.	Mahsus maktab	3 ta	3 ta
4.	O`qituvchilar uchun seminar	2 ta	
5.	Xalq universiteti	1 ta	
6.	Savodsizlikka qarshi kurash kurslari	10 ta	8 ta
7.	Kutubxona	10 ta	13 ta
8.	Teatr	3 ta	1 ta
9.	Muzey	1 ta	1 ta
10.	Musiqa maktabi		3 ta
11.	Pedagogikaga moslashgan institut		2 ta (520 ta talaba)

1924-yil arhiv manbalariga ko`ra, Toshkentda 409 ta, Farg`onada 354 ta, Samarqandda 219 ta yangi maktablar faoliyati mavjudligini izohlasak, ularda jami 79 ming o`quvchi o`qigan, o`quvchilarning 40% mahalliy aholi vakillari ekanligini ko`ramiz. Aynan savodsizlikni tugatish yo`lida maktablar 3 darajada hisoblangan. Ta’limga 7-8 yoshdan o`quvchilar qabul qilingan, biroq yosh hususiyati dastlab e’tiborga olinmagan [10]. Tashkil etilgan maktablarda savodsizlikka qarshi kurashish jarayonini tezlatish uchun 1920 yildan barcha hududlarda turli institut va universitetlar ochilish boshlangan edi. Shu yilning o`zida ularda 4000 ta o`qituvchi tayyorlandi. Ular rus tili va mahalliy tillarda asosan o`zbek tilida savod o`rgatish jarayoni haqida boshlang`ich bilimga ega bo`lishgan. Rossiya hukumati Turkiston aholisini savodsizligini tugatish masalasi uchun sarf etgan mablag`ini asosiy qismini bu hududda azaldan mavzud bo`lgan Vaqf mulklari daromadi hisobidan tashkil etdi. Biroq Vaqf mulki tasarufidagi eski maktablar faoliyatiga bosqichma-bosqich chek qo`yildi. Shu o`rinda, 1924 yil 1-apreldan Bosh vaqf boshqarmasining barcha yangi usul maktab madrasalari sovet maktabi dasturiga o`tkazildi. Maktablarda diniy bilimlarni berish to`liq to`xtatildi. Maktablablar o`qituvchilari mazkur savodsizlikni yo`qotish uchun tashkil etilgan kurslarda o`qib so’ng hududda o`quvchilarga savod o`rgatish bilan birgalikda UmumRossiya davlat mafkurasining kommunizm siyosatiga moslik qarashlari bilan o`qitila boshladi. Biroq dastlabki hududiy maktablar faoliyati faqat milliy davlatchilik asoslaridan qolgan vaqf mulklarining mablag`lari asosida moliyalashtirilashtigan. Bu jarayon Turkistonda keng yoyilgan milliy qarashlarga hos hususiyatdagi jadid maktablari faoliyati ham taziq ostiga olinib, tez sur`atlar bilan yopilmoqda edi. Qariyb 1921-yildan isloh etilib 1924 yildan davlat dasturi asosida o`qitilgan rus tuzem maktablarida asosiy e’tibor aynan xotin-qizlarni ta’limga jalb etish bilan ham alohida hususiyatli hisoblandi. TASSR Bosh vaqf boshqarmasining maktab shaxobchalari 1924 yil 1 sentabr holatiga hududidagi yangidan ochilgan maktablar soni va jalb etilgan o`quvchilar to`grisida ma’lumot keltirilgan [6].

2-jadval

TASSR Bosh vaqf boshqarmasining maktab shaxobchalarida yangidan ochilgan maktablar soni va jalb etilgan o`quvchilar to`grisida ma’lumot

№	O`quv yurtlar nomi	Maktablar soni	Sinflar soni	O`quvchilar soni	O`qituvchilar soni
1	1 bosqich maktablar	78	228	6888	303
2	2- bosqich maktablar	7	20	595	38 ½
3	Pedtexnikum	1	8	255	17
4	Internatlar	3	3	290	8 ½
5	Pedagogika kurslari	5	11	372	13 ½
6	Savodsizlikni bitirish maktablari	10	10	400	20
7	Kechki umumta’lim maktablari	1	2	72	3 ½
	Jami	105	282	8872	402

O`zbekiston hududida savodsizlikni tugatish masalasi avj olgan bu davrda Farg`ona, Andijon, Samarqand, Toshkent hududlarida 1- va 2- bosqich maktablarida dars berish uchun o`qituvchilar tayyorlash mahsus pedagogik kurslar tashkil etilgan. Markaziy byurodan hududdagi Bosh vaqf boshqarmasiga ta’lim jarayonini tashkil etish bilan birgalikda maktablarni tamirlash zarurati bor edi, hamda aholi zich joylarda yangi maktablar qurish ishlarini tashkil etish ham yuklatilgan edi. Shu asosga ko`ra tashkilot “1924 yili 18 ta moslashtirilgan sovet maktabi binosini tamirlab, 11 ta maktabni yangidan barpo etilgan” [7]. Tadqiqot tahlillari arxiv ma’lumotlariga asosan shuni ko`rsatadiki, Toshkent xalq ta’limi bo`limi 1925-1926 o`quv yili yakuni va 1926-1927 o`quv yili 1 – choragi uchun bergan yillik hisobotida “Toshkent viloyati xalq ta’limida mahsus ayollar ta’limi uchun alohida e’tibor qaratilgan bo`lib, 9 ta ayollar uchun mahsus maktablari mavjudligi keltirilgan. Ushbu maktabda hududning 925 ta o`quvchi qizlar sinf sistemasi asosida yosh hususiyatiga bo`lib o`qitilmoqda, bundan tashqari turli yoshdagi ayollar savodsizligini tugatish yuzasidan 20 ta savodsizlikni tugatish maktablari 481 nafar ayollar o`z savodlarini chiqargani haqida ma’lumot beriladi. Shu o`rinda, 1926-1927 o`quv yilining 1 - choragida uchun shunday ayollarning savodsizlikni tugatish maktablarini Toshkentning chekka hududlarida 8 ta tashkil etib ularga hududning jami 293 nafar xotin – qizlari jalb etilgan bo`lsa, Mirzacho`l rayonida 8 ta shunday maktablarda 297 nafar ayollar savod chiqarishi tashkillandi” [8]. Jarayonni tahlil etishda ayollar ta’limi hudud xalq ta’limi bo`limlarining alohida muhim vazifasi etib belgilangani, ulardagi faollik jarayonini zudlik bilan oshirish, davlat korxonalari,

umumiylashgan kolxoz yerlarida ishchilar ish samaradorligini oshirish bilan bevosita bog`liq ekanini anglash murakkab masala emas. Barcha aholining qatlamidan ushbu masalaga doir fikrlarni ijobiy tomonga burish uchun hududda mavjud “Qo`shchi” uyushmasi, “Kambag`allar uyushmasi” kabi bir necha uyushmalarga hukumat ta’sir kuchi o`tkazilgan.

Butun mamlakat hududida ayollar masalasi bilan shug`ullanuvchi “Ayollar bo`limi”larning (“jenotdel”) tashkil etilishi va ularning mahsus ish rejimlari asosida faol ayollarni targ`ibotchi sifatida faoliyati rag`batlantirilishi ham ushbu sohaning, ya’ni ayollarning faol qatlamini tez sur’atlar bilan oshib borishiga sabab bo`ldi. Savodsizlikni tugatishda ayollarga berilgan e’tibor turli kurslarda, to`garaklar faoliyatida, pedagogik salohiyatli ayollarni uyushgan jamiyatini ham muhim qanoti bo`lib hizmat qildi. Shu asosga ko`ra, ayollar savodsizligini tugatish va ularni jamiyatdagi faolligini oshirish jarayoni doimiy Davlat nazoratida bo`lib, bu vazifani xalq ta’limi tizimi va “Ayollar bo`limi”larning hamkorlik masalasi yuqori baxolangan.

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, sovet hokimiyatining dastlabki yillarida Turkiston-O’zbekiston hududida xotin-qizlar savodsizigini tugatish va ulardan o’qituvchilar tayyorlash masalasiga alohida e’tibor qaratilgan. To’garaklar faoliyatini yo’lga qo’yishdagi qiyinchiliklarga qaramasdan xalq orasidan faollar chiqdi. Ba’zan milliy madaniyatimizga nisbatan hurmatsizlik holatlari deb bilingan holatlarga ko`z yumildi. Shuningdek, bu islohotlarni mahalliy xalq ongiga singdirish barobarida ko`plab qurbonlar berish evaziga savodsizlikni bosqichma-bosqich tugatishga erishildi.

ADABIYOTLAR

1. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f 94, r 5, y 88, v 62 “Narodnogo obrazovaniya”
2. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f 94, r 5, y 88, v 30 “Narodnogo obrazovaniya”
3. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f 94, r 1, y 200, v 21-22 “Narodnogo obrazovaniya”
4. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f- 94, r -1, y -200, v- 61 “Narodnogo obrazovaniya”
5. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f- 96, r- 1, y -3227, v- 2 “Narodnogo obrazovaniya”
6. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f- 34, r -1, y -2727, v- 57
7. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f- 34, r -1, y -2727, v- 10-11
8. O’zbekiston Respublikasi Milliy Arxivi, f- 94, r -5, y- 23, v- 27
9. Qo`qon o`lkashunoslik muzey fonti № 8 font 1936-yil
10. Allamuradov D, Zakirov A. Soveti Uzbekistona v borbe za pobedu kulturnoy revolyutsi// O’zbekistonda ijtimoiy fanlar – 1973 - №11 – B 5-7
11. Ziyomuhammedova M.M. Xotin-qizlar savodsizligini bitirish tarixidan// Sovet maktabi .1978 . № 5 sahifa-70
12. Ziyomuhammedova M.M. Xotin-qizlar savodsizligini bitirish tarixidan// Sovet maktabi – 1978 – № 5 – B-70
13. Samirnova A “Jenskoe Obrazavaniye v O`zbekistane”// Kommunistka – 1928 - № 8-B 83

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 654.9(09)

Иззат ЮСУПОВ,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
Ёшлар масалалари ва маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, Т.ф.ф.д.
E-mail: izzat.sultanovich@mail.ru.

УрДУ профессори, т.ф.д. С.Р.Давлетов тақризи асосида

THE HISTORY OF THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MOBILE COMMUNICATION COMPANIES IN UZBEKISTAN IN 1991-2010

Annotation

In this article, during the years of independence, a new type of service for the development of the communications sector, the Uzdunrobita mobile communications company, entered our country and the quality of communications services in the initial periods, the company's branches and offices were opened in regional centers. The number of clients gradually increased. In order to increase competition between mobile communication companies in our country, new communication companies such as Usell, Perfectum, Mobile, MTS, Beeline have started their activities. As a result, mobile communication has become widespread both in our country and around the world. At the same time, along with the improvement in the quality of services, the number of customers increases, and the history of development is revealed from a chronological point of view.

Key words: Telephone, Uzdunrobita, cellular communication, automatic roaming, base station, telecommunications, Usell, Beeline, Perfectum Mobile, MTS, Internet.

ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И РАЗВИТИЯ КОМПАНИЙ МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ В УЗБЕКИСТАНЕ В 1991-2010 ГГ

Аннотация

В данной статье в годы независимости в нашу страну вошел новый вид услуги для развития сферы связи компания мобильной связи “Уздунробита” и качество услуги связи в начальные периоды, филиалы компании и отделения были открыты в областных центрах. Количество клиентов постепенно увеличивалось. В целях усиления конкуренции между компаниями мобильной связи в нашей стране начали свою деятельность новые компании связи, такие как Usell, Perfectum Mobile, MTC, Beeline. В результате мобильная связь получила широкое распространение как в нашей стране, так и во всем мире. При этом вместе с повышением качества оказания услуг увеличивается количество клиентов, а история развития раскрывается с хронологической точки зрения.

Ключивые слова: Телефон, Уздунробита, сотовая связь, автоматический роуминг, базовая станция, телекоммуникации, Usell, Beeline, Perfektum Mobile, MTC, Интернет.

1991-2010 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА УЯЛИ АЛОҚА КОМПАНИЯЛАРИНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Аннотация

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида алоқа соҳасини ривожига янги хизмат тури бўлган уяли алоқа компанияси “Уздунробита”ни юртимизга кириб келиши ва дастлабки даврларда алоқа хизматининг сифати, компаниянинг филиаллари ва бўлинмалари вилоятлар марказларида очилди. Мижозларининг сони босқичма босқич ортиб борди. Уяли алоқа компаниялари ўртасида рақобатни кучайтириш мақсадида Ucell, “Perfektum, Mobile”, MTC, Beeline каби янги алоқа компанияларини мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлади. Натижада бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам уяли алоқа кенг тарқалди. Шу билан бирга хизматлар кўрсатиш сифатининг ошиши билан бирга мижозларнинг сонини кўпайиб бориши ҳамда ривожланиш тарихи хронологик жихатдан очиб берилган.

Калит сўзлар: Телефон, Уздунробита, уяли алоқа, автоматик роуминг, базавий станция, телекоммуникация, Ucell, Beeline, Perfektum Mobile, MTC, Интернет.

Кириш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда алоқа воситаларининг ўрни ва роли беқиёс ошди. Кўп сонли алоқа каналлари, баъзан кўранмас ва улкан тармоқ каби республикамиз ҳудудини қамраб олди. Соҳага доир янги инфратузилмалар яратилди. Республикамизда давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш шароитида мобил алоқа тизимини ривожлантириш демократик ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишига айланди. Мамлакатимизда уяли алоқа компанияларни олиб бораётган фаолияти, уларнинг моддий-техник ҳолати, кадрларни тайёрлаш, билан қамраб олиниши жараёни тизимли равишда ўрганилмаган. Бундай янгиланишлар уяли алоқа тизимининг ривожланиш жараённи ва аҳолини ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнини алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мобиль алоқани пайдо бўлиши ва тараққиёти тарихига оид умумий маълумотлар Л.Н. Жўраев, Ғ.Р.Маматқулов, Р.Ф.Худойбердиев, Б.И.Ахтамов, И.С.Юсупов, Б. Бобожоновларнинг китобларида маълумотлар акс эттирилган бўлсада, етарли ўрин ажратилмаган. Шу билан бир қаторда уяли алоқа компанияларини ривожланиш йўналишлари, хақида маълумот берган газета, журнал ва веб сайтларда мавзуга оид берилган мақолаларни илмий муомалага киритиш ва илмий хулосалар чиқариш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самараси ва натижасини кўрсата бошлади. Давлатимиз томонидан мобил алоқани ривожланиши тегишли зарур шарт-шароитлар яратилди. Телефон билан таъминланганлик даражаси ҳар қандай мамлакат алоқаси ривожланганлик даражасининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланиб, у асосий

абонент терминаллари ва линиялари сонини, монтаж қилинган Автомат телефон станцияси (АТС) сиғимини ва шаҳарлараро алоқа линияларини акс эттиради. Айнан мана шунинг учун ҳам телефон билан таъминланганлик даражаси Халқаро валюта фонди томонидан давлатнинг иқтисодий даражасига таъриф беришда фойдаланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади[1].

1991 йилда “Уздунробита” номли Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси очилган. Мазкур корхона Ўзбекистон Республикасининг Алоқа вазирлиги ва Американинг “International Communications Group INC” томонидан таъсис этилганди. Ўша пайтда у, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Марказий Осиёда давлатлари орасида биринчи уяли алоқа компанияси ҳисобланган. Мамлакатимизда уяли алоқа хизматидан фойдаланилган биринчи қўнғироқ, 1992 йил август ойида Биринчи Президентимиз И.А. Каримов томонидан “Ўздунробита” МЧЖнинг тантанали очилиши маросимида қилинган. Кейинчалик Республика Президенти илк бор фойдаланган мобиль қурилма Ўзбекистон алоқа музейи экспонантлари қаторидан ўрин олган [2]. 1993 йил 16 июнда Украинада, 1994 йилда Қозоғистонда уяли алоқа телефонларидан фойдаланиш бошланган[3].

1992 йил Япониянинг кўмаги билан “Интелсат” халқаро спутники орқали узоқ хориж мамлакатлари (Англия, Япония, Исроил, Ҳиндистон) билан бевосита боғланиш имкониятини берадиган космик алоқа станцияси қурилиб, ишга туширилди[4]. 1992 йилнинг август ойидан бошлаб “Уздунробита” уяли алоқаси тармоғидан тижорат йўсинида фойдаланиш бошланди. Тармоқдан фойданувчилар сони 100 тани ташкил этган, 1993 йилда 300, 1995 йил давомида 823 тага етди. Бундан кўриниб турибдики, тармоқдан фойдаланиш имкониятлари бироз чекланган ҳолда қолмоқда эди[5].

1995 йилнинг бошларида республикамизда телефон тармоқнинг моддий-техник базасининг дунёдаги ривожланган мамлакатлардан 20-30 йил орқада қолганлиги ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланмаганлиги кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатининг пастлиги, рақамли тармоқ ва сервис хизматларнинг ривожланмаганлиги, ахборот пакетини коммутация қилиб, маълумотларни замонавий юқори тезликда узатиш тармоғининг йўқлиги натижасида республиканинг ҳар 100 аҳолисини телефон билан таъминганлик даражаси 6,7ни ташкил қилади, у Халқаро электр алоқа уюшмаси қабул қилган ўртача нормативдан бир неча баравар кам бўлган. Ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда хусусан Германияда ҳар 100 аҳолига 44,8, Францияда 52,3, Англияда, 45,1, Туркияда 16,2 телефондан тўғри келганди. Ўша даврда мамлакатимизда шаҳарларда ҳар бир иккинчи оила, қишлоқ жойларида ҳар бир ўнинчи оила телефон билан таъминланган[6].

1995 йилда “Ўздунробита”нинг Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларида филиллари очилди. Мижозларинг сони 3000 нафарга етди. Тармоқнинг режа билан кенгайтирилиши туфайли 1996 йилда Навоий, Наманган, Фарғона ва Андижон шаҳарларида компаниянинг филиалларини очиш имкониятини берди. Фойдаланувчилар сони 9000 кишига етди. 1997 йилда энг замонавий рақамли технологиялардан бири Digital AMPS (IS-136)ни тижорат йўли билан бир қаторда, кўрсатилаётган хизмат турлари ҳам анча қўпайди. Мижозларимизга қўнғироқ қилаётган кишининг номерини (рақамини) аниқлаш (АОН); номерни аниқлашни таъқиқлаб қўйиш, қўшимча имкониятлари билан овоз почтаси; Sleer режими сингари хизматлар кўрсатила бошланди. Sleer режими батарияниинг навбатчи режимдаги иш вақтини 2,5 баравардан кўпроқ оширишга имкон беради, шунингдек, илгариги стандартнинг қўшимча хизматлари (автоматик роуминг, конференц-алоқа, қўнғироқни кутиб туриш, қўнғироқни бошқа адресга ўтказиш) ҳам сақлаб қолинди.

1996-йил, 15 апрелда “COSCOM” МЧЖ ХК “МСТ Telecom Corp” ва маҳаллий ҳамкор ўртасидаги қўшма корхона сифатида ташкил этилди. Корхонанинг асосий фаолият йўналиши - ГСМ 900/1800 стандартида замонавий уяли алоқа тизимини ривожлантириш. Биринчи тармоқ Самарқанд шаҳрида ишга туширилган бўлиб, кейинроқ бутун мамлакатни қамраб олди[7]. 1997 йилда“Ўздунробита” ни Гулистон, Термиз, Қўқон, Жиззах, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида компаниянинг янги филиаллари ва бўлинмалари очилди. Автоматик роуминг бу вақтга келиб Ўзбекистоннинг 380 тадан кўпроқ аҳоли пунктларини қамраб олди. Шу йилнинг охирига келиб, “Ўздунробита” алоқасидан фойдаланувчилар сони 15000 нафарга етди. Шу вақтда мамлакатимизда уяли алоқанинг 42 фоиздан кўпроғи унга тегишли бўлган. 1998 йилда Компаниянинг Нукус, Китоб ва Шахрисабз бўлинмаси шаҳарларида янги бўлинмалари очилди. 1999 йилнинг бошида эса Олмалиқ шаҳрида янги бўлинма ташкил топди. Шундай қилиб, 1998 йилнинг охирида компаниянинг филиаллари республиканинг барча вилоят марказлари ва маъмурий марказларида ишлаб турди ҳамда Ўзбекистондаги 900 ортиқ шаҳар ва аҳоли пунктларини қамраб олди. Тармоқнинг сиғимини кўпайтириш мақсадида Тошкентда базавий станциялар сони икки баравар кўпайтирилди, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Фарғона шаҳарлаарида қўшимча қувватлар ишга солинди. 2000 йилнинг ўрталарига мижозларининг сони 35 минг нафардан ҳам ошиб кетди[8].

2000 йилда шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон сўзлашувлар 28,7% ўсди. Шу билан бир қаторда фуқоролар хонодонларида 52,7 телефон аппаратлари янгидан ўрнатилди, телефон учун навбатда туришлар бартараф этилди. Жаъми телекоммуникация тармоқларида 1,6 млн, телефон қурилмалари мавжуд бўлиб учдан бир қисмдан кўпроғи рақамли, электорн АТСларга уланган. Бу АТСла ҳам сўнгги 3-5 йиллар давомида қурилганди. Шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон станциялари деярли 90 фоизга электротехника билан жихозланганлар[9].

“Уздунробита” республикада биринчилардан бўлиб Хоразм вилояти аҳолисига хизмат кўрсатган. 1999 йилда Урганч шаҳар ва туманлар алоқа бўлимларига “Алоқа-ДЭУ” корхонасида ишлаб чиқарилган янги АТСларнинг ўрнатилди. Хоразм вилоятини 1999-2001 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра вилоятдаги 3 та корхона ўз ихтисослигини ўзгартирди. Шулардан биттаси Урганчда ишлай бошлаган “Алоқа ДЭУ” корхонаси коммуникацион техника ўрнига электроника асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ўтди[10].

Кейинги йилларда Германиянинг “Алкател”, “Сименс” компаниялари, шунингдек бошқа чет-эллик шериклар иштирокида рақамли электрон қурилмаларга асосланган 7та янги АТСлар қурилиб ишга туширилди, 8та станция қайта қурилди, 4та станцияда иш хажми кенгайтирилди. 18та электрон АТСнинг умумий қуввати 137мингта рақамни ташкил қилади. Станцияларо боғланиш тармоқларининг сонини кўпайтириш учун чет-эл қурилмалари асосида радиорелели алоқа йўллари ишга туширилди, рақамли “транспорт ҳалқаси” қурилди, бу “халқа” минглаб тезкор каналлар орқали шахардаги барча тармоқли ва рақамли АТСларни ўзаро боғлади. 2001 йилда тармоқда 144,1мингта канал бўлиб, шундан 122,5 мингтаси рақамли алоқалардир[11].

Бу кўрсатгич 5 йил аввалги кўрсатгичдан 2-3марта ортиқ бўлган. Алоқа каналларига янгиликларни киритилиши муҳим йўналишларда станцияларо боғланиш муаммосини хал этиб қолмай, келажакда алоқа тармоқлари тараққиёти учун имконият яратади, минглаб янги

абонентлар таклифларини қондиришга имкон берди. 2001 йилда шаҳардаги 69 та телефон тармоқларида 529 минг ҳажмдаги рақамли телефонлардан 510 мингдан ортиғи ишга тушган, бу 1996 йилга нисбатан деярли 100 мингтага ортиқ. Янги АТСлар ишга туширилиши билан абонентларга шу вақтгача номаълум бўлган кенг қамровли хизмат турлари кўрсатилган. 2001 йил сентябрда Ўзбекистонда “Рубикон Вирелесс Коммуникацион” қўшма корхонасининг “Perfektum Mobile” уяли тармоғи ишга туширилди. Компания уяли алоқа хизматини CDMA стандартларида кўрсатади ва бундай хизматлар кўрсатадиган операторлардан энг йириги хисобланиб, ҳозирга қадар Республикамизнинг барча вилоятларида сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда[12].

2003-2005 йилларда ташқи интернет каналларининг ўтказувчанлик салоҳияти 32 Мбит/с дан 143,1 Мбит/с гача ошди. DSL орқали Интернет тармоғига уланиш ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар ўртасида кенг оммалашди. Провайдерлар ҳудудлардан ҳам интернетга уланиш бўйича хизматларни кенгайтира бошлашди. Интернет тезлиги 64 Кбит/сек.дан 1 Мбит/с.гача ошди. Ойлик обанент тўлови орқали DialUp орқали уланганларга ойлик чексиз тарифлар жорий қилинди. Провайдерлар Callback хизматини жорий қилишди. Ўзбекистон мобил алоқа бозорида Россиянинг Вымпелком (Билайн), МТС, Telia Sonera компаниялари фаолиятини бошлади. Телекоммуникация бозорида IP телефония (Platinum Connect, 2Oxygen, Buzton) компаниялари пайдо бўлди.Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали – www.gov.uz ташкил этилди[13]. Республикамизда 2004-2012 йилларда МТС уяли алоқа компанияси фаолият олиб борди.

2005 йилда илк маротаба вилоятларда уяли алоқа абонентлари сони Тошкент шаҳри абонентлар сонидан ошди. 2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра Ўзбекистон бўйича барча абонентлар сони (917.806), 51% ҳудудлар (468.474) абонентлари бўлган. 2005 йил ноябр ойида мамлакатимизда миллион мобиль алоқа абонентлари рўйхатга олинди. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам бутун дунёдаги каби уяли алоқа кенг тарқалди[14]. 2005 йилдан бери “Perfektum Mobile” Ўзбекистон ҳудудларида ўз тармоғини кенгайтириш бўйича бир қатор ишларини амалга оширди. Шу йилдан янги CDMA 2000IX технологияси орқали Тошкент вилояти, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона, Андижон, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларининг маъмурий марказлари ва 70 дан ортиқ шаҳар ва туман аҳоли масканларида жорий қилиниши натижасида абонентлар ишончли алоқа билан таъминланди. Мамлакатимиз бўйлаб маҳаллий тарифлар бўйича шаҳарлараро қўнғироқларни амалга ошириш имкониятини берди. “Unitel” МЧЖ 2006 йил 12 сентябрдан бошлаб Beeline Uzbekistan савдо белгиси остида хизмат кўрсатишни бошлаган[15].

2007 йил июлида “Ucell” Telia Company shved-finn” гуруҳ компаниясининг бир бўлаги бўлиб, Ўзбекистон телекоммуникация бозорида новатор ролида фаолият кўрсата бошлади. Ucell тўртинчи авлод тармоғи лицензиясини олди ва Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб 4G тармоғини татбиқ қилди. 2008-йил 10 июндан бошлаб “COSCOM” MChJ XK ўзининг савдо белгисини тўлиқ қайтадан жорий этди ва “COCCOM” бренди ўрнига янги Ucell савдо белгиси пайдо бўлди[16]. 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сони 4 миллион 269 мингга етди[17].

2008-йил 1-апрел ҳолатига кўра, уяли алоқа тармоқлари абонентлари сони 7 миллион 290 минг нафардан ортиқни ташкил қилган. Март ойида мамлакатимизда 443 мингдан ортиқ обуначи қўшилган ва ойлик ўсиш қарийб 6,5 фоизни ташкил этган. Мамлакатимизда уяли алоқанинг кириб бориш даражаси 2008 йил 1 апрел ҳолатига 27 фоизни ташкил этганди. 2008 йил бошида Ўзбекистонда 5 миллион 888 минг абонент бўлган бўлса, 2008 йилнинг 1 чорагида мамлакатимизда мобил алоқа абонентлари сони 1 миллион 400 мингдан зиёдга ошиб, чораклик ўсиш 23,8 фоизни ташкил этган[18].

Ўзбекистоннинг мобиль алоқа операторлари томонидан 2004-2010 йиллар оралиғида жами инвестициялар ҳажми 1 миллиард 418,18 миллион долларни ташкил этди. Шу билан бирга уяли алоқа соҳасига инвестициялар ҳажми йилдан йилга ошиб борди. Мобиль алоқа компаниялари томонидан Ўзбекистон бозорида фаолиятни жадаллаштириш ва узоқ муддатли асосда режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш, техник компонентни мунтазам янгилаш ва модернизация қилиш, янги технологик хизматлар ва тизимларни жорий этишда ўз аксини топди.

2009-йилда “Perfectum Mobile” қишлоқ жойларидаги 1700 та мактабларда “Мобил интернет” хизмати билан таъминлади ва керакли миқдордаги телефон аппаратларини бепул тарқатди[19]. 2009 йилга келиб рақамли телефонлар сони 1786 тадан, уяли мобил алоқа абонентлари сони 7 млн.дан ошди[20]. Уяли алоқа хизмати рақобат ва қизиқиш кучлилиги боис, тез ривожланаяпти. 2009 йилнинг тўртинчи ва 2010 йилнинг биринчи чорагида уяли алоқа бозорида маълумотлар асосида тайёрланган. Алтимо индексининг 7-нашрига кўра, Ўзбекистон Хитой ва Индонезиядан сўнг дунёнинг 92 мамлакатида учинчи ўринни эгаллади[21].

Таҳлил ва натижалар. Уяли алоқа Ўзбекистон алоқа бозорининг энг тез ўсиб бораётган ва рақобатбардош тармоғига айланди. “Nokia” (Финляндия), “Panasonic” (Япония), “LG“, “Samsung” (Жанубий Корея), “Artel” (Ўзбекистон) уяли қўл телефонлари ҳатто мактаб болаларининг кундалик фойдаландиган алоқа воситасига айланди. Уларнинг айримлари Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг Навоий вилоятидаги эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилиб, рақобатбардошлигини оширди. Ўрганилган даврларда мобил алоқадан фойдаланувчиларнинг ҳақиқий сони бироз камроқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки бир одам айни пайтда бир неча операторлар хизматидан фойдаланаётган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хулоса ва таклифлар. Ўттиз йил олдин, юртимизда ҳеч ким уяли алоқа бу қадар машҳур бўлишини кутмаган эди. Узоқ вақт давомида мобил телефон қимматлиги сабабли йирк тадбиркорлар ҳамда давлат хизматчилари ишлатишган холос. Уяли алоқа тизимининг жадал ривожланиши биринчи навбатда стационар алоқа аҳоли эҳтиёжларини қондира олмаслиги билан боғлиқ эди.

Мамлакатимизда 1991 йилда “Ўздунробита” номли Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси очилган. Ўша пайтда у Марказий Осиёда, МДҲ давлатлари орасида биринчи уяли алоқа компанияси ҳисобланарди. Кейинчалик Украина ва Қозоғистонда уяли алоқа телефонларидан фойдаланиш бошланган. 1994 йилнинг март ойида МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб, Тошкент ва Урганч шаҳарлари ўртасида автоматик роуминг лойиҳаси амалга оширилган.

Кейинги йилларда “Ucell”, “Beeline”, “UMS” ва бошқа уяли алоқа компаниялари томонидан сифатли янги хизмат турларини таклиф қилиш натижасида алоқа сифати мисли кўрилмаган даражада яхшиланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида уяли алоқалар технологияси бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни амалга ошириш йўлга қўйиш ва кенгайтириш, махсус сиртқи бўлимларни очиш мақсадга мувофиқ саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида). – Бухоро: Дурдона, 2022. – Б.94.
2. Daryo.uz.
3. gadgetstyle.com.ua.
4. Жўраев Л.Н., Маматқулов Ғ.Р., Худойбердиев Р.Ф., Ахтамов Б.И. Замонавий почта алоқаси ўқув қўлланма. — Тошкент, 2016. – Б.33.
5. Уяли алоқа системаларини қуриш ва лойиҳалаш принциплари. — Тошкент, 2000. – Б.9.11.
6. Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида). – Б.95.
7. Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида). – Б. 96,101.
8. Уяли алоқа системаларини қуриш ва лойиҳалаш принциплари. — Тошкент: 2000. – Б.11.
9. Абдуллаев Ф. Ахборот тизимларнинг кенг майдони. Алоқа дунёси, 2001 1(2). – Б.4.
10. Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида). – Б. 96,101.
11. Уяли алоқа системаларини қуриш ва лойиҳалаш принциплари. — Тошкент: 2000. – Б.11.
12. Абдуллаев Ф. Ахборот тизимларнинг кенг майдони. Алоқа дунёси, 2001 1(2). – Б.4.
13. Idum.uz.2.10.2021.
14. История развития сотовой связи в Узбекистане // www. infocom.uz. 26.07.2011. – С. 25.
15. Подольский С.О роли Perfektum Mobile в социальной жизни Узбекистана // Infocom.uz — Тошкент, 2009. – № 5.67. – С.67.
16. Ucell.uz.15.03.2018.
17. История развития сотовой связи в Узбекистане // www. infocom.uz. 26.07.2011. – С. 25.
18. Infocom.uz — Тошкент, 2008. – № 6. – Б.18.
19. Подольский С.О роли Perfektum Mobile в социальной жизни Узбекистана // Infocom.uz — Тошкент, 2009. – № 5.67. – С.70.
20. Infocom.uz — Тошкент, 2009. – № 6. – Б.12.
21. Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида). – Б.99.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

UDK: 37. 013. 78:28(575. 171)(045)

Hamidbek YUSUPOV,
Urganch davlat universiteti akademik litseyi o‘qituvchisi
E-mail: hamidyusupov753@gmail.com

UrDU dotsenti t. f. d. Q.Y.Masharipov taqrizi asosida

EDUCATIONAL PROCESS IN KHIVA MADRASAS

Annotation

This article provides information about the educational process in Khiva madrasas and how it was implemented. The education system in schools and madrasas continued according to the previous order. By this time, the main attention in the educational system was focused on Islamic sciences. General concepts from exact and natural sciences are given. In madrasas, students from faraway places are given rooms and even stipends are given to them.Since the textbooks in Khiva madrasas were in Arabic, the teachers explained their content to the students. Textbooks are explained in Uzbek in Khivamadrasas, and in Persian-Tajik in Kokan and Bukhara madrasas.Teaching in Khiva madrasahs was conducted in Turkish and partially in Arabic and Persian. This article mentions that classes were conducted in the madrasa in a simple way and the students who graduated from the madrasa were examined.

Key words: Mudarris, mutawalli, imam, muezzin, math, hadith, hujra, adno, avsat, ala, tahsib, meshkabchi, akhun, qazikalon, qaziorda.

УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС В МЕДРЕСЕ ХИВЫ

Аннотация

В данной статье представлена информация об учебном процессе в хивинских медресе и о том, как он осуществлялся. Система образования в школах и медресе продолжалась в прежнем порядке. К этому времени основное внимание в системе образования было сосредоточено на исламских науках. Даны общие понятия из точных и естественных наук. В медресе студентам из отдаленных мест выделяют комнаты и даже выплачивают стипендии.Поскольку учебники в хивинских медресе были на арабском языке, преподаватели разъясняли их содержание ученикам. Учебники объясняются на узбекском языке в Хивинских медресе, на персидско-таджикском в Коканском и Бухарском медресе. Преподавание в хивинских медресе велось на турецком и частично на арабском и персидском языках. В этой статье упоминается, что занятия в медресе проводились в простой форме и экзаменовались ученики, окончившие медресе.

Ключивые слова: Мударрис, мутавалли, имам, муэдзин, матх, хадис, худжра, адно, авсат, ала, тахсиб, мешкабчи, ахун, казикалон, казиорда.

XIVA MADRASALARIDA TA’LIM JARAYONI

Annotatsiya

Mazkur maqolada Xiva madrasalarida ta’lim jarayoni qaytartibda olib borilishi, qanday amalga oshirilganligi haqida ma’lumotlar keltirilib o‘tiladi. Maktab va madrasalarda ta’lim tizimi avvalgi tartib asosida davom etgan. Bu davrga kelib ta’lim tizimida asosiy e’tibor islomiy ilmlarga qaratilgan. Aniq va tabiiy fanlardan umumiy tushunchalar berilgan. Madrasalarda uzoqdan kelgan talabalarga hujralar berilgan, hatto ularga nafaqalar ham berilgan. Xiva madrasalarida darsliklar arab tilida bo‘lganligi uchun talabalarga ularning mazmunini mudarrislar tushuntirib berar edilar. Darsliklar mazmuni Xiva madrasalarida o‘zbek tilida, Qo‘qon va Buxoro madrasalarida esa fors-tojik tilida tushuntirilgan. Xiva madrasalarida o‘qitish turkiy tilda va qisman arab va fors tilida olib borilgan. Madrasada mashg‘ulotlar oddiy usulda olib borilganligi va madrasani tugatgan talabalar imtihondan o‘tkazilganligi mazkur maqolada o‘rin olgan.

Kalit so‘zlar: Mudarris, mutavalli, imom, muazzin, riyoziyot, hadis, hujra, adno, avsat, a’lo, taxsib, meshkobchi, oxun, qozikalon, qozio‘rda.

Kirish. XX asrda o‘zbek xalqi tarixida ro‘y bergan muhim voqelik, shubhasiz, davlat mustaqilligiga erishish bo‘ldi. Istiqlol sharofati bilan o‘zbek xalqining asriy orzusi ushalib, e’tiqodi, urf-odatlari qadriyatlari o‘z o‘rniga qaytdi.

Keyingi yillarda viloyatimizda tarixiy obidalarga bo‘lgan e’tibor kundan kunga rivoj topmoqda. Tarixiy obidalarni qayta tiklash, ularni eksponatlar bilan boyitish, avvalgi me’moriy uslubni saqlab qolgan holda keyingi avlodlarga yetkazish har bir insonning burchidir.

Xiva madrasalarida ta’lim olgan Munis, Ogahiy, Bayoniy kabilarning yetuk allomalar bo‘lib yetishishida madrasalarning o‘rni beqiyos bo‘lganligi tarixiy haqiqatdir.

Bugungi kunda Xiva madrasalarining deyarli barchasi muzeylarga aylantirildi. Madrasalarning uzoq yillardan beri tarixiy-me’moriy ko‘rinishini yo‘qotmasdan kelishi Xivaga sayyohlarning kelishini ko‘paytirmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Xiva madrasalarida ta’lim jarayoni xususida mustaqillik yillarida ko‘pgina tadqiqotlar amalga oshirildi, yangi ma’lumotlar ilmiy muomalaga kiritildi. Jumladan, tadqiqotchilar D. Rahim, Shixnazar Matrasul, A. Abdurasulov, K. Xudoyberganov, S. Hasanov, N. Polvonov, F. Ernazarov, A. Sotliqov, O. Mutalov, Y. Rahmonovalarning tadqiqotlarida ushbu masala keng o‘rin olgan bo‘lsada, yetarli o‘rin ajratilmagan. Mualliflar xonlik-dagi madrasalarning faoliyati haqida qiziqarli va rang-barang ma’lumotlar beradilar.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Xivadagi Arab Muhammadxon, Sherg‘ozixon, Olloqulixon, Muhammad Rahimxon soniy madrasalari madrasayi oliya maqomiga ega bo‘lgan madrasalardir. Ularning dovrug‘i Buxoro, Samarqand, Qo‘qon va Sharqning boshqa mamlakat-larida ma’lum va mashhur edi.

Xiva tarixchilari Ogahiy va Bayoniyning bergan ma’lumotiga ko‘ra, XIX asr o‘rtalarida Xivadagi madrasalar soni 22 taga yetgan. XX asr boshlariga kelib esa ularning soni 130 dan oshgan va 9300 talaba tahsil olgan. Masjid va

xonaqohlar qoshida 1500 dan ortiq boshlang‘ich maktablar ishlab turgan. Ularda 45 ming o‘quvchi yoshlar ta’lim va tarbiya olgan.

Taniqli adabiyotshunos olim, akademik Botirxon Valixo‘jayev: “Ming yillar davomida mavjud bo‘lgan jamiyat qaysi tarzda bo‘lmasin, ta’lim-tarbiya tizimisiz bo‘lmagan, uning o‘ziga xos xususiyatlari, muassasalari, ta’lim rejasi dasturi, o‘quv qo‘llanmalari, o‘qish jarayoni, muallim-mudarrislari va ularga qo‘yiladigan talablar, o‘qitish uslubiyoti bo‘lgan”, deb yozgan edi[1].

Maktab va madrasalarda ta’lim tizimi avvalgi tartib asosida davom etgan. Bu davrga kelib ta’lim tizimida asosiy e’tibor islomiy ilmlarga: Qur’oni Karim, hadis, islom huquqshunosligi kabi ilmlarni o‘rgatishga qaratiladi. Shuningdek, madrasalarda tarix, adabiyot, mantiq, falsafa, musiqa va xattotlik ilmi ham o‘rgatilgan. Riyoziyot, astronomiya, tabobat va boshqa aniq fanlardan umumiy tushunchalar berilgan.

Madrasalarda Xiva xonligi aholisi hamda uzoq va yaqindan kelgan xorijiy shaxslar islom dini qonun-qoidalari, shariat asoslari, falsafa, mantiq, kimyo, geografiya, tabobat, falakiyot kabi fanlarni o‘rganishgan. Hatto ba’zi madrasalarda musiqashunoslik, miniatyura, naqqoshlik, hattotlik, sahhoflik kabi san’at sohalari o‘rgatilgan. Bu o‘quv maskanlari ulamolar, mudarrislar, mutavallilar, davlat amaldorlari, imomlar, muazzinlar, maktabdorlar va boshqalarni yetishtirgan[2].

Sho‘ro davridagi bir qator adabiyotlarda, tarixiy risolalarda va himoya qilingan ayrim ilmiy ishlarda Sharq, shu jumladan Xiva davlatidagi madrasalarda aksar diniy ta’limot o‘rgatilgan, bu yerda dunyoviy ilm o‘qitilmagan, o‘qitilsa-da, o‘z qobig‘iga o‘ralib qolgan, cheklangan bir-ikkita fan ibtido tarzda o‘rgatilgan, degan “kashfiyot”lar yasaldi. Tibbiyotdek murakkab, mashaqqatli ilm haqida esa, umuman, eslatilmadi. Yoki bir-ikki jumlada osongina qilib, “Xiva madrasalarida tibbiyot o‘rgatilmagan” deb ketilardi…

Sherg‘ozixon madrasasida tibbiyot ilmi ham o‘qitilgan. Bu madrasada turkman shoiri Maxtumquliga o‘z do‘sti Nuri Kozim ibn Bahr ustozlik qilgan. U suriyalik turkmanlardan bo‘lib, ancha oldin Buxoroda ham tahsil olgandi. Nuri Kozim Sherg‘ozixon madrasasida ham ilm o‘rganadi, ham turkman toliblariga tariqat, arab tili va din falsafasidan ta’lim beradi. Nuri Kozim o‘ta kuchli xotiraga ega kishi bo‘lib, Ibn Sinoning 5 kitobdan iborat “Tib qonunlari” asarini deyarli yod olgan. Maxtumquli va boshqa talabalarga tib ilmlaridan saboq bergan, madrasada tibbiyot fanini to‘la o‘qitishni yo‘lga solgan kishi sanaladi.

Nuri Kozim Maxtumquliga va uning tengqur talaba do‘stlariga turli giyohlardan dorivorlar tayyorlash yo‘llarini ham o‘rgatgan. Bunda esa Beruniyning “Saydana” va Ibn Sinoning qator asarlaridan foydalangan. Qisqa fursatda Maxtumquli ham shifobaxsh dorivor giyohlar tayyorlash va ularning qaysi kasalliklarda, qanday usulda qo‘llanishini o‘rganib oladi. Aytish kerak, shoirning otasi Davlat Muhammad ham tabibchilikdan xabardor kishi bo‘lgan. Turli o‘simlik, giyohlardan dorilar tayyorlash va ishlatishni o‘zlashtirgan. O‘g‘li xastalikka chalinganda uni otasining o‘zi davolagani ma’lum.

Maxtumquli Nuri Kozim va madrasaning boshqa domlalari yordamida tibbiyot ilmini ham puxta egallaydi. Uning “Tib qonunlari”ni faqat o‘qib-o‘rganmasdan, do‘sti va ustozi Nuri Kozim kabi deyarli yod olgani dalili ma’lum. Bundan tashqari, madrasaning hurmatga sazovor domlalaridan biri, kutubxona mudiri Zohid og‘a yordamida kutubxonada saqlanayotgan tibbiyotga oid barcha asarlarni o‘qib o‘rganadi. Talabalik paytida to‘satdan xastalikka chalinganida o‘zi tayyorlagan giyohlarni ichib shifo topadi.

Masalaning yana bir tomoni borki, madrasa kutubxonasida tib ilmlari gultoji bo‘lgan asarlarning saqlanishi va talabalarning undan bemalol foydalanishlarining o‘ziyoq madrasada tib ilmi o‘qitilmagan, alohida fan sifatida saboq berilmagan, degan shubhalarni yo‘qqa chiqazadi[3].

Xiva madrasalarida islom dini qonun-qoidalari, arab va fors tillari, tabiiy fanlar va falsafa o‘rgatilgan. Ayrim madrasalar ixtisoslashgan bo‘lib ularda tibbiyot, geografiya, musiqashunoslik, xattotlik kabi san’at sohalari ham o‘qitilgan.

Madrasalar huquqshunoslar, davlat idoralari xodimlari, maktabdorlar, tabiblar va boshqa sohalar mutaxassislarini tayyorlab bergan[4].

Xiva madrasalarida savdo-sotiq masalasini o‘qitish ham yo‘lga qo‘yilgan. Bunga Xo‘jash mahram madrasasini misol qilib keltirish mumkin. Bu madrasada savdo-sotiq va boj-xiroj masalalarini o‘qitish yo‘lga qo‘yilgan. Xo‘jash mahram madrasaga (1784 tanob) 715 gektar yerni vaqf qilib bergan.

Xiva madrasalarida darsliklar arab tilida bo‘lganligi uchun talabalarga ularning mazmunini mudarrislar tushuntirib berar edilar. Darsliklar mazmuni Xiva madrasalarida o‘zbek tilida, Qo‘qon va Buxoro madrasalarida esa, garchi o‘quvchilar turkiy tilda gaplashsalarda, fors-tojik tilida tushuntirilar edi. Buning sababi shunda ediki, O‘rta Osiyo shimolidagi Xorazm yerlarida turkiy tillarda gaplashuvchi ko‘chmanchi qabilalar janubroq tumanlardagi ko‘chmanchilardan ertaroq o‘troqlashib qolgan edilar. Xiva xonligiga qarashli barcha aholi esa turkiy tilda gaplashar edi[5].

Buxoro amirligi va Qo‘qon xonligidan farqli o‘laroq, Xiva madrasalarida o‘qitish ko‘pchilik hollarda turkiy tilda, qisman arab va fors tillarida olib borilgan. Islomiy fanlar arab tilida bo‘lganligidan arab tili va grammatikasini o‘rganishga ko‘p vaqt ajratilgan.

Madrasalarning tuzilishi o‘ziga xos. Har bir hujrada 2-3 talaba yashagan, barcha hujra eshiklari hovliga qarab solingan va har bir hujrada o‘choq o‘rnatilgan. Yashash sharoitlari nisbatan yaxshi tashkil etilgan.

Madrasalarda diniy va dunyoviy ilm berilgan, ayni paytda ko‘ngilochar o‘yinlar, shuningdek ashula aytish man qilingan. Madrasalarda o‘qish muddati chegaralanmagan bo‘lib, ayrim talabalar bir kursda 3-4 yil, ayrimlari esa 8-10 yillab o‘qishgan. O‘qish esa uch kursda olib borilgan: “adno” – boshlang‘ich, “avsat” – o‘rta va “a’lo” – oxirgi kurs. Boshlang‘ich kursda arab grammatikasi, mantiq, shariat qoidalari, diniy urf-odatlar, arab va fors tilidagi adabiyotlar o‘rgatilgan. Qolgan ikki kurs davomida talabalar “taxsib” (mantiq), ilohiyot, huquqshunoslik va boshqa fanlarni qunt bilan o‘rganishgan.

Har bir madrasa boshqaruvi quyidagicha tuzilgan: madrasaning imomi, muazzini, o‘qituvchilari, farroshi, sartaroshi va meshkobchisi bo‘lgan. Mutavallining vazifasi – buyumlari va vaqf yerlaridan foydalanish, oxun va muallimlarga maoshni to‘lash bo‘lib, ular o‘quv ishiga aralashmaganlar.

Abdulla Boltayev Xivadagi 63 ta madrasada faoliyat yuritgan xizmatchi va xodimlar haqida ham ma’lumot beradi: 1. Dars beruvchi oxundlar 158. 2. Imomlar 74. 3. Muazzinlar 62. 4. Sartaroshlar 56. 5. Farroshlar 60. 6. Quduqchilar 31. 7. Suvchilar 43. 8. Mutavallilar 69.

Abdulla Boltayev yuqorida qayd etilgan vaqfga oid ma’lumotlarni to‘plashda arxiv materiallaridan foydalanganini alohida ta’kidlaydi[6].

Muallimlarni “oxunlar” yoki “mudarrislar” deyishgan. Ilmli, o‘qimishli kishilardan tayinlangan mudarrislar talabalarning bilim olishi uchun eng asosiy javobgar shaxslar sanalganlar. Katta madrasalarda oxunlar soni ko‘p bo‘lgan.

Arxivda saqlanayotgan 8 varaqdan iborat hujjatda ham, XX asr boshida Xivadagi 56 ta madrasada 120 nafar mudarris, 3300 nafar talaba bo‘lganligi qayd etilgan[7].

Madrasalar qurib bitkazilishi bilan xon tomonidan ularga maxsus vaqf yerlari ajratilib, barcha mol-mulk shayxulislom tomonidan muhrlanib, qonuniylashtirilgan.

Quyidagi qoidalar Xiva, Buxoro, Qo‘qondagi barcha madrasalarga taalluqli bo‘lgan:

-madrasada o‘qish istagini bildirgan har bir musulmon hech qanday cheklovlarsiz o‘qishga qabul qilingan. O‘qishga kiruvchilar oldiga qo‘yilgan yagona shart-ular boshlang‘ich maktabni tugatgan bo‘lishi kerak;

-madrasa talabalari musulmonchilikning barcha qonun-qoidalariga qat’iy amal qilishlari shart;

-hamma talabalar madrasaning o‘zida, alohida-alohida hujralarda yashaydilar;

-shariat qoidalariga ko‘ra madrasalarda ayollar o‘qimaydilar, ular hatto biror yumushni bajarish uchun ham madrasaga qo‘yilmaydi;

-ichki tartib bo‘yicha barcha talabalar kechqurun o‘z hujralarida bo‘lishlari kerak, oilali talabalarga faqat payshanba kuni kechqurun uyda qolishlariga ruxsat etilgan.

Talabalar mudarris tanlash imkoniyatiga ham ega bo‘lganlar, ya’ni ular faqat o‘zlari yashab turgan madrasagina emas, balki boshqa madrasalarning “ilmi o‘tkir” mudarrislardan saboq olishlari mumkin bo‘lgan[8].

Madrasaga 15 yoshga to‘lgan har bir musulmon farzandi, savodi va iqtidori inobatga olingan holda qabul qilinardi. Ularni “mulla” yoki “tolibul ilm” deb ataganlar.

Mashg‘ulotlar juda oddiy usulga asoslangan. Har bir talaba maxsus kitob mutolasi bilan shug‘ullangan. Bir necha talaba o‘zlari o‘rganishga kirishgan kitob asosida oxunlar hujrasiga to‘planishar, ularning biri kitobni o‘qir, qolganlar kuzatib borishar, oxun esa mazmunini tushuntirib berardi.

Xivada madrasalarni tugatgan talabalar imtihondan o‘tishgan. Buning uchun xon tomonidan maxsus hay’at tuzilar, uning tarkibiga bahzida xonning o‘zi, ko‘pincha valiahd, qozikalon (bosh qozi), qozio‘rda (shahar qozisi) va bir qancha ulamolar kirishardi. Imtihondan muvaffaqiyatli o‘tgan talabalarga mufti, a’lam, oxun, mukarrir unvoni berilardi. Bitkazuvchilar ilohiyot ilmini mukammal o‘zlashtirishar, ayni kezda dunyoviy ilmlardan xabardor bo‘lishardi. Xiva madrasalarini tugatgan talabalar orasida shoirlar, muarrixlar, xattotlar, olim va fozil kishilar yetishib chiqqani fikrimizning dalilidir.

Manbalarni o‘rganish jarayonida ma’lum bo‘lishicha, o‘quv maskanlari-madrasalarning umumiy ahvoli va faoliyati shaxsan xonning diqqat e’tiborida bo‘lgan. Xiva xonligi madrasalarida qo‘shni Buxoro, Qo‘qon, Afg‘oniston, Eron, Hindiston, Yaqin Sharq mamlakatlaridan turli millat va elatlarga mansub, bilim olishga chanqoq bo‘lgan yoshlar kelib ta’lim olganlar[9].

Xiva xonlari madrasalarda ta’lim-tarbiya ishlarini o‘z ko‘zlari ko‘rish uchun madrasalarga ham tashrif buyurib turishgan. Ana shu xonlardan biri Muhammad Rahimxon I hisoblanadi. U o‘z o‘g‘li Olloqulixonning madrasada qanday tahsil olayotganligini bilish uchun bir kuni Arabmuhammad-xon madrasasiga qadam ranjida qiladi. Uning maqsadi madrasada o‘qish-o‘qitish ishlari, talabalarning yashash tarzi bilan tanishish edi[10]. Bundan ko‘rinib turibdiki hukmdorlar madrasalarda qanday ilmlar o‘rgatilayotganligini o‘z ko‘zlari bilan ko‘rishgan.

Xiva xoni Feruz ham tez-tez Xivadagi madrasalarda bo‘lib, u yerdagi ta’lim-tarbiya ishlarini shaxsan nazorat qilib borar va madrasalarning talabalariga davlat xazinasidan moddiy yordam qilib turardi[11].

XIX asr oxiri-XX asr boshiga kelib, Xiva xonligida har birida 50 nafar talaba ta’lim olgan 130 madrasa mavjud bo‘lgan. Demak, bir vaqtning o‘zida xonlikda 51500 nafar kishi ta’lim olgan[12].

XX asrning boshlarida Xiva shahrining o‘zida 65 ta madrasa bo‘lib, ularning 10 dan ortig‘i XVIII-XIX asrlarda xonlar tomonidan, 20 dan orti‘g‘i xonning qarindoshlari tomonidan, qolganlari esa xon amaldorlari va yirik islom ulamolari tomonidan qurilgan edi. O‘sha davrda bu madrasalarda 2440 kishi ilm olgan[13].

Mana sizga ilmning potensiali, yurtimizda savod-xonlik darajasi 100 % deganda ko‘pchilik ishonmas edi. Buni ajdodlarimiz qurdirgan madrasalar orqali shu qadar ilmning rivojlanganligi tasdiqlaydi.

Tahlil va natijalar. Xiva xonligi madrasalarida ta’lim jarayoni Buxoro amirligi va Qo‘qon xonligidan farqli o‘laroq, o‘qitish ko‘pchilik hollarda turkiy tilda, qisman arab va fors tillarida olib borilgan. Islomiy fanlar arab tilida bo‘lganligidan arab tili va grammatikasini o‘rganishga ko‘p vaqt ajratilgan. Maktab va madrasalar ta’lim jaryonlari tizimida asosiy e’tibor islomiy ilmlar, berish bilan bir qatorda dunyoviy bilmimlar haqida umumiy tushunchalar berilgan. Madrasalarda tahsil oluvchilarni o‘z ustida ishlashlari hamda bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish bo‘yicha barcha shart-sharoitlar yaratilgan.

Xulosa va takliflar. Xiva xonligida madrasalar poytaxt Xivada xonlikning boshqa hududlariga nisbatan soni ko‘p bo‘lgan hamda ushbu madrasalarda nafaqat mahalliy talabalar balki qo‘shni Buxoro, Qo‘qon, Afg‘oniston, Eron, Hindiston, Yaqin Sharq mamlakatlaridan turli millat va elatlarga mansub bo‘lgan yoshlar kelib tahsil olishi uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan.

Xiva xonligida Madrasalar asosan xonlar va amaldorlar va yirik islom ulamolari tomonidan qurilgan. Xiva xonlari madrasalarda qanday bilimlar o‘rgatilayotganligini o‘z ko‘zlari bilan ko‘rish maqsadida madrasalarga kelib u yerdagi ta’lim-tarbiya jarayonlari bilan tanishib ijtimoiy himoyaga muhtoj talabalarga davlat xazinasidan moddiy yordamlar ajratib turishgan. Shu bilan bir qatorda madrasalarda xonlik uchun zarur bo‘lgan mutaxassislarni davlat buyurtmasi asosida ham tayyorlash ishlari yo‘lga qo‘yilgan.

ADABIYOTLAR

1. Valixo‘jayev B. “Samarqandda oliy ta’lim madrasayi oliya-universitet tarixidan lavhalar”. T. 2001, 4-b.
2. Rahmonova Y. Xiva tarixidan lavhalar. T. “Akademnashr”, 2019, 158-b.
3. G‘oyibov M., Jumaniyozov Sh., Abdurahmonov U., Xiva tibbiyoti (Xiva shifoxonasiga 100 yil) T. “Istiqlol nuri”, 2013, 49-53-b.
4. Otetileuov Q, Xudoyberganov K. Xiva Beket ota muzeyi. Urganch. “Xorazm”, 2014, 56-b.
5. Bilolov G. M. Xorazmda xalq maorifi taraqqiysi. T. “O‘qituvchi”, 1969, 12-b.
6. Yaqubov Q. XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asrning boshlarida Xiva xonligida vaqf instituti: (Tarixiy-manbashunoslik tahlili) Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori. –Toshkent: 2018, 76-77-bet.
7. O‘zR MDA, 125-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 596-ish, 1-8-varaq.
8. Rasulov B. M. O‘zbekistondagi musulmon maktab va madrasalari tarixidan (XIX asr oxiri-XX asr 20-yillari) Andijon, 1996-yil, 55-56-b.
9. Mutalov O. Xiva xonligi Olloqulixon davrida. T. 2005, 74-b.
10. Davlatyor R. Olloqulixon. “Quvonchbek-Mashhura” MChJ nashriyoti Urganch, 2018, 52-56-b.
11. Hasanov S. Xorazm ma’rifati-olam ko‘zgusi. T. “O‘qituvchi”, 1996, 257-259-b.
12. O‘zbekiston adabiyoti va san'ati. 1994-yil, 6-may, 16-17-son, 2-b.
13. O‘zR MDA, 125-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 596-ish, 2-varaq.